

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент давлат шаарқшунослик институти  
Шарқ филологиси ва тарих факултети  
Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси

Мусаметов Баҳодир

Исмоил Сомоний вақфномаси-тарихий хужжат сифатида

5220200 – Тарих йўналиши (Марказий Осиё халқлари тарихи)

Илмий раҳбар: проф. Ш. Камолиддин

**Тошкент 2010**

## Мундарижа

|                                                                                   |            |
|-----------------------------------------------------------------------------------|------------|
| Муқаддима.....                                                                    | 2          |
| <b>I Боб Исмоил Сомоний вақфномалари</b>                                          |            |
| <b>I.1. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номи</b>                  |            |
| <b>Шарқшунослик институтида сақланаётган вақфнома.....</b>                        | <b>10</b>  |
| <b>I.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви ва Ўзбекистон</b>          |            |
| <b>Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий Мерос объектларини</b> |            |
| <b>муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб</b>                           |            |
| <b>чиқариш Бош Бошқармасида сақланаётган ҳужжатлар.....</b>                       | <b>18</b>  |
| <b>II Боб. Исмоил Сомоний вақфномасидаги тарихий маълумотлар</b>                  |            |
| <b>II.1. Сомонийларнинг келиб чиқиши.....</b>                                     | <b>25</b>  |
| <b>II.2 Вақфномада сомонийлар тарихининг ақс этиши.....</b>                       | <b>42</b>  |
| <b>III Боб. Исмоил Сомоний вақфномасидаги географик маълумотлар</b>               |            |
| <b>III. 1.Исмоил Сомоний вақф ерлари.....</b>                                     | <b>62</b>  |
| <b>III.2. Вақфномада учрайдиган бошқа жой номлари.....</b>                        | <b>80</b>  |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                | <b>107</b> |
| <b>Адабиётлар</b>                                                                 |            |
| <b>Иловалар</b>                                                                   |            |

### Муқаддима

**Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир қиладиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади [Каримов 2008: 29].**

Мавзунинг долзарблиги. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида саққланаётган ўн мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, ғалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларини биз билан беллаша олиш мумкин, деб дадил айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди [Каримов 1998: 132-133]. «Исмоил Сомоний вақфномаси – тарихий ҳужжат сифатида» номли Магистрлик Диссертацияси мавзусининг бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бу вақфноманинг бугунги кунгача етарли даражада ўрганилмаганлиги ҳам унинг долзарблигини янада оширади. Исмоил Сомоний вақфномасидаги тарихий маълумотлар бугунги кунимиз учун долзарбдир. Вақфномаларда X, XVI ва XVIII аср Бухоро вилоятининг топонимикаси кенг ёритилади.

Исмоил Сомоний ўрта асрлар Марказий Осиё сиёсий ҳаётида катта ўрин тутган шахс эканлигини инобатга олсак, у билан боғлиқ ҳар бир маълумот Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Исмоил Сомоний вақфномаси ҳам шу сирага киради. Бу қўлёзманинг етарли даражада ўрганилмаганлиги унинг аҳамиятини янада оширади.

XX аср бошларига қадар Марказий Осиёсидаги вақф ерлари, вақф мулкнинг таъсис этилиши ҳолатлари етарли даражада ўрганилмаган.

Вақф деб ҳукмдор ёки бошқа шахслар томонидан кўчар ва кўчмас мулклар (ёкин ерлари, тегирмонлар, ариқлар ва бошқа суғориш иншоотлари, карвонсарой,

устахоналар)нинг диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар, шифохоналар ва бошқа шу каби жойлар учун хайрия қилиниши тушунилган [Чехович 1965:64].

Вақф мулклари расмийлаштирилган ҳужжат вақфнома деб аталган ҳамда қозининг муҳрлари билан бу ҳужжат қонунийлаштирилган [Чехович 1965:65].

Исмоил Сомоний вақфномаси Марказий Осиёда ўрта асрларда ҳуқуқий ҳужжат юритиш ишлари қай тартибда амалга оширилганлигини билиш учун ҳам асос бўлади. Вақф ҳужжатлари Бухоро тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб ҳисобланади[Ростиславов 1873: 166].

Вақфнома асосан қуйидагича битилган. Ҳужжатнинг аввалида Оллоҳга ҳамд ва пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат сўзлари битилади. Шундан сўнг вақф таъсис этилиши сабаблари баён этилади; вақфдан келадиган даромад кимларга ва қанчадан тақсимланиши билдирилади. Вақфномада вақф ери ким учун ёки қайси муассаса фойдасига жорий этилаётгани айтилади. Вақф ери чегаралари, унинг қайси ерлар билан чегарадош эканлиги ҳам ҳужжатда қайд этилади.

Исмоил Сомоний вақфномасида ҳам биз айнан юқоридаги ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бирон бир ернинг вақфга айлантирилиши бу ерга бошқалар томонидан тажовуз қилинишининг олдини олган.

Вақф ерларининг бошқарувчиси мутавалли деб юритилган. Мутавалли ваколатига вақф ерларининг ишларини юритиш, уларни тартибга солиш кирган. Мутавалли вақф мулки бошқарувчиси бўлгани боис вақф ерини хоҳлаган одамига хоҳлаган шартлар асосида ижарага бериши мумкин бўлган [Кун 1872: 85]. Маъмум ҳолатларда, маълум шартлар асосида вақф бошқа вақф ерига алмаштирилиши ҳам мумкин [Идаров 1872: 165]. Исмоил Сомоний вақфномасида баён этилишича, вақф ерлари мутаваллийси сифатида Исмоил Сомоний авлодларининг вакили тайинланиши шарт бўлган.

Исмоил Сомоний вақфномаси тадқиқоти орқали биз Марказий Осиёга оид бошқа вақфномаларни ҳам ўрганишимиз, уларни Исмоил Сомоний вақфномаси билан солиштириб, керакли хулосалар чиқаришимиз мумкин.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари. «Исмоил Сомоний вақфномаси – тарихий ҳужжат сифатида» мавзусидаги Магистрлик Диссертациямнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Исмоил Сомонийнинг нима сабабдан ўз авлодлари фойдасига Бухоро вилояти атрофидаги бир қатор қишлоқлар ва бошқа ерларни вақф сифатида таъсис этиши сабабларини аниқлаш ва ўрганиш;

- Вақфномада учраган жой номларининг, айниқса қишлоқларнинг топонимикасини ўрганиш ва таҳлил этиш. Маълумки, Исмоил Сомоний давридаги жой номлари вақт

ўтиши билан ўзгарган, шу боис янги топонимлар орқали эски жой номларини қайта тиклашга ҳаракат қилиш;

- Вақфномада кўрсатилган сомонийлар сулоласи шажараси, бу шажарада сулоланинг машҳур тарихий шахс Баҳром Чубинга бориб тақалишини ўрганган ҳолда сомонийларнинг келиб чиқиши масаласига яна бир бор тўхталиш;

- Вақфномада учрайдиган Марказий Осиё ва Хуросон ўлкаларида жойлашган давлат, вилоят ва шаҳарлар топонимларини ўрганиш;

- Вақфномаларнинг ёзилиш услубларини, ҳужжатлардаги хат турлари, вақфнома битилган қоғоз ва сиёҳ турларини ўрганиш;

- Вақфномада ёритилган сомонийлар шажаравий тарихини бошқа манбалардаги маълумотлар билан қиёслаш ҳамда фарқли жихатларини ўрганиш;

- Вақфноманинг бугунги кун манбашунослиги ва тарихшунослиги фанлари учун аҳамиятини ўрганиш ва таҳлил этиш;

- Вақфномада тасвирланган қонуний ажрим жараёни орқали ўша давр қозиларининг иш юритиш услублари, умуман ўрта аср суд-ҳуқуқ ишлари фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда Бухорода қозилик ишлари қандай йўлга қўйилганлигини ўрганиш;

- Вақфномада ҳужжатнинг авали ва охирларидаги саналар ва бошқа рақамларнинг тарихий фактлар билан номувофиқлиги сабабларини аниқлаш;

- Сомонийлар сулоласининг инқирозга юз тутиши сабабларини тадқиқ қилиш;

- Вақф ҳужжатларининг бугунги кун тарихшунослик ва манбашунослик фанида тутган ўрнига баҳо бериш, жумладан вақфномаларнинг жой номларини ўрганиш ва уларни аниқлашда қимматли манба эканлигини яна бир бор аниқлаш;

- Вақфномада баён этилган қозининг қонуний иш жараёни вақтида сомонийлар вакили фойдасига қарор чиқариши сабабларини ўрганиш;

- Вақфномани ўрганиш орқали ўрта асрлар Бухоро ўлкаси иқтисодий – сиёсий, маданий ва ижтимоий ҳаётига яна бир бор назар солиш;

- Вақфномани ўрганиш орқали сомонийлар сулоласининг Марказий Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни, аҳамиятини баҳолаш.

Ушбу Магистрлик Диссертациямда юқоридаги мақсад ва вазифаларни баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилдим.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Аввал таъкилланганидек, бу ҳужжат бугунги кунга қадар етарли даражада ўрганилмаган. Дастлаб 1927 йилда М.Саиджон ўзининг «Бухоро шаҳри ва эски бинолари» номли мақоласида Исмоил Сомоний вақфномаси (527 «а» рақамли ҳужжат) ҳақида гапириб ўтади, бироқ у бу ҳужжатни вақфнома деб эмас, балки насабнома деб айтиб ўтган.

Бу мавзуга дастлаб таниқли шарқ- шуносли олима Ольга Дмитриевна Чехович кўл урган ва 1950 йилда нашр қилинган ўзининг мақоласида фотосуратлари сақланиб қолган Исмоил Сомоний вақфномаси ҳақида маълумот бериб ўтади. Мақолада вақфноманинг таржимасини ҳам келтириб ўтади. О.Д.Чехович бу вақфнома ҳақида ўз фикрларини ҳам айтиб ўтади. Шунингдек, у бу вақфнома асосида тузилган 1914 йилги деҳқон мажбуриятлари баён этилган етти та хужжатнинг таржималарини ҳам бу мақолга илова тарзда киритади. О.Д.Чехович вақфномадаги саналар тарихий фактларга тўғри келмаслигини айтиб, Исмоил Сомоний вақфномасини «қалбаки» деб баҳолайди.

Шундан сўнг 1951 йилда О.Д.Чехович ЎзФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган 527 «а» рақамли хужжат борасида тўхталиб ўтган мақоласини эълон қилди. Бу мақолада О.Д.Чехович 527 «а» рақамли хужжат ҳақида умумий маълумот беради; вақф қишлоқларини бирма-бир санаб келтиради. У бу хужжатда келтирилган сомонийлар тарихи Наршахий, Низомулмулк, Мирхонд, Балъамий ва бошқа тарихчилар берган маълумотлар билан мос тушмаслигини айтади.

«Бухарский вақф XIII в.» китобида ҳам Исмоил Сомоний вақфномаси ҳақида тўхталиб ўтилиб, бу вақфномада учраган жой номлари бошқа вақфномалардаги топонимлар билан қиёсланиб, улар ҳақида бирмунча маълумотлар келтириб ўтилади.

О.Д.Чеховичнинг «Бухарские документы XIV в.» китобида бу вақфнома ҳақида маълумот берилмаган бўлса-да, бу китоб вақфномада учраган топонимларни ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади.

1995 йилда М.Усанова ўзининг «Исмоил Сомоний вақфномаси» номли мақоласида ЎзФА Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивидаги Исмоил Сомоний вақфномалари ҳақида маълумот буриб ўтади: хужжатларнинг ҳажми, қоғози, улардаги сатрлар, сиёҳларининг ранги ҳақида маълумот беради ҳамда бу икала хужжатни ўзаро таққослайди, 527 «а» рақамли хужжатдаги сомонийлар тарихи ёритилган лавҳаларни бошқа манбалар орқали қиёсий таҳлил қилади.

Мавзунинг предмет ива объекти. «Исмоил Сомоний вақфномаси – тарихий хужжат сифатида» мавзуидаги Магистрлик Диссертациянинг предмет ива объекти сифатида ЎзФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган 527 «а» рақамли хужжат ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош Бошқармасида сақланаётган фотосурат кўринишидаги хужжатлар олинган.

ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган хужжат бир-бирига ёпиштирилган 8 та қоғоз бўлақларининг ўрайдан иборат, унинг узунлиги 6 м 60 см, эни 19-20 см. бу хужжатда Исмоил Сомоний ўз авлодларига вақф қилиб қолдирган Бухоро вилояти атрофидаги қишлоқлар ҳамда сомонийлар сулоласининг шажаравий тарихи ҳақида сўз

юритади. Бу ҳужжатда Исмоил Сомоний вақф ерлари бирма-бир санаб келтириш билан кифояланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат Архивининг бу ерда сақланаётган Бухоро вақфномалари рўйхати олинган 323-асосий фондида 758/6 ва 758/7 рақамлари билан Исмоил Сомоний авлодлари фойдасига вақф қилинган ҳужжатнинг бир нусхаси сақланади. Вақфноманинг бу нусхаси ката бир бутун қоғоз ўрамидан иборат бўлиб. «Подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вақфномаси» деб аталади. Бу ҳужжат ҳам бир-бирига ёпиштирилган 7 та қоғоз бўлақларининг ўрамидан иборат. Ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун қоғоз бўлақларининг бир-бирларига ёпиштирилган жойларининг ҳар икки томонига муҳр босилган, муҳрларнинг ҳаммаси 13 та.

Маданий Мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бошқармасида 3499-3510 рақамлари остида сақланаётган ҳужжат фотонусха кўринишида бўлиб, бу ҳужжатнинг асл нусхаси бизнинг кунимизгача сақланиб қолмаган. Бу ҳужжат 758/6 рақамли ҳужжат билан бир хил мазмунга эга.

Фотосуратга кўра ҳужжат бир-бирига ёпиштирилган 8 та қоғоз бўлақларининг ўрамидан иборат, унинг умумий узунлиги 3-4 м, эни эса тахминан 25-30 см. Бу ҳужжат ўрам шаклида сақланган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асоси. Вақфномада Сомжан ариғи атрофидаги ерларни исмоил Сомоний ўз авлодлари фойдасига васият қилганлиги ҳақида сўз боради, лекин Наршахийнинг хабар беришича, Сомжан канали атрофидаги Исмоил Сомоний вақфи XII асрдаёқ йўқ бўлиб кетган эди.

Юкорида қайд қилинган Исмоил Сомоний вақфлари ҳақида муҳаммад Наршахий асарида келтирилган. О.Д. Чеховичнинг фикрича, вақфнома XVIII асрларда Исмоил Сомоний авлодларининг талабларига кўра қайта тикланган.

Шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу ҳужжат нафақат Исмоил Сомоний вақф ерларини ўрганишда, балки шунингдек сомонийлар тарихини ҳам ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади, чунки унинг асосий қисми сомонийлар сулоласи тарихидан иборат.

Вақфнома IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар тарихини ўрганишда ката аҳамиятига эга. Ҳужжат бирмунга тарихий воқеаларни ўз ичига олиши билан бирга, баъзи масалалар буйича янгича фикр юритиш, талқин қилиш учун асос бўлади.

Шунингдек, вақфнома атамаларга бой бўлиб, улар ўша даврлаги ижтимоий-иқтимодий, солиқ усули, хунармандчилик, сомонийлар саройида урф-одат, маданият, уларнинг маъмурий тузуми ва бошқа масалаларни ёритишда катта аҳамиятга эга. Ҳужжат Бухоро ва унинг атрофидаги катта ва кичик кишлокларнинг тарихий топонимикасини ўрганишда ҳам қўшимча маълумотлар беради.

Илмий янгилик ва унинг амалиётдаги аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида Исмоил Сомонийнинг саййиллардан келиб чиққанлиги борасида қарашларнинг пайдо бўлишидир. Исмоил Сомонийнинг вақфи ҳам вақфи авлод ҳисобланган.

Вақфи авлод бу сулолавий ёки оилавий вақф ери ҳисобланади. Фақат саййидлар ва хожаларгина ўз вақфларини вақфи авлод сифатида расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Васиятнинг бу тури феодал ернинг бўлинмаслигини назарда тутган. Шунинг учун ҳукмдорлар, дин пешволари, саййидлар, хожалар ва катта мулк эгалари масжид, мадраса ва хонақолар қуриб, бу ерларни абадий вақф сифатида таъсис этганлар. Хайриянинг бундай турида вақф таъсисчисининг ўзи умрбод мутавалли бўлар, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг фарзандларига ўтар эди. Шу тариқа вақф мулклари бошқарувчиси лавозими наслдан-наслга ўтган. Хожа ахрор ва Жўйбор шайхларининг васиятлари ҳам вақфи авлодга мисол бўла олади.

Вақфи авлоднинг икки тури мавжуд бўлган: саййидларнинг авлодлари фойдаланадиган вақфи авлод ва иккинчиси оилавий. Унинг биринчисидан фарқи шуки, бу вақф маълум оиланинг вакилларининг мулки ҳисобланган. Исмоил Сомонийнинг вақф ерлари вақфи авлоднинг биринчи турига мисол бўла олади. Исмоил Сомоний вақфномаси Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослигида муҳим ўрин тутади.



## **I Боб Исмоил Сомоний вақфномалари**

### **I.1. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган вақфнома**

Ўз ФА Абу Райхон Беруни номли Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 527“А” рақамли Исмоил Сомоний вақфномаси сақланади. Тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Исмоил Сомоний вақф ерлари, жумладан Жўйи Мўлиён ва Паркат ерлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Исмоил Сомоний Бухоро атрофидаги бўш ерларни ва баъзи бир қишлоқ ларнинг ерларини сотиб олиб, уларни ўз авлодларининг фойдасига ёки бошқа хайрия мақсадларида вақф этган. Юқорида қайд этилган 527“А” рақамли ҳужжатда Исмоил Сомонийнинг ўз авлодларига вақф қилиб қолдирган Бухоро вилоятининг атрофидаги баъзи қишлоқлар ҳақида сўз боради.

Ҳужжатнинг бош қисмидан бир неча сатрлар етишмайди, ана шу қисмда сақланиб қолган сатрларни ҳам тиклаш анча мушкул, чунки сатрларда қоғознинг чириши натижасида баъзи сўзлар ўчирилиб кетган. Бу камчилик ҳужжатнинг кўп ишлатилиши туфайли рўёбга келган бўлиши мумкин.

Ҳужжат бир-бирига ёпиштирилган 8та қоғоз бўлақларининг ўрамадан иборат, унинг узунлиги 6м 60см, эни 19-20см, ҳужжатнинг бош қисмига қоғозни муҳофаза қилиш учун оддий мато парчаси ёпиштирилган. Ҳужжат хат усули настаълиқ, сиёҳнинг ранги қора, қоғози маҳаллий, сариқ тусда. Қоғознинг баъзи жойлари титилган, кўпол равишда ёпиштирилган. Ҳужжатнинг охирида тўрт бурчак шаклида монограмма бор.

Вақфноманинг 25-сатрининг боши ва 26-сатрининг охиридаги сўзлар ҳужжатнинг ушбу қисмидаги қоғозлар ҳужжатни қайта таъмирлаш вақтида бир-бирига кўпол тарзда ёпиштирилгани боис, сўзларни палеографик белгиларига кўра ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган 758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжатда учраган сўзлар (39 ва 42-сатрлар) билан қиёслаган ҳолда 25-қаторнинг аввалидаги сўзларни اجنبى بغصب و تعدى از ابداء ما توالدوا وتناسلوا деб ва 26-сатрнинг охиридаги сўзларни эса اندها қайта тиклашга ҳаракат қилинди.

Вақфноманинг 55-62-қаторларида Баҳром Чубин билан боғлиқ воқеалар тасвирланган бўлиб, шу сатрларнинг ўн томонида бу воқеаларга шарҳ берилган, бироқ, афсуски, шарҳ ёзилган қисм йиртилиб кетган бўлиб, “Жўнатилганнинг исми Қулун Турк эди” деган сўзларни ўқиш имконияти бўлди, холос.

Вақфноманинг 119-сатри ҳам қайта тиклаш чоғида бир-бирига қўпол тарзда ёпиштирилган, бироқ шунга қарамай, бу сатрда “Унинг Сом исмли аёнларидан бири Шояд уни Ҳиротга олиб кетган бўлса” каби сўзлар битилганини ўқиш мумкин.

Вақфноманинг 177-сатри ҳам қўпол тарзда бир-бирига ёпиштирилган ва бу сатрдаги баъзи узук-юлуқ сўзлар аниқ бир маъноли гап чиқариш имконини бермайди. Вақфноманинг қолган қисмлари нисбатан яхши сақланган. Вақфноманинг 403-сатридан бошлаб, охириги 406-сатрига қадар гаплар бошқа ҳуснихат билан битилган. Бу ҳуснихат бундан юқоридаги хат билан қиёслаганда қўполроқ кўринишга эга. Эҳтимол, бу сатрлар бошқа котиб томонидан битилган.

Вақфноманинг дастлабки 23 сатрида Исмоил Сомонийнинг саййидлардан эканлиги борасида сўз боради. Шундан сўнг 24-сатрдан 50-сатргача бўлган қисмида Исмоил Сомоний вақф ерлари ва унинг вақфномаси ҳақида тўхталиб ўтилган. Бу вақфномада унинг вақф ерлари бирма-бир санаб келтириш билан кифояланган. Ҳужжатда Исмоил Сомоний фақат ўзининг авлодлари фойдасига вақф қилиб қолдирган ерлари сифатида Наҳри Навканд, Паркат, Хожа Ўбон, Мазраи Алишоҳ, Арбоби Ката, Талли Гармоба қишлоқлари, Ҳазорбоғ, Собуқ ва Босондиқ ерлари келтирилган бўлса, Жўйи Мўлиён ва Бухоро Регистони ўз авлодлари билан бирга мавлолар ва камбағал мусулмонлар учун ҳам вақф сифатида қолдирилган. Фуқоҳолар, уламолар ва мусофирлар учун эса Варахша ери вақф сифатида таъсис этилган.

Ҳужжатнинг 51-сатридан охириги 460-сатригача бўлган асосий қисми сомонийлар сулоласи тарихидан ташкил топган. Вақфноманинг 51-54-сатрларида сомонийлар сулоласи шажараси ўрин олган. Унда Исмоил Сомонийнинг аجدодлари сулоласи Эрондаги Сосонийлар давлатига лашкарбоши бўлган Баҳром Чубинга бориб тутатиши баён этилган.

Вақфномада сомонийлар сулоласи шажараси келтириб ўтилганидан сўнг, Баҳром Чубин ва Эрон шоҳи Ҳусрав Парвиз (590-627) ўртасида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Бу воқеалар баёни вақфноманинг 55-62-сатрларидан жой олган. Унда Баҳром Чубиннинг Ҳусрав Парвиз устидан ғалаба қозониб, Эрон давлатида подшоҳ бўлиб олиши, Ҳусрав Парвизнинг Византия императори Маврикий берган ёрдам орқали Баҳром Чубин устидан зафар қозониб, тахтни қайта эгаллаши ҳамда Баҳромнинг турклар ҳокони ҳузурига қочиши ва хийла йўли билан у ерда ўлдирилиши воқеа-ходисалари тасвирланган.

Баҳром Чубин воқеасидан сўнг вақфномада сомонийлар сулоласининг бобокалони ҳисобланадиган Сомон-худот ҳаётидан бир лавҳа берилган (63-68): “Балки, юқорида зикр қилинган Сомоннинг аждодлари Ислон пайдо бўлишидан аввал Мавароуннаҳр ҳукмдорлари бўлганлар. Ислон пайдо бўлгач, соҳиби лашкар бўлган Сомоннинг отасига

тақдир аёвсиз муносабатда бўлди ва у туякашлик даражасигача “йиқилди”. Аммо Сомон “катта гавҳар” эди, туякашлик иши унга муносиб эмас эди”.

Вақфномада шундан сўнг 69-76 сатрларида Сомон-худот вафотидан кейин унинг авлодларининг аббосий халифалар хизматларига киришлари ва Мовароуннаҳрда вилоят бошқарувлари лавозимларига қўйилишлари тасвирланган.

Вақфноманинг 77-84-сатрларида Наср ва Исмоил ибн Аҳмадлар ўртасида пайдо бўлган низо ва урушга олиб келган бу низода Исмоил Сомонийнинг ғолиб келиши воқеалари тасвирланган.

Вақфноманинг 85-179-сатрларида Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврини ўзида акс эттиради. Унда Исмоилнинг акаси Наср ибн Аҳмад вафот этгач, Исмоил Сомоний мустақил равишда Мовароуннаҳр ўлкасини давлатни бошқаришда адолат ва инсоф тамойилларига амал қилади. Вақфноманинг бу қисмида Амр Лайс ва Исмоил Сомоний ўртасидаги кураш анча кенг ва атрофлича ёритилади.

Амр Лайс Мовароуннаҳрга тамаъ қилиб, у ерга Мухаммад ибн Башар исмли қўмондонини юборади, аммо Исмоил Сомоний билан бўлган жангда у мағлубиятга учрайди. Шундан сўнг Амр Лайснинг шахсан ўзи Исмоил Сомонийга қарши жангга отланади. Исмоил Сомоний Амр Лайсга уни бу фикридан қайтаришга чақириб, номалар ва элчилар юборади, амо Амр Лайс унинг таклифларига рад жавобини беради. Исмоил Сомоний оз сонли лашкари билан кўп сонли қўшинга Амр Лайс устидан зафар қозонади, унинг ўзи эса асир олинади. Исмоил Сомоний Амр Лайсни Бағдодга халифа ҳузурига юборади. Амр Лайсни туяни устига ўтқизишиб, Бағдод бўйлаб айлантеришади ва Бағдод зиндонига махбус қилишади.

Исмоил Сомоний даврида Мовароуннаҳр давлати гуллаб яшнади. Хужжатда саффорийлар сулоласи золим ва ситамгар сулола бўлганлиги, тоҳирийларнинг хайрли ишларини давом эттирмагаликлари танқид остига олинади.

Хужжатнинг Исмоил Сомоний ҳукмронлигига бағишланган қисми унинг 6 йил умр кўриб, хижрий 295 йилда сафар ойининг 14-куни вафот этганлиги ва қабри Бухоро шахрининг ғарбий тарафида жойлашгани ва зиёрат қилинадиган бир жой эканлиги ҳақидаги сўзлар билан якун топади.

Исмоил Сомоний сомонийлар сулоласи подшоҳларининг энг йирик ва машхур вакили бўлганлиги боис, хужжатда сомоний ҳукмдорлар ичидан айнан унинг ҳукмронлиги даврида энг кўп жой ажратилганлиги бежиз эмасдир.

Хужжатнинг 180-229-сатрлари Амир Аҳмад ибн Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврини ёритишга бағишланган. Унинг олимпарвар ва илмдўст бўлгани, доимо олимлар ва фузоллар билан мажлислар қурганлиги таъкидланиб, шоир Анварий унинг мадҳига бағишлаб қасида ёзганлиги айтилади. Вақфноманинг 182-199-сатрларида Анварийнинг

Аҳмад ибн Исмоил мадҳига бағишлаб ёзган қасидаси ўрин олган. Ҳужжатда Амир Аҳмаднинг бир гуруҳ ғуломлар томонидан ўлдирилиши ҳам ўз аксини топган. Унинг ўлдирилганидан сўнг “Амир Шаҳид” деган лақаб олгани ва ҳукмронлик муддати 6 йил, 4 ой ва бир неча кундан иборат бўлгани айтилади. Шунингдек, Амир Аҳмаднинг Исмоил Сомоний бир вақтлар Ҳасан Толутдан уч минг динорга сотиб олган ва мавлоларига вақф қилиб берган Жўйи Мўлиён яқинидаги Катта Чорвоқ қишлоғини қайта қуриб, кенгайтиргани борасида сўз юритилади. Жумладан, Амир Аҳмад бу қишлоқ деворларини баланд қилди; унга турли чорва молларини жойлаштирди, шунингдек боғнинг ичкарасига лочин қушларни ҳам қўйиб юборди.

Ҳужжатнинг 230-299-сатрлари эса Амир Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврини ёритишга бағишланган. Ҳужжатда унинг отасига қасд қилган барча ғуломларни қатл қилганлиги; адолатли сиёсат юргизиб, қўплаб хайр-саҳоват ишларни амалга оширганлиги айтилади. Амир Наср Ҳиротга келади ва бу ер унга шу даражада ёқиб қоладики, ҳатто Бухорога қайтишни ҳам ҳаёлига келтирмайди. Амирлар ва аркон давлат хотунлари ва фарзандларини қаттиқ соғина бошлайдилар. Улар шоир Рудакийга ялиниб, ундан бир иложини қилишини сўрайдилар. Шунда Рудакий Амир Наср ҳузурида “Бўйи Жўйи...” ғазалини ўқийди. Бу ғазалдан таъсирланган Амир Наср этигини ҳам киймай, отга миниб, Бухорога равона бўлади. Бу машҳур ғазал вақфноманинг 238-242-сатрларидан жой олган. Вақфномада Амир Насрнинг отасининг амакиси Исоҳқ Сомоний исёнини бостириши, Фотих Ғулом юсуф ибн Абу ас-Саажга қарши кураши ҳам тасвирланган. Ҳужжатда шунингдек, Абу Бакр новвойнинг Бухорода уюштирган фитнаси ҳам ёритилган. Ҳужжатнинг Амир Наср фаолияти даврига бағишланган қисмида унинг сил касаллигидан вафот этганлиги, унинг 38 йил умр кўриб, 30 йил ҳукмронлик қилгани айтилади. Унинг лақаби “Амир Саид” бўлган.

Вақфноманинг 300-321-сатрларида Амир Нух ибн Наср ибн Аҳмад Сомоний ҳукмронлиги даврида рўй берган воқеалар ёритилган. Амир Нух ибн Наср даврида Сомонийлар давлатида ўзаро урушлар кучая бошлайди. Жумладан, вақфномада ёзилишича, Амир Нух ибн Насрдан аввал Рай ҳокими бўлган Абу Али ибн Муҳаммад ибн Муҳтож Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмадни тахтга кўтаради ва Хуросонга юриш қилади. Арм Нух унга қарши қўшин тортади, бироқ қўшиннинг кўрнамаклик қилиб, фитначилар сафига бориб қўшилишлари туфайли Амир Нух мағлубиятга учрайди. Иброҳим Сомоний, ундан кейин Амир Нухнинг укаси Муҳаммад ибн Наср номлари қисқа вақт мобайнида Бухорода хутбага қўшиб ўқилади. Вақфномада Амир Нухнинг лақаби “Амир Ҳамид” бўлганлиги ва 12 йил, 7 ой ва 7 кун давлат бошқарганлиги айтилади. Алптегин унинг даврида Сомонийлар давлатида бошқарув лавозимларни қўлга киритади ва ўз таъсирини мустаҳкамлай бошлайди.

Вақфноманинг 322-328-сатрларида қисқача тарзда Абдулмалик ибн Нух ибн Наср Сомоний ҳукмронлиги даври борасида тўхталиб ўтилган. Хужжатда ёзилишича, унинг замонида Алптегин Хуросон соҳиби бўлиб олди. Абдулмалик ва унинг ўртасида кўплаб урушлар содир бўлган ва охир оқибат сулҳ билан якун топгани айтилади. Абдулмалик Кўйи Бўхтан майдонида отдан йиқилиб ўлгани таъкидланади. У 7 йил ва бир неча кун подшоҳлик қилган. Абдулмалик ибн Нухнинг лақаби “Амир Муаййид” бўлганлиги бу хужжатда ҳам ўз аксини топган. Вақфномада Абдулмалик ибн Нух ҳукмронлиги даврини ёритишда бошқа Сомоний подшоҳларига кўра энг кам жой ажратилган.

Хужжатнинг 329-359-сатрларида Мансур ибн Нух ибн Наср ҳукмронлиги даври ёритилган. Амир Мансур ибн Нух ҳукмронлиги даврида Алптегин унга қарши исён қилади ва Ғазна шаҳри томон қўшин тортади. Амир Наср унга қарши бир неча бор қўшин жўнатишига қарамай, Алптегин бу қўшинларнинг барчасини енгиб, Ғазнани қўлга киритишига муваффақ бўлади. Хужжатнинг бу қисмида Халаф ибн Аҳмад Сейистоний билан боғлиқ воқеалар ўрин олган. Халаф ибн Аҳмад ҳаждан қайтганидан сўнг, киёву уни шаҳарга киритмагач, у Мансур ибн Нух ҳузурига ёрдам сўраб боради. Амир Мансур унга қўшин билан ёрдам беради. Вақфномада Амир Мансур ибн Нухнинг подшоҳлиги 15 йил давом этганлиги ҳамда адолат бобида ўз даврининг яғонаси бўлганлиги айтилади. “Тарихи Табарий” асари муаллифи Абу Али ибн Муҳаммад Балчамий унинг вазири бўлган.

Вақфноманинг 358-412-сатрлари Амир Нух ибн Мансур ҳукмронлиги даврида рўй берган воқеаларни ўз ичига олади. Унинг даврида маҳаллий ҳукмдорлар ўртасида ўзаро кураш кучайган. Қорахонийлар подшоси Буғрохон Бухоро шаҳрини эгаллайди. Сомонийлар давлати инқирозга юз тута бошлайди.

Хужжатнинг 413-426-сатрларида Мансур ибн Нух ҳукмронлиги даври ёритилган. Вақфноманинг бу қисмида асосан Мансур ибн Нухнинг Фойиқ ва Бектузинга қарши курашлари тасвирланган. Сомонийлар давлати тобора тушкунликка учрашда давом этган.

Вақфномада ёзилишича, Абдулмалик ибн Мансур даврида Хуросондаги сомонийлар бошқарувига нукта қўйилган. Унинг даврида қорахонийлар подшоси Илехон Мовароуннаҳрни эгаллаб олади.

Сомонийлар сулоласи подшоҳларининг сўнгги вакили Исмоил ал-Мунтасирнинг сомонийлар давлатини айта тиклашга бўлган барча уринишлари зоя кетади.

Вақфнома қуйидаги сўзлар билан якунланади:

“Шундан сўнг Сомон хонадонидан бўлган подшоҳлар якун топти. Бу сулоланинг баъзи вакиллари хунармандчиликка машғул бўлдилар, бошқалари эса илмда ҳурмат қозондилар; уларнинг иккиси ҳам оддий одамлар бўлиб қолдилар.

Мазкур [сўзлар] пайғамбарлар саййиди бўлмиш Хазратнинг хижратларидан сўнг тўққиз юз ўттиз биринчи йили (931) ражаб ойининг йирирманчи куни санасида битилди. Мен буни Бухоро шаҳрида – бало ва офатлардан омонда бўлсин! – “Баҳр уд-дураар” дан кўчириб ёздим ва бу одиллар ва ишончли кишилар ҳозирлигида бўлди.

Имзо: Абдуллоҳ Муҳаммад Раҳим ибн Муҳаммад Рауф. 931. Оллоҳ билгувчирок.

Бизга маълум каталогларда “Баҳр уд-дураар” номи остида XX аср бошида Тошкентда кенг тарқалган фотиҳа сурасига тафсир битилган китобдан бошқа шу номдаги бошқа асар учрата олмадик.

Аввал бошида таъкидланганидек, Исмоил Сомоний Вақф мулклари сифатида бу ҳужжатда ўн учта жой номлари келтирилган. Шулардан дастлабки олтитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган 758/6 ва 758/7 рақамли “подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вақфномаси”да ҳам учрайди. Қолган жой номлари эса учрамайди.

Шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу ҳужжат нафақат Исмоил Сомоний вақф ерларини ўрганишда, балки, шунингдек, сомонийлар тарихини ҳам ўрганишда манбаа бўлиб хизмат қилади, чунки унинг асосий қисми сомонийлар сулоласи тарихидан иборат.

IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ҳужжат бир мунча тарихий воқеаларни ўз ичига олиши билан бирга баъзи масалалар бўйича янгича фикр юритиш, талқин қилиш учун асос бўлади.

**I.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви ва Ўзбекистон  
Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий Мерос объектларини  
муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош  
Бошқармасида сақланаётган ҳужжатлар.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг бу ерда сақланаётган Бухоро вақфномалари рўйхати олинган 323-асосий фондида 758/6 ва 758/7 рақамлари билан Исмоил Сомоний авлодлари фойдасига вақф қилинган ҳужжатнинг бир нусхаси

сақланади. Вақфноманинг бу нусхаси катта бир бутун қоғоз ўрамидан иборат бўлиб, “Подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вақфномаси” деб аталади. Бу ҳужжат ҳам бир-бирига ёпиштирилган 7та қоғоз бўлақларининг ўрамидан иборат. Ҳужжатнинг ҳақийқилигини тасдиқлаш учун қоғоз бўлақларининг бир-бирига ёпиштирилган жойларининг ҳар икки томонига муҳр босилган, муҳрларнинг ҳаммаси 13та. Муҳр Амир Шохмурод (1785-1800)га тегишли. Муҳрлар 1198-ҳижрий йили (1784-1785) кўрсатилган, у айлана шаклида, ҳажми 2.5см. Ҳужжат сарғиш тусдаги маҳаллий қоғозга ёзилган, сиёҳи-қора; сатрлар қатори 98та. Асосий мавзудан кейин ҳукмнома бошланади, ҳукмнома 17қатордан иборат. Вақфнома 254 йили битилган деб ёзилган, мелодий 868 йилга тўғри келади.

Вақфнома Ўрта Осиёда XVII-XIX асрларда кенг қўлланилиб келинган настаълиқ хатида ёзилган. Агар баъзи бир нуқсонлари ҳисобга олмаганда, ҳужжат яхши сақланган. Нуқсонлардан бири жой номлари ноаниқроқ, араб ёзувидаги диакритик белгиларсиз ёзилган. Бундай ҳол, ўз навбатида, ҳужжат бошқа нусхадан кўчириб ёзилган бўлиши мумкин, деган фикрга олиб келади. Баъзи жойларнинг номлари сақланмаганлигидан ҳам бундай нуқсонлар содир бўлган.

Вақфномада Сомжан канали атрофидаги ерларни Исмоил Сомоний ўз авлодлари фойдасига васият қилганлиги ҳақида сўз боради. 1920 йилларга қадар Бухорода бир маҳалла бўлиб, унда Исмоил Сомоний авлодлари вақфдан келган даромадга яшаганлар. Шунингдек, ҳужжат қадимдан сақланиб қолган нусхадан қайта тикланиб, кўчириб ёзилган ёки баъзи тарихий манбалар асосида тузилган бўлиши ҳам мумкин, деган мулоҳазадан холи эмас. 758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжатда Исмоил Сомоний томонидан вақф қилинган қишлоқ ва жойлар келтирилиб, улар билан чегарадош жойларнинг номлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Маданий Мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бошқармасида 3499-3510 рақамлари остида сақланаётган ҳужжат фотонусха кўринишида бўлиб, бу ҳужжатнинг асл нусхаси бизнинг кунимизгача сақланиб қолмаган. Бу ҳужжат 758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжат билан бир хил мазмунга эга.

Фотосуратга кўра, ҳужжат бир-бирига ёпиштирилган 8та қоғоз бўлақларининг ўрамидан иборат, унинг умумий узунлиги 3-4м, эни эса тахминан 25-30см. Бу ҳужжат ўрам шаклида сақланган. Ўрта Осиёда ҳужжатлар одатда шундай сақланган; ўралиш натижасида қоғозда юзага келган букланиш ҳолатлари фотосуратда яққол кўриниб турибди. 131 сатрдан иборат бўлган матн 7 хил мазмундаги ҳужжатни акс эттирувчи 7 қисмга ажралган. Бутун матн ягона ҳуснихат билан, эҳтимол бир вақтнинг ўзида ёзилган. Хат тури Ўрта Осиё настаълиқ хати бўлиб, ҳужжат палеографик белгиларига кўра XVII асрдан олдинроқ ёзилмаган. Уни кейинг даврларга ҳам тақаш мумкин, чунки бу хат тури

XIX асргача кенг тарқалган бўлган. Бу фикрлар мухрлар орқали ҳам ўз тасдиғини топмокда: 17 та жойга босилган айлана шаклида мухрда 1800-1825 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган “Султон Амир Ҳайдар” сўзларини ўқиш мумкин. 6 марта босилган яна бир айлана шаклидаги мухрдаги олий қози Мирза Муҳаммад Фозил ибн Мирза Муҳаммад Амин исмини ўқишимиз мумкин. Бу қози бошқа ҳужжатлар, масалан 1796 йилга оид Бухоро музейида сақланаётган 464 рақамли ҳужжат ва Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1809-1810 йилга оид 30-24 рақамли ҳужжатлар орқали ҳам маълум. Шундай қилиб, хат ва мухрларни ўқиш орқали бу ҳужжатни XIX асрида ёзилган деб айтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида 758/6 ва 758/7 рақамлари остида сақланаётган “Подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вақфномаси” ва Маданий Мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бошқармасида 3499-3510 рақамлари остида сақланаётган Исмоил Сомоний вақфномаси фотонусхалари, юқорида айтилганидек, бир хил мазмунга эга бўлиб, бир-бирларини тўлдириш хусусиятига эга. Фотонусха кўринишидаги ҳужжатнинг бош қисмида асл ҳужжатнинг яроқсиз ҳолга келгани боис, вақфномани қайта тиклаш тўғрисидаги баённома жой олган. Бу баённома ҳеч бир сарлавҳаларсиз бошланган. 10та қатордан иборат бўлган бу баённома 758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжатда учрамайди. Баённомада айтилишича, Мир Сақнахий номи билан танилган саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн Бухоро шаҳридаги Қозилик маҳкамасига ташриф буюради ва Исмоил Сомонийнинг вақф мулклари борасидаги вақфнома рўйхатини кўрсатади; унинг қоғози вақт ўтиши билан яроқсиз ҳолга келгани туфайли вақфномани қайта тиклашни илтимос қилади. Амир саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн Исмоил Сомоний вақф мулклари мутаваллиси бўлган. Унинг илтимоси қондирилиб, вақфнома қайта тиклаб берилади. Баённомадан кўриниб турибтики, вақфномани қайта тиклаш учун Амир саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн қозига Исмоил Сомоний авлодларидан бири эканлигини тасдиқловчи қозининг мухри босилган гувоҳнома кўрсатган.

Баённома битилган ушбу қоғоз бўлаги остидан яна бир қоғоз ёпиштирилган ва унинг дастлабки қаторлари Оллоҳни улуғловчи сўзлар, Қуръони Каримдан келтирилган баъзи оятлар, пайғамбарларга ва Муҳаммад пайғамбар соллалоҳу алайҳи васалламга саловатлардан иборат. Шундан сўнг, Исмоил Сомонийнинг ўз авлодлари фойдасига вақф мулклари таъсис этиши сабаблари баён қилинган. Кейин эса вақф қишлоқлари, уларнинг чегаралари, жойлашган ўрни бирма-бир санаб ўтилади. Ҳужжатнинг икки ён четида Амир Ҳайдар мухрлари босилган. 758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжат эса Исмоил Сомонийнинг ўз авлодлари учун вақф мулкларини таъсис этиш сабабларини баён қилиш билан бошланган. Ҳужжат қоғоз бўлақларининг бир-бирига ёпиштирилган жойларининг ҳар икки томонига



Амир Шоҳмурод муҳрлари босилган. Вақфномада вақф мулкларининг қонуний вақф ер эканлиги таъкидланади.

Ҳар иккала ҳужжатда Исмоил Сомоний Вақф мулклари сифатида Паркат, Гармоба, Хожа Ўбон, Наҳри Навканда, Мазраи Алишоҳ, Арбоби Ката ва Асбоби Айниддин қишлоқлари санаб ўтилган, сўнггида сомонийлар мақбараси жойлашган ер тасвирланган. Ҳужжатда Паркат, Гармоба ва Хожа Ўбон қишлоқлари Бухоро вилоятининг Сомжан туманида жойлашгани айтилсада, Мазраи Алишоҳ, Арбоби Ката ва Асбоби Айниддин қишлоқлари Бухоро вилоятининг Хутфар туманида жойлашгани айтилади; Наҳри Навканда қишлоғи Пойи Руд туманида жойлашгани маълум бўлади. Вақфномада Бухоро вилоятининг Пойи Руд туманида жойлашган яна бир катта ернинг баёни ҳам келтирилган, аммо бу ернинг номи келтирилмаган. Барча қишлоқларнинг шарқдан, ғарбдан, шимолдан ва жанубдан қайси ерларга бориб туташилари ва чегаралари баён этилади. Ҳар бир қишлоқнинг чегаралари ҳақида атрофлича тўхталиб бўлинганидан сўнг, “Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир” деб қўшиб қўйилган.

758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжатда учраган Паркат, Гармоба, Хожа Ўбон, Наҳри Навканда, Мазраи Алишоҳ ва Арбоби Ката қишлоқлари номлари Ўз ФА Абу Райҳон номли Шарқшунослик институтида сақланаётган 527 “А” рақамли ҳужжатда ҳам учрайди. Фақатгина Асбоби Айниддин қишлоғи номи 527 “А” рақамли ҳужжатда учрамайди. Ўз навбатида 527 “А” рақамли ҳужжатдаги Жўйи Мўлиён, Бухоро Регистони, Собук, Босондиқ, Ҳазор Боғ, Ката Чорвоғ ва Варахша сингари вақф ерлари номлари 758/6 ва 758/7 ва фотосурат кўринишидаги вақфномаларда учрамайди. Бунинг сабабларидан бири XIX асрига келиб бу жой номларининг ҳам ўзгариб кетганлиги ҳам бўлиши мумкин.

Шундан сўнг, қоғозга озгина бўш жой қолдирилган ва ундан кейин эса Қози Мирза Муҳаммад Аминнинг муҳри билан сарлавҳа билан янги мазмундаги вақф ҳужжати келтирилган 758/6 ва 758/7 рақамли вақфномада эса унинг бу қисмида ҳеч қандай муҳрлар қўйилмаган бўлиб, юқорида таъкидланганидек, амир Шоҳмурод исми туширилган муҳрлар вақфноманинг фақат қоғозлар бир-бирларига ёпиштирилган жойларига қўйилган. Янги мазмундаги вақф ҳужжати эса ҳеч қандай сарлавҳасиз янги қатордан бошлаб кетилган.

Бу янги мазмундаги ҳужжатда Исмоил Сомонийнинг юқорида келтирилган қишлоқларни ўз авлодлари ва камбағал мусулмонлар учун вақф сифатида қолдирганлиги таъкидланиб, унинг бу борада бир қатор шартлари ҳам баён этилади. Сўнггида мазкур ҳужжат одиллар ва ишончли одамлар ҳозирлигида битилгани таъкидланади. Ҳужжат Муҳаммад Фозил ибн Мирза Муҳаммад Амин муҳрлари қўйилган.

758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжатнинг эса бу қисмида ҳам, юқорида таъкидлаганидек ҳеч қандай қозининг муҳри қўйилмаган.

Шундан сўнг, ҳар иккала вақфномада ҳам баҳсли ерларнинг вақф мулки эканлиги борасида ҳукм чиқарган қозининг қарори ўрин олган қонуний иш жараёни тасвирланган.

Бу ҳужжатда Амир Наср ибн Амир Аҳмад Бухоро шаҳридаги қозилик маҳкамасига келиб, Мир Забон ибн Абдулмансур устидан даъво қилиши масаласи тасвирланган. Амир наср Мир Забон ўз тасарруфи остидаги ерларга ноқонуний эгалик қилаётганлиги борасида қозига арз қилади ҳамда бу ерлар унинг ворисий ерлари эканлигини; бу ерларни Исмоил Сомоний унга вақф қилиб қолдирганлигини таъкидлайди ҳамда қозидан бу ерларни унга қайтаришга тўғрисида ҳукм чиқаришни сўрайди.

Мир Забон ибн Абдулмансур Амир Насрнинг бу даъволарини инкор қилади. Шунда Амир Наср қозилик маҳкамасига Ҳожа Рофеъуддин ибн Ҳожа Шамсиддин ибн Ҳожа Бадриддин ва Мавлоно Али Муҳаммад исмли икки гувоҳини олиб келади. Гувоҳларнинг иккови Амир Наср сўзларини тасдиқлашади ва жавобгардан ўз тасарруфи остидаги ерларни Амир Насрга қайтаришини талаб қиладилар. Мир Забон уларга қарши бирон чора қўллай олмайди.

Қози Мир Забон тасарруфи остидаги ерлар Исмоил Сомонийнинг ўз авлодларига вақф сифатида қолдирган ерлар эканлиги ҳақида Амир Наср фойдасига қарор чиқаради ва Мир Забондан ерларни Амир Насрга топширишини талаб қилади. Шу тариқа бу қонуний ажрим жараёни Амир Наср ибн Аҳмад фойдасига қарор чиқарилиши билан якун топади.

Шундан сўнг қарама-қарши мазмундаги қонуний ажрим жараёни баён этилади. Бу ҳужжатда энди Фойиқ ибн Арслон ибн Мир Забон Бухоро шаҳридаги Қозилик маҳкамасида қозининг ноиби ҳузурида Абу Наср ибн Амир Аҳмад Сомоний устидан даъво қилади. Фойиқ ибн Арслон Абу Наср ибн Амир Аҳмад қўл остидаги мулклар аслида унинг мулки эканлигини ва Абу Наср ибн Аҳмад бу ерларга ноқонуний эгалик қилаётганлигидан арз қилади, бироқ Абу Наср ибн Аҳмад унинг бу даъвосига эътироз билдиради.

Қози бу гал ҳам Сомонийлар сулоласи вакили фойдасига қарор чиқаради.

Вақф даромадлари тақсимланиши борасидаги шартлар битилган матнда вақф ҳижрий 254 йил шаввол ойининг 9 куни яни 868 йил 1 октябрда “подшоҳ Исмоил Сомоний ҳазрати олийлари” томонидан таъсис этилгани айтилади, аммо, маълумки, Исмоил Сомоний фақат 874 йилда акаси Насрнинг ноибига айланган, Бухоронинг тўлиқ ҳукмдорига эса унинг вафотидан сўнг, яни 892 йилда айланган. 868 йилда Исмоил Сомоний хали ҳеч қандай унвонга эга эмас эди.

Баҳсли ерлар борасидаги иккала ҳужжатда ҳам жой номи кўрсатилмаган.

Саналар билан боғлиқ бошқа чалкашликлар ҳам бу ҳужжат қайта тикланган вақфнома эмас, балки янгидан тузилган ҳужжат эканлиги борасидаги фикрларни тасдиқлайди, жумладан, 294 йил шаввол ойи, яни 907 йил июн-август санаси қўйилган

қисмда Мир Забон ибн Абдулмансур устидан даъво қилган Амир наср ибн Аҳмад Исмоил Сомонийнинг акаси бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди, шунингдек, Исмоил Сомонийнинг “Амир Саид” лақабли невараси Наср ибн Аҳмад эса бу вақтда икки яшар гўдак эди.

Нима бўлганда ҳам, бу шубҳали ҳужжат 1914 йилда Бухородаги деҳқонларни Исмоил Сомоний авлодлари фойдасига солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

## **II боб. Исмоил Сомоний вақфномасидаги тарихий маълумотлар**

### **II.1. Сомонийларнинг келиб чиқиши.**

Вақфномада сомонийлар сулоласи шажараси ҳам келтирилган:

«Аммо ҳазрат подшоҳ (51) Исмоил Сомонийнинг аجدодлари сулоласи қуйидаги тартибда Баҳром Чубинга бориб туташади: (52) Ҳазрат подшоҳ Исмоил ибн Амир Аҳмад ибн Амир Асад ибн Сомон ибн Худот (53) ибн Тағон ибн Баҳром ибн Баҳром Чубин. Баҳром Чубин эса (54) Гаргин Милод авлодларидандир».

Бироқ сомонийлар сулоласи шажараси турли манбаларда турлича келтирилган:

«Сомон ибн Жуба (Жабба) ибн Ниёр ибн Наушард ибн Тамғос ибн Баҳром Чубин [ас-Самъоний VII : 12];

Сомон – худо ибн жуба (Жаба, Жута, Хута) ибн Тамоғос ибн Нушард ибн Баҳром Чубин [Jacut III: 13; Dictionnaire : 297];

Сомон ибн Жимасён ибн Наушард ибн Самтағон ибн Баҳром ал-Малик [ан-Насафий Arabe : 64a];

Сомонхудот ибн Жасимон ибн Тағмат ибн Нуширд ибн Баҳром Чубин [Бируни 1957 : 52];

Сомон-худо ибн Жисмон ибн Тағмас ибн Наушарз ибн Баҳром Шубин [Ibn Hauka : 472];

Сомон ибн Хамитон ибн Науш ибн Тамғасп ибн Шаул ибн Баҳром Чубин [Гардизи : 62];

Сомон ибн Жусмон ибн Тамғас ибн Наушард ибн Баҳром Чубин [Ибн ал-Асир VII : 110];

Сомонхудот ибн Жусмон ибн Тағмас ибн Наусард ибн Баҳром Чубин [Mustawfi-I Qazwini : 379];

Сомонхудот ибн Хамита ибн Нуш ибн Тағмасф ибн Шодол ибн Баҳром Шубин [ал-Қарши : 98];

Сомон ибн Сосон ибн Баҳром Чубин [Tabaristanensis I : 11];

Сомон ибн Жотмон ибн Тоғмас ибн Ношрад ибн Баҳром Чубин [E Iran III : 520].

Баҳром Чубиннинг 3 ўғли бўлган: Наушард, Михрон ва Шопур. Сомонхудо унинг катта ўғли Наушард сулоласи бўйича унинг авлоди ҳисобланган. Манбаларда келтирилган Сомонхудо шажарасига кўра, у Баҳром Чубиннинг тўртинчи ёки бешинчи авлодларидан бўлган [Камолиддин 2008 : 25].

Вақфномада «Баҳром Чубин эса Гаргин Милод авлодларидандир» деб зикр қилинишига сабаб эса Гаргин Милод ҳам Баҳром Чубин сингари Эрон шоҳларининг лашкарбошиларида бири бўлган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Гаргин ибн Милод қадимги Эрон шоҳи Кайковуснинг қўмондони сифатида тилга олинган [Фирдоуси I : 353, 355, 390, 399, 403, 413, 419, 442, 448, 450] ҳамда ўзининг ҳамроҳини Афросиёбга сотиб, хоинлик қилганига қарамай [Бертельс 1960 : 225 - 226], жангари жасур, жангларида синалган, қўрқув нималигини билмайдиган мағрур қаҳрамон дея таърифланган [Фирдоуси III : 29, 82, 114, 117, 198, 214, 360, 436]. Унинг отаси Милод ҳам Эроннинг қаҳрамонларидан бўлган ва Эрон шоҳи Кайковус Балхдан Мозондарон томон юришга чиққан вақтда мамлакат раҳбари бўлиб турган [Фирдоуси I : 360; III 1143 117, 404].

Вақфномада сомонийлар сулоласи шажараси келтириб ўтилгандан сўнг, Баҳром Чубин ва Эрон шоҳи Хусрав Парвиз (590 - 629) ўртасида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган:

«(55) Баҳром Чубин ва Хусрав Парвиз ўртасида (56) учрашув бўлди, ҳамда уларнинг ўртасида катта суҳбат бўлди ва урушга якун ясалди. Баҳром Чубин (57) жасорат кўрсатиб, Хусрав Парвиз устидан зафар қозонди ва Баҳром Чубин мамлакатга тўла ҳукмрон бўлиб олди. (58) Парвиз қочиб, Рум қайсари ҳузурига борди ва унинг қизи Марямга уйланди. (59) Кейинчалик, қайсар кўп сонли лашкар билан унга ёрдам берди. Парвиз Эронга келди ва Баҳром Чубин билан (60) жанг қилди. Баҳром (бу жангда) мағлубиятга учради ва Хуросонга қочди. У ердан осойишталик истаб ҳоконнинг ҳузурига (61) келди ва унинг қизига уйланди. Парвиз бир кишини жўнатиб (унга) уни (Баҳром Чубинни) (62) маҳлиё этиб, у ерда ўлдиришни буюрди<sup>1</sup>. Баҳром Чубиннинг подшолиги Эронда икки йил бўлди».

Юқоридаги парчада Баҳром Чубин ва Хусрав Парвиз ўртасида пайдо бўлган низонинг асосий сабаби келтирилмаган. Бизга маълум тарихий манбалар асосида ҳужжатда баён этилган воқеаларнинг баъзи томонларига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Баҳром Чубин 588 йилда эфталлийлар ва турклар устидан ғалаба қозонгандан кейин Эрон шоҳи Хурмазд IV унга Балх ва бутун Хуросон ерларини инъом этди. 588 йилда бўлиб ўтган бу уруш оқибатида Турк ҳоконлиги аввалги куч қудратини йўқотиб, икки қисмга бўлиниб кетди [Harmatta, Litvinsky 1966 : 368 - 369]. Чўлҳоконнинг ўлиmidан

<sup>1</sup> Қўлёзманинг ўнг томонида шу воқеаларга шарҳ берилган, афсуски, шарҳ ёзилган қисм йиртилиб кетган бўлиб, «Жўнатилганнинг исми Қулун Турк эди» деган сўзни ўқиш имконияти бўлди холос.

кейин унинг ўғли Эл-тегин Байканд қалъасига беркиниб олади [ad-Dinawarī : 84]. Баҳром Чубин уни қамал қилиб таслим бўлишга мажбур қилади ва катта ўлжани қўлга киритади. Лекин унинг ҳаммасини Хурмаздга юбормасдан, асосий қисмини ўзига олиб қолади. Эрон шоҳи бундан ғазабланиб, уни лавозимидан озод қилади [Macoudi II : 213 – 214; ad-Dinawarī : 84-85]. Баҳром Чубин турклар билан битим тузиб, қўшинларига қўплаб турк аскарларини қабул қилади ва улар билан бирга Сосонийлар пойтахти Ктесифонга юриш қилади. У сосонийлар сулоласини Эрондаги ҳокимиятни қонунга ҳилоф равишда эгаллаганликда айблаб, парфян Аршакийларини Эроннинг қонуний ҳукмдорлари, ўзини эса уларнинг меросхўри деб эълон қилади [Shahbazi 1989 : 521]. Хусрав II Парвиз ўз пойтахтидан қочиб, Византия императори Маврикий (582 – 602) олдига боради ва ундан ўзини камситгани ҳолда ёрдам сўрайди. Маврикий қизи Марияни унга бериб, ўз лашкарларини ҳам қўшиб Эронга жўнатади. Сосонийлардан ҳокимиятни тортиб олиб, Баҳром Чубин бир йил тахтда ўтиради ва ҳатто ўзининг сурати туширилган тангалар чиқаришга ҳам улгуради [Göbl 1971 : 80; pl.12, No. 203-204; Nöldeke 1879 : 282]. 591 йилда арман, грузин ва византияликларнинг Хусравга содиқ қолган форс қўшинлари билан бирлашган ҳарбий кучлари Арманистондаги Баларат дарёси ёнида Баҳром Чубин аскарларини мағлубиятга учратадилар [Симокатта : 131]. Баҳром Чубин қўшинларидаги туркларнинг сони жуда ҳам кўп бўлган, чунки манбаларда кўрсатилишича, Шарк халқларининг жасур халқлари унга қўплаб қўшилдилар. Хусрав II Парвиз эса шахсан ўзи Баҳром Чубин қўл остидаги турк паҳлавонларидан учтасини ўлдирган [Гумилёв 1960 : 237 - 239]. Асирга тушганлар ичида турклар ҳам кўп бўлиб, Хусрав уларни император Маврикийга ғалаба ўлжаси сифатида юборган. Уларнинг пешоналарида христианларнинг хочи сурати туширилган эди [Симокатта : 130 - 131].

Шундан кейин Баҳром Чубин шарққа қочиб, Фарғона турклари ҳузурида паноҳ топади [Гумилёв 1960 : 229-230]. У Бармуда исмли турк ҳоконининг дўсти ва маслаҳатчисига айланади [Mustawfī-i Qazwini : 121]. Ад-Динаварийнинг маълумотига кўра, ҳокон унга илтифот кўрсатиб, унга ва у билан келган одамларига махсус сарой қурдирган. Баҳром Чубин яккама-якка жангда унга ҳасад қилувчи ҳоконнинг акасини ўлдирганда, ҳокон унинг мартабасини яна ҳам улуғ қилган [ad-Dinawarī : 98 - 102] ва унинг қизига уйланади. Ривоятга кўра, ҳоконнинг қизи сайрга чиққанда, унга ҳамла қилган ваҳший ҳайвондан уни халос қилгандан кейин ҳокон унга ўз қизини эрга беради ва унга подшоҳлик ато этади [Macoudi II : 223-224; Фирдоуси 1952 : 302; Mustawfī-i Qazwini : 120-121]. Хусрав II Парвиз ҳокондан Баҳромни унга жўнатишини илтимос қилиб элги юборади. Лекин ҳокон элчига рад жавобини беради. Иккинчи марта юборилган элги қимматли ҳадялар эвазига маликани, ҳоконнинг рафиқасини Баҳромга қарши суиқасдда иштирок этишга кўндиради. Баҳромнинг туғилган кунини кутиб, уни қутлаш баҳонаси

билан Эрон зодагонларидан Хуррод Бурзин ёллаган Кулун Турк уни заҳарланган ханжар билан санчиб ўлдиради. Хусрав Парвиз ва Баҳром Чубин ўртасида тахт учун борган кураш унинг ўлими билан тугайди. Баҳромнинг Эрон шоҳи томонидан уюштирилган фитна орқали ўлдирилиши Турк хоқонлигина катта зарба бўлиб тушди. Унинг ўлими туфайли хоқонликнинг ўз олдида қўйган сиёсий ва иқтисодий режалари амалга ошмай қолди [Усанова 1995 : 29]. Баҳром Чубиннинг охириги яшаган жойи Фарғонадаги Кубо шаҳри бўлиб, унинг турк маликасида бўлган авлодлари, яъни Сомонийларнинг аجدодлари ҳам ўша ерда яшаганлар [Камолиддин 2008 : 59].

Баҳром Чубин образи одамлар хотирасида халқ қаҳрамони сифатида сақланиб қолган. Сосонийлар давридаёқ кейинчалик ўрта асрлар араб ва форс муаллифлари асарларида қайд этилган Баҳром Чубин ҳақидаги ҳикоялар учун асос бўлиб хизмат қилган паҳлавий тилида «Баҳрам Чобен-намак» («Баҳром Чубин ҳақида китоб») номли тарихий роман ёзилган. Баҳром Чубин нафақат эроний, балки шу билан бирга туркий халқларнинг ҳам халқ қаҳрамони ҳисобланади. Баъзи маълумотларга кўра, Баҳром Чубин туркий халқлардан келиб чиққан бўлиб, сосонийлар саройида хизмат қилаган туркий ўғуз қабиласидан келиб чиққан [Гумилёв 1967 : 163; Ризо 1955 : 152].

Мумтоз форс тилида «қарға» маъносини билдирувчи Баҳром Чубиннинг иккинчи исми «Чубин» Эрон шоҳи Хурмазд IV даврида унинг сарой тахаллуси бўлган деган фикрлар мавжуд [Firdousi VI: 654 - 655]. Тибет тилига таржима қилган VIII асрнинг иккинчи ярмига оид географик асарда ўша даврда Ўрта Осиёда яшаган туркий қабила ва элатлар орасида янь-ти (кушонлар) ва хебдал (эфталийлар) қабилалари билан қўшничиликда яшаган гар-рга-пур қабиласи тилга олинади [Гумилёв 1967 : 162; Абдурасул ўғли 1997 : 72]. Бу ерда гап асосан ўша даврда Ғарбий Турк хоқонлиги чегараларида жойлашган Тохаристон вилоятида истиқомат қилган халқлар ҳақида бормокда. Гар-рга пур этноними икки сўздан: туркий гар-рга (қарға) ва форсий пур (ўғил) сўзларидан ташкил топган бўлиб, биринчиси форсий чубин (қарға) сўзидан олинган деган фикр ҳам мавжуд. Туркий халқлар Баҳром Чубиннинг Балхда яшаш учун қолган авлодларини шундай атаганлар [Гумилёв 1967 : 162]. Антик давр манбаларида Кавказнинг шарқий тарафларида яшаган албан ва каспий халқлари билан бирга гаргарлар қабиласи ҳам тилган олинади. Озарбайжон ҳудудида ҳанузгача Каркар гидроним ива Хархар топонимии сақланиб қолган [Алиев 1974 : 178]. Муғ тоғидан (VIII аср боши) топилган сўғдий ҳужжатларнинг бирида Панча (Панжикент) ва тоғли Кашт (ёки Бахт) вилоятида 15 йил давомида ҳукмдор бўлган Чубин Чур Билга (В.А.Лившицнинг ўқиши) номли туркий ҳукмдор исми тилга олинган [Смирнова 1963 : 11]. Бу ҳужжат илк ўрта асрларда Ўрта Осиё туркий халқлари орасида Чубин исми кенг тарқалганлиги борасидаги гапларни яна бир бор исботлайди [Камолиддин 2008 : 18].

Қарға сўзи билан боғлиқ жой номлари ҳозирги Ўзбекистоннинг кўплаб қишлоқлари номларида учрайди. Жумладан: Қарға – Бухоро вилоятининг Когон туманидаги ва Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги қишлоқлар; Кўк Қарға – Самаранд вилоятининг Нарпай туманидаги қишлоқ, Ола Қарға – Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги қишлоқ, Қарғалар – Хоразм вилоятининг Гурлан ва Хазорасп туманларидаги қишлоқлар, Қарғали – Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги қишлоқ, Қарға-тепа – Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги қишлоқ, Қарға-овул – Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги қишлоқ ва бошқалар [Караев 1978 : 168; Охунов 1994 : 70-71].

Баҳром Чубин воқеасидан сўнг вақфномада сомонийлар сулоласининг бобокалони Сомон-худот ҳаётидан бир лавҳа берилган:

«(63) Билки, юқорида зикр қилинган Сомоннинг аждодлари Ислон пайдо бўлишидан аввал Мовароуннаҳр ҳукмдорлари (64) бўлганлар. Ислон пайдо бўлгач, соҳиби лашкар бўлган Сомоннинг отасига тақдир аёвсиз муносабатда бўлди ва у туякашлик даражасигача (65) «йиқилди». Аммо Сомон «катта гавҳар» эди. Туякашлик иши унга муносиб эмас эди.

Сомон-худот Баҳром Чубиннинг турк маликаси билан бўлган никоҳи натижасида вужудга келган оиланинг вакили бўлган. Унинг шажарасидаги айрим исмлар, хусусан, Тамғоч (Тамғос, тамғосп, тағмос, тамгорс, Тамғот, Самтағон)нинг туркий эканлигига олимлар аллақачон эътибор берганлар. Шажарада келтирилган бошқа исмларни, масалан, Шовул, Тағон ва Жаббо ҳам қадимги турклар орасида кенг тарқалган Сул (Саул), Туғон ва Жабғу исмлари ва унвонлари билан таққослаш мумкин. Қолаверса, қадимги турклар ҳозиргидек эроний исмлардан ҳам кенг фойдаланганлиги ҳаммага маълум [Камолиддин 2008 : 8].

Манбалардаги маълумотларга кўра, Сомон-худот Сомон номли бир қишлоқнинг асосчиси бўлиб, бу қишлоқ Балх вилояти [Hamzae Isphahanensis : 237; Наршахий : 56], Самарқанд вилояти [al-Moqaddasi : 337-338; Jacut III : 13] ёки Термиз вилоятида жойлашган [Семёнов 1955 : 3-11]. Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Сомон-худот ҳақида қуйидагиларни ёзган:

«Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий Хуросон амири қилиб тайинлангач, Хуросонга келди ва бир юз олтмиш олтинчи йилда дунёдан ўтгунича ўша ерда бўлди. Айтишларича, у яхши ишларни қилувчи ва баҳодир киши бўлиб, кўнгли араблар ҳам ерли халқларнинг қадим улуғ оилаларига ғамхўрлик қилишга ва аслзодаларни дўст тутишга мойил эди. Сомонийларнинг бобоси бўлмиш Сомонхудот Балхдан қочиб, Марвга, унинг олдида келганида у Сомонхудотни иззатлади ва ҳимоя қилди, унинг душманларига қаҳр қилиб Балхни унга қайтариб берди. Сомонхудот унинг қўлида (ислом динини) қабул этади. Унинг Сомонхудот дейилишича сабаб шуки, у бир қишлоқ барпо қилиб, унга Сомон деб

ном берди ва Бухоро амирини Бухорхудот деб атаганларидек уни ҳам шу қишлоқ номи билан (Сомонхудот деб) атадилар. Сомонхудотдан бир ўғил туғилганида у асад Қушайрийни дўст тутганидан ўғлига Асад исмини берди. Шу Асад Амири мозий, (яъни) мархум амир Исмоил Сомонийнинг бобосидир. Исмоил Асаднинг ўғли, Асад Сомонхудотнинг ўғли, Сомонхудот эса Баҳром Чубин маликнинг авлодларидандир. Ўша вақтдан бошлаб сомонийлар давлати кундан-кунга ривож топиб, ниҳоят етган мартабасигача етди [Наршахий : 56].

Сомон (Sāmān) исмининг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли фикрлар айтилган. Ривоятга кўра бу сўз «фаровонлик» маъносини билдирган [Семёнов 1955 : 4]. Паҳлавий тилида Sāmān сўзи «чегара», «минтақа» [Anthologie : 424; Dencard : 160, 164; Dadastani Denig : 244, 281], форс тилида эса «тартиб», «интизом», «бойлик» маъноларига эга [ПС II : 13], манбаларда Sām(ān) атоқли оти ҳам қайд этилган [Dencard : 24, 160; Dadastani Denig : 107]. Авестага кўра, Sāmān (Thamanois) одамлари Harahvatis вилоятида яшаганлар [Herzfeld 1947 II : 708]. Сомон (Sāmān) исмининг келиб чиқишини чигилча саман, яъни «сомон» сўзи билан ҳам боғлаш мумкин [Кошғарий I : 392]. Лекин, бизнингча, бу фикрларнинг барчаси ҳақиқатга тўғри келмайди ва ҳали тўлиқ исботланганига йўқ [Камолиддин 2006 : 8].

Сомон исмининг келиб чиқишини шаман сўзи билан ҳам боғлашга Марказий Осиё, Урал ва Сибирдаги урал-олтой халқлари тарихида саман/ шаман/самай/самар номли этноним мавжуд бўлиб, бу халқнинг узок ўтмишдаги аجدодлари қадимги вақтларда олтой халқлари орасига жанубий ҳудудлардан кўчиб келган [Василевич 1965 : 139-145]. Берунийга кўра, Ўрта Осиёда аш-шаманийя номли дин вакиллари бўлиб, улар бутларга сиғинганлар лекин брахманларга нафрат билан қараганлар [Бируни 1963 : 66-67]. Хуросон аҳли буддавий динидагиларни шаманийин ёки шаманан (шаман сўзининг кўплик шакли) деб атаганлар [Бируни 1957 : 204]. Ибн ан-Надим ҳам буддавий динига эътиқод қилувчиларни ас-саманийя деб атаган [Flügek 1862 : 76, 105, 385].

Самарқанддаги Ўзбекистон ФА Археология институтида Мансур ибн Нух ва унинг ўғли Аҳмад ибн Мансурнинг исми туширилган мис танга (фалс) сақланади. Бу танганинг юз қисмида мумтоз буддавий мандаланинг сурати туширилган бўлиб, у ўрта асрларда Хитой, Тибет, Марказий Осиё ва шарқий Туркистонда кенг тарқалган буддизмнинг шимолий йўналишлари Махаяна ва Вайрияна (Тантризм) таълимотларида куёшнинг рамзи бўлган. Таркибида 8 япрокли гул расми туширилган мумтоз мандала Будданинг тимсоли ҳам бўлган ва VII-IX асрларда кенг тарқалган тантризм буддавий таълимотида муҳим роль ўйнаган [Арапов 2002а : 12-16]. Танганинг орқа тарафидаги арабча ёзувларга кўра у 359/969-70 йилда Фарғонада сомонийларнинг ҳокимлари Қилич ал-Ҳожиб ва Аҳмад ибн Али томонидан зарб этилган [Культура и искусство II : 102]. Худди шундай



мандалани Тошкентдаги Санъат галереясидаги Ўзбекистон Миллий банкининг нумизматик коллекциясида сақланаётган қорахонийларга мансуб айрим тангаларда ҳам кўриш мумкин (# 41, # 42, # 43).

Рашиддин маълумотига кўра, Токуз (ёки Дукур) Йавкуй исмли подшоҳдан кейин Мовароуннаҳрда Сомон Йавкуй исмли аслзода хон ҳукм сурган бўлиб, уни Сомон-худот деб ҳам атаганлар. У сомонийлар сулоласининг бобокалони бўлган [Рашиддин 1987 : 94; Togan 1972 : 112]. Абулғозий ҳам худи шу хонни «Аслзода» деб қайд этиб, у 20 йил ҳукм сурганлигини айтган. Унинг маълумотига кўра, у 10 йил ҳукм сурган Арслонхон исмли хондан кейин, салжукийларнинг аждоди бўлган Арслонхондан ва Кукам Йавкуй исмли хондан олдин ҳукм сурган [Кононов 1958 : 69]. Ибн ал-Балхий маълумотига кўра, Кукам Йавкуйнинг қизи Хусрав I Анушеревоннинг хотини ва Хурмазд IV нинг онаси бўлган. Бу ривоятнинг бошқа бир нусхасида айтилишича, «Йавкуй» сўзи «қабила бошлиғи» деган маънони англатиб, сулолавий исм сифатида ишлатилган [Мухамедова 1978 : 169-171].

Рашиддин келтирган ривоят Муслиҳиддин Муҳаммад ал-Лорий (XV аср) – нинг «Миръот ул-адвор ва мирхот ул-ағйор» («Замон кўзгуси ва ўзгалар ҳаёти») асарида ҳам баён этилган [ал-Лорий : 234 а]. Унда айтилишича, сомонийларнинг бобокалони Сомон-ябғу «Аслзода деб ҳам аталган ва ўғуз туркларининг хони бўлган. Ислом тарқалган вақтда унинг уруғидан чиққан Тўғрул исмли подшоҳ, ундан кейин эса Сомон-ябғу ҳукм сурган [ал-Лорий : 234 а]. Худди шу подшоҳ, яъни Тўғрул, Рашиддин асарида Токуз (Дукур) Йавкуй деб қайд этилган. Муҳаммад ал-Лорий қўшимча қилиб айтадики, Сомон-ябғу Марв шаҳрига келганида, унинг тарбияси билан халифа Маъмуннинг амирларидан бири Тохир Зулйаминайн шуғулланади [ал-Лорий : 234 а].

Хандуллоҳ Қазвиний (XIV аср) маълумотига кўра, Баҳром Чубиннинг авлодлари Исломгача Мовароуннаҳр ҳукмдорлари бўлганлар. Сомон-худотнинг отаси эса ҳарбий кўмондон бўлган. Араблар келгандан кейин унинг аҳволи ёмон бўлиб қолиб, у бир дехқон қўлида туякашлик қилишга мажбур бўлади. Лекин унинг келиб чиқиши зотли бўлгани туфайли у ўзининг бундай ҳолатидан рози эмас эди. Шунда у Туркистонга кетиб, у ерда қароқчилик билан шуғулланди. Бир қанча вақтдан кейин унинг кучлари кўпайиб, у Ашнос шаҳрини қўлга олишга муваффақ бўлди ва у ерда ўз ҳукмини ўрнатади [Mustawfi-i Qazwini : 379]. Худди шу маълумотни Хондамир (XV аср) ҳам келтирган бўлиб, унинг хикоясига кўра, Сомон-худотнинг отаси аш-Шош шаҳрини қўлга олган [Хондамир II : 352].

Термиз саййидларининг тарихига бағишланган «Саъдийя» асарида (XVII аср) ёзилишича, аббосийлар Хуросонда ғалабага эришганда, Фарғонада Термизга Баҳром Чубин авлодларидан бўлган Аркук ёки Арқак исмли бир одам келган. Термиздан у Балхга

келиб, у ерда Имом Ҳусайин ибн Али (р.а.)нинг авлоди бўлган саййид Ҳасан ал-Амир ёрдамида Ислоом динини қабул қилган. Шундай кейин у Бағдодга халифа олдига бориб, Ҳасан ал-Амирнинг тавсияси билан Балх ҳокими этиб тайинланади. Ҳасан ал-Амир Термизни обод қилиш мақсадида у ерга кўчиб ўтишга қарор қилганда, Арқуқ (Арқак) ҳам у билан бирга кетиб, ўзида бор маблағларни унга тақдим этади ва ўзи ҳам шаҳарни тиклашда иштирок этади. У Термиз яқинида бир қишлоққа асос солиб, у ерда боғлар барпо қилади ва ўзи ҳам ўша ерда яшай бошлайди. Шунинг учун уни Сомон қишлоғи деб атаганлар. Бу ерда у ўғил кўриб, унга Асад деб исм беради. У отасидан кейин унга тегишли бўлган барча вилоятларда ҳокимлик қилади. Асаднинг уч ўғли бўлади – Нух, Наср ва Исмоил. Улар вояга етганда, Асад Насрни Самарқандга ҳоким этиб тайинлайди, ўзи эса Фарғонага кетиб, ўша ерда вафот қилади [Семёнов 1914 : 20; Семёнов 1955 : 3-4]. XIX асрда Термизнинг бир тевараги Шаҳри Сомон деб аталган, Эски Термиздан 3 км шарқда жойлашган Қирққиз қалъаси эса сомонийларнинг саройи бўлганлиги ҳикоя қилинган [Ҳакимов 1983 : 149-153].

Сомон-худотнинг Фарғонадаги қариндошлик алоқалари шубҳасиздир, чунки унинг бобокалони Баҳром Чубин Кўк турк ҳокони Эл-тегин (Пармуда)нинг кизига уйланиб, умрининг охирида айнан шу ерда яшаган [ad-Dinawarī : 98-102; Macoudi II : 223-224; Гумилёв 1960 : 229-230]. Яна бошқа маълумотларга кўра, сомонийлар Уструшонадан келиб чиққан деган фикрлар ҳам мавжуд [Мухторов 1998 : 163]. Агар Эл-тегиннинг буддавий динига эътиқод қилганини ҳисобга олсак, Баҳром Чубиннинг унинг қизидан бўлган авлодлари Кубо шаҳрида яшаган деб тахмин қилиш мумкин, чунки у ерда VII – VIII асрларда турклар асос солган катта буддавий ибодатхонаси фаолият кўрсатилган [Булатова-Левина 1961 : 241-250].

Бу ривоятда яна шуниси диққатга, сазоворки, унда Сомон-худотнинг ҳақиқий исми Арқуқ ёки Арқак бўлганлиги уқтирилган. Арқуқ исми Қунақ, Туқақ, Тўтақ, Селжуқ каби қадимий туркий исмларга ўхшаш соф туркча исм бўлиб, - ақ (-қақ, -уақ) ёки -уқ (-қуқ, -ууқ) қўшимчаси ёрдамида ясалган [ДТС : 653, 654]. Қадимги туркчада arquq сўзи «ўжар» маъносини, arquq kisi бирикмаси эса «ўжар одам» маъносини билдиради [Кошғарий I : 109; ДТС : 54].

Худди шу ривоятнинг XVIII асрда ўзбек тилида битилган бошқа бир нусхасига кўра [ал-Устурлобий], Сомон-худотни маҳаллий халқ «Кокулдор» деб ҳам атаганлар. Бу исм форсчада «кокули бор одам» маъносини билдиради. Кокул сўзи сочининг бир ўрамга тўпланиб, орқага осилиб турган ҳолатига айтилади. Қадимда бундай соч ўриш услуби хунларга, илк ўрта асрларда эса асосан фақат туркларга хос бўлган [Вайнштейн, Крюков 1966 : 179]. Мўғулистонда милoddан аввалги I асрга мансуб қабрларда кесилган кокул соч топилган. Бу мусибат ва аза маъносини билдирган [Альбаум 1975 : 30]. Балх вилоятидаги

Жиға тепа вайроналарида III – IV асрга мансуб муҳр излари топилган бўлиб, унда сочи кокул қилиб ўралган туркларнинг суратлари туширилган [Кругликова 1984 : 141]. Шунингдек, кадимги туркларнинг «балбал» - лари , яъни мархумларнинг ҳайкал тошларида ҳам кокул ўрилган сочларни кўрши мумкин. Фарғона водийсининг шарқий қисмидаги Қорабулоқ харобаларида топилган одамнинг бронза ҳайкалчасида ҳам соч кокул қилиб ўрилган [Памятники 1983 : 35 (№69)].

Жаркўрғон яқинидаги Октепа харобаларида (VI - VII асрлар) юмалоқ юзли ҳайкал боши топилган бўлиб, унинг ҳам орқасида кокули бор [Ртвеладзе 1989 : 69].

Термиз яқинидаги Намуна қишлоғида жойлашган Султон-Саодат мажмуаси ёнида Кокулдор хонақоҳи мавжуд бўлиб, унинг ичи макбараларга тўла. Бу мажмуанинг келиб чиқиши тарихи ва унинг кимга бағишлаб қурилгани номаълум [Аршавская 1982 : 86-88]. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, бу ерда Сомон-худот авлодларининг дастлабки оилавий макбараси бўлган. Унинг ўзи эса, ривоятга кўра, умрининг охирида Фарғонага кетган ва ўша ерда вафот этган.

Маҳмуд ибн Вали (XVII аср)нинг маълумотига кўра, сомонийларнинг келиб чиқиши бармакийлар билан бир хоннинг авлодлари бўлганлар [Маҳмуд ибн Мир Вали : 315 а]. Жаббохон эса Тохаристон жабғулари сулоласига мансуб бўлиб, Хусрав I Анушервон (531 – 579) аскарлари Балхни ишғол қилган вақтда ёки хитой зиёратчиси Сюань Цзань Балхга келган вақтда (630 й.) шаҳар ҳокими бўлган [Togan 1969 : 282]. Балх ҳокими Жабғухон VI асрнинг 80-йилларида сосонийларга тобеъ бўлган ва Хурмазд IV томонидан, юборилган Баҳром Чубин аскарлари билан бирга Балхга ҳужум қилган Бомиён ва Қобулшоҳнинг қўшма аскарларига қарши жангда қатнашган [Маҳмуд ибн Мир Вали : 312 б – 313 а]. «Фазоили Балх» да ёзилишича, Исломдан аввалги Навбахор ибодат-хонасининг асосчилари бармакийлар Балхнинг Ғарбий теварагида жойлашган Жаббохон номли маҳалладан келиб чиққанлар ва ўша ерда истиқомат қилганлар [ал-Балхий : 19, 37].

Маҳмуд ибн Вали маълумотига кўра, Жаббохоннинг Фоиз (ёки Қоин) исмли акаси бўлиб, улар дастлаб Балх рабодининг жанубий қисмида дойлашган Куфаж қалъасида яшаганлар. Улар орасидаги муносабатлар ёмон бўлгани туфайли Жаббохон ўзи учун янги қалъа қуришга мажбур бўлиб, уни Қарийа-и Жаббохон (яъни Жаббохон қишлоғи) деб атаганлар. Ўзининг Сомон исмли ўғлига у алоҳида қишлоқ қуриб, уни Қарийа-и Сомон (яъни Сомон қишлоғи) деб атаган. Бу икала қишлоқ умумий қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, кейинчалик Абдулмўминхон (XVII аср) томонидан таъмирланган ва мустаҳкамланган. Қалъа деворлари ичидаги бу икки қишлоқда Жаббохон ва Сомон авлодлари истиқомат қилганлар [Togan 1969 : 283]. Бармакийлар оиласи ҳам шу ердан келиб чиққан. Халифа Хорун ар-Рашиднинг вазири Фазл ибн Яҳё Бармакий Хуросон амири бўлган вақтда бу ердан ўтиб кетаётганида, Балх уламолари ва деҳқонлари олдида

сўзга чиқиб, шундай деган: «Жаббохон маҳалласи унга бобокалони Жаббохон томонидан мерос бўлиб қолган бўлиб, Исломгача бўлган даврда у Навбахор ибодатхонаси ва монастирини ҳам бунёд этган». Уламолар унга жавобан айтдиларки, «агар вазир ўзининг аждоди Жаббохон қурган маҳаллага янги ариқ ўтказса, савоб иш бўлар эди» [Togan 1969 : 283].

Оксфорд университетининг нумизматик коллекциясида 358/968-69 йилда Мансур I ибн Нух (350-365/961-976 йй.) зарб этган кумуш медальон сақланади. Унинг юз томонида ўнг тарафга қараган ҳукмдорнинг сурати, унинг икки томонида эса паҳлавий ёзувлар туширилган [Камолиддин 2009 : 113].

Медальондаги ҳукмдорнинг сурати алоҳида аҳамият касб этади. Унинг қиёфаси антропологик тузилиги европеоид ва монголоид хусусиятларини ўз ичига олган бўлиб, унда монголоид аломатлар кўпроқдир. Унинг берни қирра бўлиб, бундай бурунлар ўғуз туркларига хос бўлган. Юзининг тепа қисмида бўртиб турган сулк эса монголоид қипчоқларга хос бўлган. Кўзи катта ва чўзинчоқ, бодомсимон шаклга эга, ковоклари эса бодомқовоқ бўлган. Бошида ғаройиб ва мураккаб бош кийими кийдирилган. Қулоғида учта тошли зирак осилиб турибди. Орқасида кокил қилиб ўрилган соч бош кийим тагидан пастга қараб туриб турибди [Камолиддин 2009 : 114].

Вақфномада шундан сўнг Сомон-худот вафотидан кейин унинг авлодларининг халифалар хизматиغا киришлари ва Мовароуннаҳрда бошқарув лавозимларига қўйилишлари тасвирланган:

«(69) Унинг (Сомон-худотнинг) вафотидан сўнг Асад ибн Сомон Маъмуннинг халифалиги даврида ўзининг тўрт ўғли билан Марвга келди. (70) Халифанинг назари унинг ўғилларига тушди. Асад вафот этгач, Маъмун Ислон ташаббускорига айланиб (71), Хуросон ва Мовароуннаҳр вилоятларини Ғасон ибн Иббодга топшириб, унга Асад фарзандларини (72) муносиб лавозимларга жойлаштиришини тайинлади. Шунга кўра, Ғасон Нух ибн Асадни Самарқандга валий қилди, (73) Аҳмад ибн Асадни Фарғонани бошқаришга юборди. Шош ва Уструшонани Яхё ибн Асадга топширди, (74) Ҳирот бошқарувини Илёс ибн Асадга топширди. Талҳа ибн Тоҳир замонида Нух вафот этади. (75) Талҳа Самарқанд вилоятини унинг укаларига бахшида қилди. Аҳмад мард инсон бўлиб, ларҳезкор ва адолатни ўзига шиор қилган бўлиб, (76) етти ўғли бор эди: Наср, Ёқуб, Яхё, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Хамид».

Маълум бўлмоқдаки, сомонийлар аста-секин Мовароуннаҳрнинг йирик вилоятларида бошқарув тизимини ўз қўлларига ола бошладилар ва ўлкада бу сулола ҳукмронлиги тамал тошини қўйдилар.

Мавжуд маълумотлар асосидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Баҳром Чубин қадимги кушан ёки массагет Аршакийлари конфедератсияси таркибига кирган қадимги

туркий қабила ёки уруғга мансуб бўлиши мумкин. Эроний бўлмаган бошқа қўшни халқларнинг вакиллари сингари у ҳам Сосонийларнинг ҳарбий хизматида бўлган.

Баҳром Чубин Хуросон марзбони лавозимида бўлган вақтда Балх ва унинг атрофларида унга тегишли ерлар бўлган. Бу ерлари араблар босқинига қадар мавжуд бўлиб унинг авлоддарига қарашли бўлган ва Чубин ёки Чубинобод деб аталган.

590 йилда Баҳром Чубин турклар билан битим тузиб, Балхда Сосонийларга қарши кўзғолон кутарган ва пойтахт шаҳар Ктесифонни эгаллаган. У ҳокимиятни бир йил ушлаб турган, кейин эса Византия қўшинларидан мағлубиятга учраб, турклар олдига қочишга мажбур бўлган. У Тўхористоннинг биринчи турк йағуси, кейин эса Кук турк ҳокони Элтегин (Пармуда) нинг дуста ва маслахатчисига айланиб, унинг кизига уйланган. Унинг охирги яшаган жойи Фарғонадаги Кубо шаҳри бўлиб, унинг турк маликасидан бўлган авлодлари, яъни Сомонийларнинг аجدодлари ҳам ўша ерда яшаганлар. Турклар 618 йилда эфталитларни узил кесил енгиб, Тўхористонни эгаллагандан кейин улардан баъзилари Балхга қайтадилар ва Баҳром Чубинга қарашли бўлган ерларни қайтариб оладилар. Жаббохон ва Сомон-худот Баҳром Чубиннинг туртинчи ва бешинчи поғонадаги авлодлари бўлган.

Манбаларда Сомон-худотнинг келиб чиқиши турклардан бўлганига ишора қилувчи бир неча маълумотлар мавжуд. Улардан фақат баъзилари ишончли деб қабул қилиниши мумкин - ал-Мукаддасий (X аср) нинг Сомой қишлоғи турклари ҳақидаги маълумот, ас-Самъоний (XII аср) нинг Балх яқинидаги Жаббохон қишлоғи ҳақидаги маълумот ва шу исмли шахснинг X - XII аср манбаъларида Сомонийларнинг аждоди сифатида қайд этилиши, «Фазоил-и Балх» (XII аср) да Сомонийлар ва Бармакийларнинг Жаббохон қишлоғидан келиб чиққанлиги ҳақидаги маълумот ва уни тасдиқловчи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) нинг «Баҳр ал-асрор» асаридаги маълумотлар. Сўнгги ўрта асрлар манбалари (Рашид ад-дин, ал-Лорий, Муставфий-и Казвиний, Мирхонд, ал-Устурлобий, «Саъдия», Исмоил Сомоний вақфномаси) да келтирилган Сомон-худотнинг отаси, Сомон-ябғу, Арқуқ ва Кокулдор ҳақидаги маълумотлар ривоят бўлса ҳам ҳақиқатда юз берган воқеалар ҳақида ахборот беради. Мансур ибн Нух чиқарган медалъонда Тун ябғу-хоқон ёки Жаббохоннинг сурати тасвирланганлиги эса бу маълумотларни тасдиқлайди.

Демак, мавжуд маълумотларга асосланиб, айтиш мумкинки, Сомон-худот Сосонийлар сулоласига тегишли бўлган форс оиласига мансуб [Гафуров 1958: 51 - 55; Негматов 1977: 18; Mercil 1994: 253] бўлмаган, балки ўз бобокалони Баҳром Чубин сингари ўғуз туркларидан келиб чиққан. Баҳром Чубин Хуросоннинг эронийлашган қадимги ўғуз турклари ичидан етишиб чиққан бўлса, Сомон-худот унинг Кўк турк хоқонлари оиласининг маликаси билан тузган никоҳидан туғилган авлоди бўлган. Унинг она тарафидаги қариндошлари Фарғонадаги Кубо шаҳрида истиқомат қилган. Шунинг

учун манбаларда Бахром Чубин авлодлари исломгача Мовароуннаҳр подшоҳлари бўлган деб кўрсатилган. Чунки фақат олий турк хоқонлари оиласига мансуб подшоҳлар бутун Мовароуннаҳрда ҳукм сурган. Унинг отаси Жаббохон исломгача Балх ҳокими бўлиб, унвони ябғу (жабғу), исми эса Туғрул бўлган. У Балхнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Жаббохон номли қалъада истикомат қилиб, унинг ичида уғли Сомон учун ҳам алоҳида маҳалла ҳуриб берган.

Жаббохон Навбахор номли буддавий ибодатхона ва монастирнинг асосчиси бўлиб, шу ибодатхонанинг коҳинлари Бармакийлар унинг авлодлари бўлган. Араблар 90/709 йилда Балх шаҳрини ишғол қилиб, Навбахор ибодатхонасини вайрон қилгандан кейин Жаббохон Туркистонга кетиб, хали туркларга қарашли бўлган аш-Шош шаҳрида ҳокимиятни қулга олади, лекин 134/751-52 йилдаги Талос жангидан кейин бу шаҳар ҳам арабларга тобеъ бўлади.

Сомон-худот Марвга Фарғонадан келиб, Тохир ибн ал-Ҳусайн ёрдамида ислом динини қабул қилади. Ислом динини қабул қилгунга қадар у отаси Жаббохон ва Бармакийлар сингари буддавий динига эътиқод қилган. Унинг туркча исми Аркук, буддавий исми эса Сомон бўлган. Туркларнинг одатига кўра, у сочини кокил қилиб ўраб юрган, шунинг учун Ҳуросонликлар унга Кокулдор деб лақаб қўйганлар. Отаси Жаббохон сингари у ҳам ябғу (жабғу) деб аталган бўлиб, бу унвон Тўхористон туркий ҳукмдорларининг сулолавий унвони бўлган. Сомон-худот (Сомон-ябғу) Тўхористоннинг турли вилоятлари (Термиз, Хутталон, Самангон) да бир нечта қишлоқларга асос солиб, бу қишлоқлар унинг исми билан Сомон деб аталган. Эҳтимол у оддий қишлоқларга эмас, балки бобокалони Эл-тегин (Пармуда) ва отаси Жаббохон сингари буддавий ибодатхона ва монастирларга асос солган.

Сомон-худот ўзининг аجدодлари сингари Ўрта Осиёнинг шаҳар туркларига мансуб бўлган. Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ ва шаҳар туркларининг авлодлари XX аср бошларида «сарт» деб аталган. Ўзларининг маданиятига кўра, улар кўчманчи туркий халқлардан ҳам, ўтроқ эроний халқлардан ҳам кескин фарқ қилганлар [Камолиддин 2004: 63 - 64]. 1924 йилда болшевиклар томонидан амалга оширилган маъмурий бўлинишдан кейин улар ҳозирги ўзбек халқининг этномаданий асосини ташкил этдилар [Камолиддин 2004 а: 34 - 41 ]. Демак, Сомонийлар сулоласининг Ўрта Осиёда ҳукм сурган даври ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида баҳоланиши лозим.

## **II.2 Вақфномада сомонийлар тарихининг акс этиши**

Вақфномада сомонийлар сулоласи тарихи акс этган. Бу тарих бошқа манбалардаги маълумотлар билан унчалик ҳам мос келмайди. Қуйида Амир Аҳмад ибн Асад давридан “Амир Саъид” Наср ибн Аҳмад давригача бўлган воқеалар ёритилади.

(77) Аҳмад ибн Асад қачонлардир Самарқандда адолат байроғини кўтаришни (78) ихтиёр қилди ва бу ишни ўз ўғли Насрга топширди. Икки юз олтмиш биринчи йил<sup>2</sup>нинг ойларида (79) халифа Муътамид<sup>3</sup> Мовароуннаҳр вилоятлари [бошқарувини] Наср ибн Аҳмадга юборди<sup>4</sup>. Амир Наср Самарқандни ўзига қароргоҳ қилди ва (80) укаси подшоҳ Исмоилни Бухорога ҳоким қилиб тайинлайди. Бир неча вақтдан сўнг, фасодчиларнинг фитнаси туфайли (81) ака-ука ўртасида низо пайдо бўлди:бир-бирига қарши лашкар тортишди<sup>5</sup>. Подшоҳ Исмоил зафар ва нусратга (82) эга бўлди ва Наср асир тушди<sup>6</sup>. Подшоҳ Исмоил имкон қадар акасига эҳтиром кўрсатди<sup>7</sup> ва айтди:” Биродаринг хануз сенинг ходимингдир” ва уни (83) Самарқандга равона қилди ва [унга] айтди: “Сенинг собиқ бошқарув дастуринг бўйича Бухорода ҳокимлик қиламан”. Амир Наср (84) икки юз етмиш тўққизинчи йил<sup>8</sup> охирларида вафот этди<sup>9</sup>. Подшоҳ Исмоил (85) Мовароуннаҳр салтанатини мустақил бошқара бошлади. Тарихчилар уни буюк подшоҳлар тоифасидан бўлган Сомон оиласида бўлган дейишади, (86) чунки ҳазрат подшоҳ Исмоил Сомоний (87) дастлабки давлат бошқаруви таянчларига асос солди ва адолат ва

<sup>2</sup> 874/875 йилга тўғри келади [Воҳидов, Қодиров 2010: 19-42].

<sup>3</sup> Муътамид алаллоҳ – Аҳмад ибн Мутавакқил; 15-аббосий халифа (256-279/870-892).[Мунжид 1992:537].

<sup>4</sup> Халлифа Муътамид 875 йилда Наср ибн Аҳмадни бутун вилоят ноиби этиб тайинлайди. Бу бой вилоят кейинчалик сомонийлар давлатининг ўзагига айланди. Сомонийларга энди Мовароуннаҳрни кўчманчи туркий қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилиш каби масъулятли вазифа юклатилди [Bosvort 1971: 146].

<sup>5</sup> Амир Наср ибн Аҳмад амир Исмоилнинг гарданига ҳар йили Бухоро молидан беш юз минг дирҳамни юбориб туришни вазифа қилиб юклаган эди. Лекин шундан кейин амир Исмоил бир қанча урушларда бўлди ва у мол харж бўлиб кетиб, юбора олмади. Амир Наср яна одамларини юбориб ўша молни талаб қилди, амир Исмоил юбормади ва шу сабабдан ораларида нохушлик пайдо бўлди [Наршахий: 74]. Исмоил ўша вақтда Хуросон амираи бўлиб турган Рофеъ ибн Ҳарсама билан ёзишмага киришиб, у билан иттифоқ тузади. Исмоил ундан Хоразм бошқарувини сўрайди, Рофеъ унга Хоразм бошқарувини топширади. Исмоил унинг хат орқали жўнатаётган буйруқларини бажаради. Шундан сўнг Наср ва Исмоил ўртасида зиддият юзага келиб, уларнинг муносабатлари бузилади [Ибн ал-Асир: 67]. 888 йил Возбадин қишлоғи ёнида улар ўртасида уруш бўлди [Frye 1954: 84].

<sup>6</sup> Наршахий бу уруш 275-йили сешанба куни жумод ул-охир ойининг ўн бешинчисида (888 йил 25 октябрь) бўлган деб ёзади [Наршахий: 75; Frye 1954: 84; Бартольд 1963: 282].

<sup>7</sup> Насрни унинг олдига олиб келишганида, Исмоил унинг қўлини ўпишга шошилди ва уни Самарқандга жўнатади, ўзи эса аввалгидек Бухорони унинг ноиби сингари бошқаришда давом этади [Ибн ал-Асир: 68]. Исмоил шу ерда ҳам ўзининг олийжаноблигини намоён этди. Ака-ука ўртасида учрашув бўлди. Шуниси эътиборга лойикки, Исмоил ўз акаси билан ғолиб ва мағлуб кўринишда эмас, балки ўзини хожасининг қўлига киёслаб, унга беҳад эҳтиром кўрсатади. Бундай муносабат, албатта, Насрга таъсир этмай қолмади, амир Исмоилнинг эса обрўси янада ошди [Бартольд 1963: 282].

<sup>8</sup> 892 йилга тўғри келади [Воҳидов, Қодиров 2010: 19-42].

<sup>9</sup> Амир Насрнинг 279-йилда вафот этганлигини бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди [Ибн ал-Асир: 76], Бартольд унинг вафот этган кунини 892 йил 21 август деб кўрсатади [Бартольд 1963: 282], Ибн ал-Асир, шунингдек, Амир Насрни такводор ва ақлли киши деб таърифлаб, шеърлар ҳхам ёзган деб айтади [Ибн ал-Асир: 76].

инсоф эшикларини оламлар юзига очди; (88) уламо ва донишмандлар тарбиясида воёга етди<sup>10</sup>.

Ўша пайтларда Амр Лайснинг<sup>11</sup> бош кўтарган хабари халифага етказилди. (89) Унинг хуружи кучайдики, ҳатто Мовароуннаҳрга тамаъ қилди. Муҳаммад ибн Башир унинг тобеъларидан эди. [Амр Лайс] унга лашкар берди (90) ва Мовароуннаҳрни бўйсундиришга жўнатди. Подшоҳ Исмоил бу ҳолатдан огоҳ бўлгач, Омул дан (91) ўтди ва Муҳаммад ибн Башир билан жанг қилди ва ғалаба қозонди, [сўнгра] Мовароуннаҳрга қайтди<sup>12</sup>.

(92) Муҳаммад ибн Баширнинг енгилганлиги хабари Амр Лайсга етиб келгач, қўшин ҳозирлашга киришди. Нишопурдан [чиқиб] (93) Балх томон қўшин тортди<sup>13</sup>. Подшоҳ Исмоил бу ҳолдан огоҳ бўлгач, (94) Амр Лайснинг ҳузурига элчи жўнатди [ва айтди]: “Кўплаб мамлакатлар сенинг тасарруфнинг остидадир, биз эса (95) сенинг мулкингга

<sup>10</sup> Наршахий ҳам уни буюк ҳукмдор деб, жумладан қуйидагиларни ёзади: “У сомонийлар сулоласи султонларининг аввалгиси бўлиб, ҳақиқатан ҳам подшоҳликка лойиқ ва ҳақли эди. У ақлли, адолатли, шафқатли, фикр ва тadbир эгаси бир киши эди; ҳамиша халифаларга итоат изҳор қилар ва уларга тобеъ бўлишни зарур ва лозим биларди [Наршахий: 70].

<sup>11</sup> Амир ибн Лайс ас-Саффор – саффорий; айтишларича, ёшлигида у дастлаб ҳачирбоқарлик билан шиғулланган, сўнгра тоштарошлик ва ниҳоят, кейинчалик ўз акаси Ёқуб ибн Лайсга келиб қўшилади. Акасининг ўлиmidан сўнг (265/879й.) қўшин уни ўзига қўмондон деб эълон қилиб, Амр халифага итоат саклаб, Хуросон, Форс, Исфahон, Сейстон, Кирмон ва Синд вилоятлари устидан ҳокимлик қилар эди. Хуросонда тўлиқ ҳукмронликни қўлга киритиш учун у ўзининг рақиблари Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Хужустоний, Рофеъ ибн Ҳарсама ва Хусайн ибн Тохирлар билан аёвсиз курашлар олиб борди. Бу курашлар мобайнида халифа икки бор (275/885 ва 276/890) уни лавозимидан четлатган. 279/892 йилга келибгина Амр ибн Лайс Хуросоннинг сўзсиз ноиб бўлиб олишга эришди, бироқ 283/896 йилдагина у ўзининг сўнгги рақиб Рофеъ ибн Ҳарсамани четлатишга муваффақ бўлди. Хуросоннинг аввалги ноиблари сингари у Мовароуннаҳрни Хуросон таркибига қўшиб олишни истар эди ва халифадан бу вилоятни унга топширишни талаб қилди. Унинг истаги қондирилди ва 285-йилнинг муҳаррам ойида (898 й. феврал) халифа Мовароуннаҳр бошқарувини Амр ибн Лайсга топшириб, Исмоил ибн Аҳмад Сомонийни бу лавозимдан четлатганининг эълон қилди. Бироқ Исмоил ўз душманидан илгарироқ ҳаракат қилади: 286/899 йилда Амрнинг лашкарбошиси Муҳаммад ибн Башар мағлубиятга учратилиб, қатл этирилади, кейинг йили баҳорда (287/900) Амрнинг ўзи ҳам Балх яқинида асирга тушади ва тезда (288/901) Бағдодга жўнатилади; 289/902 йилда ўлаётган халифа Муътазид уни ўлимига буюради. Айтишларича, Амр ўзининг давлати ва қўшинини жуда ҳам каттиққўллик билан бошқарган; Хуросондаги бошқарувга ўхшаш тартиб бу ерда анча вақтгача бўлмаган эди. Ёқубнинг даврида бўлгани каби Амр даврида ҳам ягона ҳарбий мустабид олдига барчанинг тенглиги сиёсати олиб борилар эди; зодогонлар махсус қўйилган жосуслар орқали ўта жиддий назорат қилинганлар ва улар ўз қўллари остидаги қўллари билан ёмон муносабатда бўлишлари тақиқланган эди. Манбаларда Амр очқўз ва ҳасис тубан ҳукмдор қилиб тасвирланади. Шунга қарамай, у пойтахтни Нишопур ва ватани Сейстондан кўплаб фойдали жамоат биноларини қурдирган [Бартольд 1971: 484].

<sup>12</sup> Бу жангда Амр Лайснинг лашкарбошиси Муҳаммад ибн Башир ўлдирилган. У Амр Лайснинг олти минг нафар аскарларига қўшиб қатл қилинган. Қочганлар Нишопурга, Амрнинг олдига келишади, Исмоил Сомоний эса Бухорога қайтиб кетади [Ибн ал-Асир: 80]. Бу уруш 899 йил кузида бўлиб ўтган бўлиб, Муҳаммад ибн Башир ўлдирилгач, Исмоил Сомоний ўзининг олийжаноблиги ва бағрикенглиги билан душманларини қойил қолдиришга уруниб, қолган асирга тушганларни ҳеч қандай тўловларсиз озод этиб юборади [Бартольд 1963: 283].

<sup>13</sup> Амрнинг аёнлари унга ўзини хавф-хатарга қўймасдан у ерга қўшин жўнатишни маслаҳат берадилар, аммо у уларнинг фикрига қўшилмай, Нишопурдан чиқиб, Балхга қўшин тортди [Ибн ал-Асир: 80].



нисбатан кичик бўлган Мовароуннахрга қаноат қилдик. Агар бу ерни тарк қилсанг, сен учун яхшироқ (96) бўлади”<sup>14</sup>.

Амр Лайс тезлик билан келиб бу сўзларга илтифот кўрсатмади. (97) Унинг қўли остида бир вақтнинг ўзида бир юз саксон минг суворийси бўлиб, уларнинг аксариятининг орасида [тилла билан] қопланган ханжарлик камарга эга [мулозимлари] бор эди. (98) [Амр Лайснинг] амирлари ҳар қанча унга Жайхундан ўтиш қийинлигини тушунтиришмасин, фойда бермади ва [Амр Лайс] айтди: “Агар хоҳласам, (99) Жайхунни бадрлар билан тўлдираман, токи лашкарлар ўтиб олсинлар”<sup>15</sup>. Бу хабар подшоҳ Исмоилнинг қулоғига етиб боргач, (100) лашкарни тартибга келтиришга киришди. Ўша вақтда подшоҳ Исмоил Сомонийнинг лашкари [сони] ўн минг бўлиб аксарияти(101) ёғоч узангили эди. Мавжуд оз сонли лашкар билан Бухородан кўтарилдилар ҳамда Термиз ўтиш йўли орқали Жайхундан (102) [сузиб] ўтдилар. Амр Лайс Балхга етиб келиши биланоқ, подшоҳ Исмоил Сомоний унинг атрофини ўраб олди. (103) Амр Лайс ўз қилмишлари ва сўзларидан пушаймон бўлди ва сулҳ талаб қилди, [аммо] подшоҳ Исмоил қабул қилмади<sup>16</sup>.

(104) Уруш тугади. Сафлар жангга тизилгач ва жанг бўлиб ўтгач, фатҳ шамоли подшоҳ Исмоил Сомоний [боши] узра эсди.

У ерлар бир чангалзор эдики, Амр Лайснинг лашкари (106) у чангалзорда ўзларини йўқотиб қўйдилар. Подшоҳ Исмоил Сомонийнинг тобеъ амирлари Амр Лайс лашкарини таъқиб қилдилар, (107) ҳамда Амр Лайсни асир олиб, подшоҳ Исмоил Сомоний ҳузурига келтирдилар<sup>17</sup>. Баъзиларнинг айтишича, уруш бошланиши биланоқ, (108) Амр Лайснинг

<sup>14</sup> Ибн ал-Асир Исмоил Сомоний Амр Лайсга ёзган номасини қуйидагича келтирган: “Сен кенг бир дунёга эгалик қиласан, менинг қўлимда эса Мувароуннахр бор холос, яна мен (мушриклар) билан чегарадаман. Қўлинг остидаги нарса билан қаноат қил, мени эса мана шу чегара вилоятда қолдир” [Ибн ал-Асир: 80-81].

<sup>15</sup> Ибн ал-Асир Амр Лайснинг бу гапини бироз бошқачароқ келтирган: “Агар уни пулларнинг бадрлари билан тўлдириш керак бўлганида, шу ишни қилган бўлар эдим!” [Ибн ал-Асир: 81].

<sup>16</sup> Исмоил Сомоний ва Амр Лайс ўртасидаги уруш тафсилотлари турли манбаларда турлича келтирилган. Табарий берган маълумотларга кўра, Исмоил Сомоний дастлаб Амр Лайсдан ўз фикридан қайтишни ва уни Мувароуннахр ҳокими сифатида қолдиришни сўраган, лекин Амр Лайс унинг барча таклифларини кескин тарзда рад этади; фақат кейинчалик, Балх яқинида Исмоил Сомоний аскарлари Амр Лайс қўшинини қуршаб олхач, вазият ўзгаради ва Амр Лайснинг сулҳ борасидаги илтимослари Исмоил Сомоний томонидан қабул қилинмайди [Табарий III: 2194]. Наршахий берган маълумотларга кўра эса, Амр Лайс халифадан бошқарув ёрлиғини олгач, Гузгон ҳокими Абу Довуддан ва Исмоил Сомонийдан ўзига итоат қилишни талаб қилди. Майда ҳокимларга ўзининг тенглаштирилишини Исмоил Сомоний ўзи учун ҳақорат деб ҳисоблади ва унга уруш эълон қилди. Шундан сўнг Амр унга сулҳ таклиф қилади, бироқ Исмоил Сомоний буни қабул қилмайди [Наршахий: ]. Амр Лайс ўзининг худбинлиги туфайли аёнларининг маслаҳатларига кулоқ солмайди, оқибатда аёнларининг бир қисми уруш бошланмасидан аввал Амр Лайсни тарк этишади, қолган қисми эса уруш бўлаётган вақт Исмоил Сомоний тарафига ўтиб кетишади. Бу уруш 900 йил баҳорида Балх яқинида содир бўлади [Бартольд 1963: 284].

<sup>17</sup> Ибн ал-Асир ушбу воқеани қуйидагича тасвирлаган: Амр ўз қилмишларидан пушаймон бўла бошлади ва (Исмоил билан музокара олиб бориш учун) восита қидира бошлади. Исмоил унга хужум қилди ва улар жангга кирдилар. Аммо жанг узокка чўзилмай, Амр мағлубиятга учради. У ортга огирилиб, қочишга тушди ва унга бу энг қиска йўл деб маслаҳат беришгани ҳолда, қуюқ чангалзор орқали қочишга қарор қилди. Ўзи билан бирга бўлганларга: “Сизлар тўғри йўлдан кетаверинглар” дейди. Ўзи эса кичик гуруҳ билан чангалзорга кирди. Унинг оти у ерга тикилиб қолди ва у иложсиз бир вазиятга тушиб қолди. У билан бирга

оти чаққонлик қилди ва Амр Лайсни олиб, (109) подшоҳ Исмоил Сомоний лашкаргоҳига отди. Лашкарлар уни олиб, подшоҳ Исмоил Сомоний (110) ҳузурига олиб келдилар.

Унинг лашкари мағлуб бўлди. Подшоҳ Исмоил Сомоний аббосий халифа Муътазид биллаҳ<sup>18</sup>га фатҳнома (111) жўнатди. Халифа подшоҳ Исмоилни олқишлади, Амр Лайсни [эса] мазаммат қилди, (112) [ҳамда] подшоҳ Исмоил Сомонийга Рай ва Исфаҳонгача [бўлган] Сейистон, Хуросон ва Мозондарон (113) бошқаруви нишонини юборди ва [яна] ўзининг махсус либоси ва қимматбаҳо тўнини (114) жўнатди. Подшоҳ Исмоил нишонни олгач, етти юз минг дирҳам инъом қилишга (115) буйруқ берди. Халифа [юборган] тўнни кийгач, икки ракаат шукр намозини ўқиди ва (116) Оллоҳга шукрона келтирди.

Хўжа Низом ул-Мулк Тусий васиятларида ёзилишича, (117) подшоҳ Исмоил аксарияти ёғоч узангили бўлган қўшини билан етмиш минг кишилик қўшинга эга (118) Амр Лайс устидан ғолиб келди, ва унинг хазиналарини сўради. Айтишди: “ Унинг Сом<sup>19</sup> исмли (119) яқин одамларидан бири шояд уни Ҳиротга олиб кетган бўлса”.

(120) Подшоҳ Исмоил Ҳиротга юзланиб, ўша шаҳар аҳолисига омонлик берди. (121) Подшоҳ Исмоил амирлари ҳарчанд Сомдан хазина талаб қилишмасин, фойдаси бўлмади. Зафар лашкари (122) кунлар шу зайлда ўтаверганидан сўнг бағоят танг аҳволга келган эдилар. Амирлар шу маънода ҳазрат подшоҳ Исмоилга арз қилдиларки (123): “Агар шаҳар ва қишлоқларнинг ҳар бир кишисидан бир мисқол олганингизда лашкарга ёрдам бўлар эди”. (124) [Подшоҳ Исмоил] амирларга жавобан буюрди: “Бу халққа омонлик бердим. Қайси (125) таъвил билан бу ишни қила оламан?!” Шундан сўнг улар турган ерларини тарк этишгач, амирлар иккинчи бор ўша (126) сўзни арз қилдилар. [Подшоҳ Исмоил] жавобан айтди: “Мен ҳеч ҳам аҳдни бузмайман. Худонинг ўзи (127) Амр Лайсининг отини менинг ҳузуримга чопиб келишга қодир қилди. Аҳдни бузсам, лашкар менга (128) кифоят қилади”.

Мазкур воқеалар содир бўлаётган бир пайтда, адолатпаноҳ подшоҳнинг канизакларидан бирининг (129) гавҳарлар ва ёқутлар билан безатилган бир маржони бор эди. [Канизак уни] бўйнидан ечиб, баланд жойга қўйиб, ўз ишига (130) машғул бўлди. Ногоҳ бир калхат лаъл бўлакларидан бирини гўшт деб ўйлаб, уни ўғирлади. (131) Подшоҳ яқинларининг баъзиси қопқон учун ҳар тарафга тарқалдиларки, тасодифан маржон (132) калхатнинг оёғидан озод бўлиб, бир кориз қудуғига тушиб кетди. Шу вақтда бир киши [маржон тушиб кетган жойни] кузатиб (133) ўша қудуқ олдида пайдо бўлиб, маржонни

---

бўлганлар уни пайқамай, ёнидан ўтиб кетишди. Исмоилнинг одамлари у ерга келиб уни асирга олдилар [Ибн ал-Асир:81].

<sup>18</sup> Муътазид биллаҳ – Аҳмад ибн Муваффақ; 16-аббосий халифа (279-289/892-902). [Мунжид 1992: 537].

<sup>19</sup> Амр Лайсининг хазинабони [Dehkhoda VI: 1998 ]

топиб олди. Ўша қудукдан бошқа қудукқа назар солди, кўрдики, (134) жавоҳирлар [тўла] сандиқлар бўлиб у ерда яширилган экан. У Амр Лайснинг хазинаси бўлиб, Сом (135) [уларни] у ерга яшириб қўйган эди. Бир сўз билан жуда ҳам кўп мол бўлиб, Ҳирот аҳолиси орқали (136) подшоҳ Исмоил лашкарлари қўлига келиб тушди.

Баъзи тарих китобларида ёзилишича, Амр Лайс (137) асир тушгач, подшоҳ Исмоил уни муҳофаза этиш учун унга бир қўриқчи тайинлади. Кечаси Амр Лайснинг (138) қорни очди ва қўриқчидан овқат олиб келишни сўради. Қўриқчи отнинг челагида унга (139) қайнатишган овқат олиб келди ва унинг олдига қўйди, [сўнгра] кетди. Амр Лайс [бироз] эътиборсиз бўлдики, ногаҳон този ит (140) пайдо бўлди ва бошини челақнинг ичига тикди ва оғзини куйдирди. Шу аснода Амр Лайс етиб келиб, (141) итни калтаклади. Ит ғулғула билан қочди. Челақнинг дастаси итнинг бўйнига илашиб қолди. (142) Ит осонлик билан ўша овқат челақини олиб қочди. Бу ҳолатни кузатиб турган Амр Лайс (143) қаҳқаҳа отиб кула бошлади. Подшоҳ Исмоил унинг кулгисининг овозини эшитгач, ажабланди, бир кишини жўнатди (144) ва Амр Лайсдан унинг кулгиси сабабини сўради. Амр Лайс айтди: “Кулгимнинг сабаби шуки, бугун тонгда (145) уруш бўлди. Ошпаз келиб уч юз туяда ошхона асбобларини олиб келганлигини айтди. Асбоблар жойида, [лекин] туяни топа олмаяпман. Кечаси қарасам, (147) менинг ошхона асбобларимни бир ит осонлик билан олиб қочяпти. Кулгимнинг сабаби шундан”.

Подшоҳ Исмоил (148) унга хабар берди: “Хотири жам бўлсин, унинг қонини тўкмайман. Менда хун ҳақи бўлмаганидан кейин (149) нима учун унинг қони билан қўлни ифлослайман?!” Амр Лайс бу хабардан хушҳол бўлиб, подшоҳ Исмоилга (150) хабар жўнатди: « Менда бир билакузук бор, унда менинг хос хазинам [беркитилган] жой ёзилган (151) уни олиб ўз лашкарига сарфласинлар. [Жўнатишган одам] ҳаёжонга тушиб, (152) унинг гапини подшоҳ Исмоилга етказди. Подшоҳ Исмоил Сомонийнинг бу сўзлардан жаҳли чиқди. (153) Унга айтди: “Сен ҳокимиятга ташна бўлсангда, бир куни мамлакатга ҳукмрон бўлдинг ва (154) зулм ва жавр билан халқнинг кўплаб молини олдинг. Ҳозир эса (155) бунинг гуноҳини менинг елкамга қўймоқчисан. Мен у қавмдан эмасманки, сенинг фирибинг менга ўтмайди”. Золим ва (156) ситамгар, шум Амр Лайс подшоҳ Исмоилга қойил қолди.

Подшоҳ Исмоил уни (157) кишанлаб, Бағдодга халифа ҳузурига жўнатди. Аббосий халифа уни туяга мингаштириб<sup>20</sup> Бағдод (158) бўйлаб айлантиришга, кейин эса зиндонга маҳбус қилишга буюрди. Баъзиларнинг айтишча, ўлимли касалликка (159) кўрсатма

<sup>20</sup> Ибн ал-Асир уни эшакка мингаштириб Бағдодга олиб кетилганлигини ёзади [Ибн ал-Асир: 81].

берган ва баъзиларнинг айтишча, [Амр Лайс) зиндонда қолиб кетиб, очликдан халок бўлган<sup>21</sup>.

(160) Бир сўз билан айтганда, Мовароуннахр подшоҳ Исмоил даврида гуллаб - яшнади ва у хайр саховат (161) ишида чиройли амаллар кўрсатди, адолатга муҳаббат кўйди.

Баъзи Эрон манбаларининг сўзлашича бир (162) улуг зотдан унинг [Исмоил Сомонийнинг] даври ҳақида сўрашди: “Тоҳирийлар пок дин ва яхши эътиқодли инсонлар бўлганлар ва кўплаб хайрия ишларини амалга (163) оширганлар. Улардан сўнг ҳеч нарса пайдо бўлмади. Бани Лайс золим ва ситамкор бўлганлар ва ортиқча хайрия ишларини (164) амалга оширмадилар Бунинг сабаби нима? Бунинг ҳукми қандай булади? Жавоб берди: (165) “Тоҳирийлардан сўнг Бани Лайс бўлдилар, табиий бир тубанлик ва тоғдек зулм мақсади ила тоҳирийларнинг хайрия ишларига риоя қилмадилар (166) ва хирс ва тама билан уларнинг барча вақф ерларини эгаллаб олдилар. Бани Лайсдан сўнг Сомонийлар бўлдилар. (167) Олийжаноблик ва пок эътиқод билан Бани Лайс мол мулкини ўз назоратлари остига олдилар ва унга тамаъ қилмадилар. Албатта, наригиси хайрли эмас, (168) буниси эса жорийдир. Бу ҳолатдан ҳикмат шуки, шубҳасиз, маҳшарда яхшилик ва ёмонликни истайдилар (169) Шунга кўра, ҳар кимки, яхшилик қилган булса, унга ажри берилади, кимки ёмонлик туфайли яхши амалларини ботил қилган булса, бошқа бир яхшилик (170) ул бадкирдорга бўлгай. Аксинча яхшилик қилгувчига берилади<sup>22</sup>.

Мақсадга қайтдик. Подшоҳ Исмоил Сомоний (171) Амр Лайсдан сўнг етти йил ва икки ой Эронда подшоҳлик қилди<sup>23</sup>. (172) Икки юз тўқсон бешинчи йил сафар<sup>24</sup> ойининг ўн тўртинчи кунида вафот этди.

<sup>21</sup> Ибн ал-Асир Амр Лайснинг ўлимини куйидагича баён этади: “Бағдодга янги халифа Муктафий кириб келган куни Амр ибн Лайс ас-Саффор ўлдирилди ва эртаси куни дафн этилди. Ўлаётган Муътазид, у гапира олмайдиган аҳволга келиб қолганида белги ва ишоралар орқали Софий ал-Хуррабийга Амр ибн ал-Лайсни қатл этишни буюрди. У қўлини томоғига қўйди, сўнг кўзига, бу эса “бир кўзлини сўйиб юбор” маъносини англатар эди. Амр эса бир кўзли эди. Аммо Софий Муътазиднинг яқин орада вафот этишини билиб ва Амрни ўлдиргиси келмай, бу вазифани бажармайдди. Муктафий Бағдодга кириб келганида вазир Қосим ибн Убайдуллоҳдан Амр ҳақида сўрайди. Вазир уни хануз тирик деб жавоб беради. Муктафий бундан жуда хурсанд бўлади, чунки Рай шахрида турган вақтида Амр унга кўплаб совға-саломлар юбориб турар эди. Вазирга бу нарса ёқмади ва Амрни олдида бир кишини жўнатиб, уни қатл эттиради” [Ибн ал-Асир: 82]. Бундан аввалроқ эса Амрнинг мағлубиятга учраши Бағдодда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Исмоил халифанинг буйруғига тескари борган бўлса-да, халифа унинг хатти-ҳаракатларини ижобий баҳолаб, уни табриклашга шошилади [Tabari III : 2195].

<sup>22</sup> Сомонийлар ва Саффорийлар ўртасидаги курашни ёритган тарихчилар асарларида биз уларнинг Сомонийларга мойиллигини кўришимиз мумкин. Сомонийлар ўзларининг келиб чиқишларига кўра, халқдан чиққан харбий мустабидларга қарама-қарши қўйилиб, тоҳирийлар ишининг табиий давомчилари, тинчлик ва тартибнинг таъини ҳимоячилари сифатида майдонга чиқдилар. Албатта бундан аввало жамиятнинг юқори табақалари манфаатдор эдилар [Бартольд 1963: 284]. Табарийнинг сўзларига кўра, ораларидаги муносабат қандай бўлишига қарамай, “бойлар ва деҳқонлар” Исмоилга Амр Лайсга қарши курашда яқиндан ёрдам бердилар [Tabari III : 2194]. Исмоил томонидан барпо этилган ёки қайта тикланган мураккаб давлат ташкилоти, ҳар ҳолда саффорийлар даврида бўлган ягона харбий мустабид олдида барчанинг тенглигини сиёсатидан кўра, зодогонлар манфаатига тўла жавоб берар эди [Бартольд 1963: 284].

<sup>23</sup> Наршахий уни икки юз саксон яттинчи йили роби ул-охир ойининг (апрел, 900) ўртасида шанба куни Амр ибн Лайс Балхда асир этиб, мамлакатга эга бўлди ва саккиз йил подшоҳлик қилди, деб ёзади [Наршахий: 70; Frye 1954: 77].

“ Буюк инсон бўл, зодагон бўлма, (173) яъни жони буюк инсонни [бошқаларга] раҳбар килган ва унга гайрат ва мардликни ўргатган ва уни шавкатли подшоҳ килган буюк инсон бўл.

(174) Аслзодалар унинг олдида фахрланадиганлардан бўлма”<sup>25</sup>.

Орзуи амалга ошди. Киёмат кунига қадар унга Оллоҳнинг раҳмати ва марҳамати бўлсин!

(175) Подшоҳ Исмоил Сомонийнинг умри 60 йил булиб, унинг шарафли қабри Бухородадир, мазкур (176) шаҳарнинг гарбий тарафидадир. Зиёрат қилинадиган ва дуо сўраладиган бир уйдир.

Амир Аҳмад ибн Исмоил ибн (180) Аҳмад ибн Асад ибн Сомон отаси вафотидан сўнг ворислик ҳукмига кўра Бухорода подшоҳ бўлди. Олимпавар (181) ва илмдўст эди. Унинг мажлислари уламо ва фузалолар билан ўтар эди<sup>26</sup>.

(199) Мақсадга қайтдик. Амир Аҳмад Сомоний жаҳонгирлар тахтига қадам қўйган вақтда, (200) Муктафий биллаҳ<sup>27</sup> аббосий халифа эди. Амир Аҳмад Сомонийга шартнома ва байроқ юборди.

(201) Айтишларича, Аҳмад ибн Исмоил давлати кунларида 300 йилда Амр Ёқуб Сейистонга хуруж килди (202) ва ўша вилоят ҳокими бўлиб турган Мансур ибн Исҳоқ Сомонийни ушлаб олиб хибс килди. (203) Амир Аҳмад ибн Исмоил бу воқеадан огоҳ бўлгач, Ҳусайн ибн Алига лашкар бериб, (204) Сейистонга жўнатди. Ҳусайн тўққиз ой мобайнида қалъани қамал қилди. Амр Ёқуб ғулғула билан омонлик истаб, шаҳардан ташқарига чиқди. (205) Ҳусайн ибн Ҳаффор ва ибн Саффорни Бухорога жўнатди. (206)

<sup>24</sup> 907 йил 24 ноябрга тўғри келади [Воҳидов, Қодиров 2010: 19-42]. Ибн ал-Асир уни 295 йил сафар ойи ўрталарида вафот этди деб ёзади [Ибн ал-Асир: 84]. Наршахий унинг вафотини ва вафоти санасини қуйидагича ёзади: “Амр Исмоил бемор бўлиб бир қанча вақт ётди. Унинг касаллиги кўпроқ рутубатдан эди. Табиблар: “Жўйи мўлиённинг ҳавоси хушроқ”, - дедилар. Уни ўзининг хос мулкидан бўлган Зармон қишлоғига олиб бордилар: “Бу ернинг ҳавоси унга мувофиқроқ келади”, - дедилар. Амир бу қишлоқни яхши кўрар ва ов қилиш учун ҳамма вақт ўша ерга борар эди; у ерга боғ қурган эди. Бир муддат у ерда бемор ётиб, охири икки юз тўқсон бешинчи йили сафар ойининг ўн бешинчисида (25 ноябр, 907) худди шу боғда катта бир дарахт тагида вафот этди. У йигирма йил Хуросон амирами бўлди. Ҳукмдорлик муддати ўттиз йил эди [Наршахий: 82]. Унинг ўлимидан кейин ўрнига ўғли ўтирди ва унга (Исмоилга) “ал-Амир ал-Мозий” лақабини бердилар [Frye 1954: 94].

<sup>25</sup> Бу шеърнинг ёзилиш тарихи аслида анча узоқ даврга бориб такалади. Бу шеър муаллифи Набиғо Зубёнийдир. У (604 йилда вафот этган) жоҳилият даврининг йирик шоирларидан бўлиб, ўзи насроний бўлган. У Ироқда Нажаф ва Куфа орасида жойлашган қадимги Хиро мамлакати подшоси Нўмон III ибн Мунзир (580-602)нинг сарой шоирларидан бўлган [Мунжид 1992: 567]. Бу ерда ўзига хос сўз ўйини мавжуд бўлиб, бир сўз ҳам турдош от ҳам атоқли от бўлиб келган. “Буюк инсон” сўзининг арабча маъноси “Исом” аслида бир тарихий шахснинг исмидир. У юқорида тилга олинган Нўмон ибн Мунзирнинг ҳожиби Исом ибн Шаҳбар ал-Жармийдир [Лисон ал-Араб XII: 408]. У оддий бир инсондан ҳожиблик лавозимига кўтарилган. Шу боис, Исом деб оталари обрўси, нуфузи билан эмас, ўз иқтидори, тиришқоқлиги билан обрў-хурмат қозонган одамларга нисбатан қўлланилади [Мухит ал-Мухит II : 1411]. Шунинг учун буюк инсон бўл, зодагон бўлма” дейилганда “аслзода бўлган оталаринг сингари эмас, балки Исом каби ўзининг ҳаракатинг билан шарафга эриш” тушунилади [Мунжид 1992: 510].

<sup>26</sup> Наршахий ҳам уни ўз отасининг йўлидан юриб адолат кўрсатган ва барча фукорога бутунлай инсоф юзасидан қараганлигини ёзади [Наршахий: 82]. Шунингдек, халқ унинг даврида роҳат ва осойишталикда яшаган [Frye 1954: 94]. Амир Аҳмад даврида араб тили яна бир бор расмий ҳужжатларда иш юритиш тили мақомига қайтди [Бартольд 1963: 300].

<sup>27</sup> 17- аббосий халифа, асл исми Али ибн Муътазид (289-295/902-908) [Мунжид 1992: 542].

Амир Аҳмад Сомоний Сейистон бошқарувини Симжур Давотийга бахшида қилди. (207) Лашкар Райга қайтиб бу шаҳарни тахт тасарруфига киритди. У ердан чиқиб Хуросонга келдилар<sup>28</sup>.

(209) Уч юз биринчи йилда Амир Аҳмад шикор жазм қилди. Журжон тарафдан Хусайн ибн ал-Али ал-Утруш ал-Алавий<sup>29</sup> (210) Табаристон вилоятини босиб олиб, у ердан Амир Аҳмаднинг ноиби Саълук<sup>30</sup> ни бадарға қилганлиги хабари келди.

(212) Амир Аҳмад бу хабарни эшитиб, жуда қайғуга тушди ва муножот қилдики: «Оллохим, агар тақдиринг шундай бўлса, (213) Табаристон диёри менинг қўлимдан чиқиб кетадиган бўлса, (у ҳолда) менга ўлим афзалроқдир»<sup>31</sup>. Ортга қайтганида, ўша манзилдаги олов ўчган эди. (214) Донолар буни ёмон аломат дея билдилар. Кутилмаганда, ғуломларнинг бир гуруҳи (215) уламолар ила кенгашиб, унинг хизматидан юз ўғирдилар. Ўша вақт тунда зикр қилинган йил жумод ул-охир ойининг учинчи куни<sup>32</sup> (216) подшоҳнинг чодирига яқинлашдилар ва унга «шаҳидлик шарбатини» ичирдилар.

<sup>28</sup> Ибн ал-Асир ўз асарида бу воқеаларни батафсилроқ ёритади: “Шу йили (300 йили) Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил Сомоний Сижистон (Сейстон) итоатдан бўйин товлаб, аҳоли исён кўтарганлиги боис, уни иккинчи бор қайта эгаллаш учун Сижистонга қўшин жўнатди. Бунинг сабаби шунда эдики, хаворижийларга мансуб Мавло Сандолий номи билан танилган Муҳаммад ибн Хурмуз Бухорога келиб, ўрнашиб олади, уни ўзи сижистонлик эди. У жуда ҳам кекса мўйсафид эди. Бир куни у Хусайн ибн Али ибн Муҳаммад Ориднинг ҳузурига келиб ўзини хизматга олишни сўрайди. Хусайн унга қарата: “Менимча, сен каби чоллар то умри поёнига етмагунича хонақоҳда ўтириб ибодатда машғул бўлишлари керак” деди. Унинг бу гапи Сандолийни ғазабга келтиради ва ўша пайтда Мансур ибн Исроқ ҳоким бўлиб турган Сижистонга қайтиб келади. Сандолий хаворижийларни ўз атрофида тўплай бошлади ва саффорийлар сулоласини қўллаб-қувватлашга чақирди ва ўзи хуфёна тарзда Амр ибн Ёқуб ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Лайсга қасамёд қилди. Катта кучга эга ва Ибн Ҳаффор номи билан танилган Муҳаммад ибн Аббос хаворижийлар йўлбошчисига айланди. Улар йўлга тушиб, Сижистон амири Мансур ибн Исроқни қўлга олиб, хибс қиладилар. Сижистонни Амр ибн Ёқубга топшириб, жумъа кунги хутбаларга унинг номини қўшиб ўқий бошладилар. Бу хабар Амир Аҳмад ибн Исмоилга етиб келгач, иккинчи бор Заранжга Хусайн ибн Али бошчилигида қўшин жўнатди. У қалъани тўққиз ой давомида қамал қилади. Кейинчалик Сандолий вафот этгач, Амр ибн Ёқуб Саффор Ибн Ҳаффор билан бирга Хусайн ибн Алига таслим бўладилар ва Мансур ибн Исроқни озод этадилар. Хусайн ибн Али Ибн Ҳаффорга нисбатан яхши муносабатда бўлади ва уни ўзига яқин олади. Ибн Ҳаффор бир гуруҳни Хусайн ибн Алига қарши исён кўтаришга кўндиради. Хусайн бундан хабар топади. Ибн Ҳаффор Хусайннинг олдига ҳеч бир тўсиқсиз кириб чиқар эди. Бир куни у ёнида қилич билан унинг ҳузурига кирди. Хусайн уни ушлашга буйруқ берди ва уни ўзи билан Бухорога олиб кетди. Сижистоннинг эгалланганлиги хабари Амир Аҳмадга етиб боргач, у Симжур Давотийни у ерга ҳоким этиб тайинлаб, Хусайн ибн Алига Бухорога қайтишга кўрсатма берди. У Амр ибн Ёқуб, Ибн Ҳаффор ва бошқа асирлар билан қайтиб келди. Унинг қайтиши уч юзинчи йилнинг зулҳижжа ойида бўлди [Ибн ал-Асир: 87-89].

<sup>29</sup> Ибн Исфандиёр унинг исмини Ҳасан ибн Али ибн Наср ал-Қабир Утруш деб келтириб, уни шиа бўлган дейди [Ибн Исфандиёр: 97]. Бартольд ҳам у ҳақида атрофлича ёзган [Бартольд 1971: 219; 483-449].

<sup>30</sup> Абулаббос Муҳаммад ибн Саълук – Табаристон ҳокими. Ибн Исфандиёр ҳам уни Табаристон ҳокими деб кўрсатади ва унинг исмини Муҳаммад ибн Иброҳим Саълук деб келтириб, уни Рай вилояти ҳокими ҳам бўлган дейди [Ибн Исфандиёр 1942: 266].

<sup>31</sup> Наршахий буни қуйидагича келтиради: “Бундан амир дилтанг бўлиб жуда ғамгинликка тушди ва “Эй худо! Агар бу подшоҳлик мендан кетадиган бўлса, менинг ажалимни бер!” деб дуо қилди” [Наршахий: 82; Frye 1954: 94].

<sup>32</sup> 913 йил 4 январга тўғри келади [Воҳидов, Қодиров 2010: 19-42]. Наршахий унинг ўлдирилган санасини ҳижратдан уч юз биринчи йил жумод ул-охир ойининг ўн биринчисига (12 январ 914) пайшанба куни бўлган деб ёзади [Наршахий: 83; Frye 1954: 95]. Самъоний Амир Аҳмад Амударё соҳилидаги Фаробр кишлоғида 301 йил душанба кунига ўтар кечаси жумод ул-охир ойининг тугашига 7 кун қолганда (23 январ 914) ўлдирилган дейди [Камалиддинов 1993: 131]. Ибн ал-Асир эса унинг ўлими 301 йил жумод ул-охир ойининг тугашига ети кун қолганда, пайшанбага ўтар кечаси содир бўлган дейди [Ибн ал-Асир: 89]. Бартольд Самъоний берган маълумот тўғрироқ деб ҳисоблайди [Бартольд 1963: 300].

(217) Айтишларича, Амир Аҳмаднинг икки арслони<sup>33</sup> бўлган бўлиб, ҳар тун унинг чодирини ёнига боғлаб қўйишар эдики, ҳеч ким подшоҳга қасд қила олмас эди. (218) Ўша келишилган тунда шерни боғлаб қўйишни эсдан чиқардилар ва фожиали ўлим тадбирини қилдилар<sup>34</sup>. Банда ва тақдир ожиз эди. (219) Кейинчалик, амирлар баъзи ғуломларни қўлга тушириб, қатл этдилар<sup>35</sup>. Амир Аҳмаднинг ўзини Бухорога олиб келиб, (220) отаси подшоҳ Исмоил Сомоний ёнига дафн этдилар<sup>36</sup>. Кейинчалик уни «Амир шаҳид» деб атаёт бошладилар. (221) «Амир шаҳид»нинг подшоҳлик муддати олти йил, тўрт ой, бир неча кундан иборат бўлди<sup>37</sup>.

У (222) Райдан аравада арралар олиб келиш ҳақида фармон берган эди. Яна у фармон берган эдики, Жўйи Мўлиён мавзеи яқинида (223) Катта Чорбоғ қишлоғи бўлиб, Бухоро яқинидадир. (Бу Чорбоғ) подшоҳ Исмоил Сомонийнинг эски хариди бўлиб, (224) Ҳасан Толутдан уч минг динорга сотиб олган ва мавлоларга вақф қилиб берган эди. (225) Чорбоғнинг деворларини баланд қилди ва йирик чорва молларини боғнинг бошига жойлаштирди. (226) Лочинларни Чорбоғнинг ичкарасига қўйиб юбордилар. У ердаги амиришикорлар ҳар куни боғдаги лочинларга озука бериб туришга буюрилдилар. (227) (Амиришикорлар) пистирма қўйиб, лочинларнинг қайси бири эркак ва қайси бири урғочи эканлигини кузатдилар. (228) Амиришикорлар бироз вақтдан сўнг кичкина лочинлар ката лочинлар устига ўтираётганларини кўрдилар. (229) Шундан хулоса чиқардиларки, кичик лочин – эрак ката лочин – урғочидир. Оллоҳ билгувчирокдир.

(230) Амир Наср ибн Амир Аҳмад ибн подшоҳ Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон отаси вафотидан сўнг (231) подшоҳлик (тахтига) ўтирди. Отасига қасд қилган барча ғуломларни қатл қилди. (232) Адолатга муҳаббат қўйди ва кўплаб хайр – саховат ишларини бажарди.

Бироз вақтдан сўнг Ҳирот (шаҳрини) томоша қилишга борди. (233) У ер унга жуда ҳам ёқиб қолиб, бироз муддат ўша ерда қолишни истади. Амирлар ва аркон давлат хотин ва фарзанд соғинчида бўлдилар. (234) Аммо Амир Наср на ўзи Бухорога қайтишга азм этди ва на уларга рухсат (кўрсатма) берди. Хотин ва фарзандларини Ҳиротга олиб келишларини (айтди) (235) Унинг аъёнларида буни (яъни Бухорога қайтишни) сўраш учун жасурлик етишмади. (236) Ниҳоят, амирлар бу муаммонинг ечимини топиш учун шоир

<sup>33</sup> Аслида унинг икки эмас бир арслони бўлган, буни бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди [Наршахий: 82; Frye 1954: 94; Ибн ал-Асир: 89]. Бундан ташқари қўлёзмадаги шеър билан боғлиқ кейинги гаплар ҳам бирлик шаклида келмоқда.

<sup>34</sup> Наршахий унинг ғуломлари унинг калласини олганлигини ёзади [Наршахий: 83; Frye 1954: 94].

<sup>35</sup> Саройдаги баъзи бир гуруҳ ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, котиб Абулҳасан Наср ибн Исроқ бу ишни бошқарган деб унга тўхмат қилишади ва уни Бухорога олиб келиб дорга осилади. Амирга суиқасд қилган қуллардан баъзиларини топиб ўлдиришади, баъзилари Туркистонга қочади [Наршахий: 83; Frye 1954: 95; Ибн ал-Асир: 90; Бартольд 1963: 300].

<sup>36</sup> Амир Аҳмад Бухорога олиб келиниб, Навканда қабристонига дафн этилади [Наршахий: 83; Frye 1954: 95].

<sup>37</sup> Наршахий унинг подшоҳлик муддатини олти йил, тўрт ой ва беш кун деб тўлароқ келтирган [Наршахий: 83; Frye 1954: 95].

Рудакий<sup>38</sup>га ялиндилар. Унинг сўзи ҳар қандай мушкул ишнинг калити (ечими) бўлиб, илтимос қилдиларки, боиси у сомонийларни жуда кўп бора васф этган эди. (237) У рози бўлиб, Бухоро васфи ҳақидаги қуйидаги байтларни битди ва (Амир Наср хузурида) ўқиди:

(238-242)

Мулиённинг ҳиди бу ёнга келур,  
Ёр ёдида дил фиғонга келур.  
Қанчалик тошса ҳам Аму дарё,  
Отимиз белидан тубонга келур.  
Оёқ остидаги шағал юмшаб,  
Шоҳидир, деб киши гумонга келур.  
Э Бухоро, ҳамиша хуррам бўл,  
Сен учун шоҳ меҳмонга келур.  
Шоҳ сарву бўстон Бухородир  
Ям-яшил сарв бўстонга келур.  
Шоҳ ой, осмон Бухородир,  
Ой сочиб нур осмонга келур<sup>39</sup>.

(242) Амир Насрнинг бундан ороми йўқолди ва Бухорога равона бўлди, ҳатто этигини кийишни ҳам лозим топмади (243) Рудакий шу сабабли амирлар инъомидан бойиб кетди. (244) Амир Наср 8 ёшида салтанат тахтига ўтирди. (245) Дастлаб халойик отасининг амакиси Самарқанд соҳиби (246) Исҳоқ Сомоний бўла туриб, бу гўдак қанча вақт подшоҳлик қилишни истайди деб гапирган эдилар. Аммо тақдир ҳукмига кўра, малик ул-мулук Амир Наср (247) ибн Аҳмад олий даражаларга эришди. Салтанатининг дастлабки кунларида Муҳаммад ибн Аҳмад<sup>40</sup>ни подшоҳлик ишлари вазири этиб тайинлади. (248) Исҳоқ Сомоний разилларча исён байроғини кўтариб Бухорога юзланганида, Ҳамавия<sup>41</sup> (249) уни даф этишга (жўнатилди). Иккала томон ўртасида икки маротаба ката уруш воқеъ бўлди. Ҳар гал Ҳамавия, (250) ғалаба қозонар, Мансур эса ортга чекинар эди. Сўнги бор Исҳоқ Сомоний мағлуб бўлганида, Самарқандга қочди. Ҳамавия (251) уни таъқиб қилиб, жанг қилиб, асирга олди ва Бухорога олиб келди. Амир Наср уни Бухоро зиндонига маҳбус қилди ва бандиликда, вафот этди<sup>42</sup>.

<sup>38</sup> Жаъфар Рудакий (940 йилда вафот этган). Машхур форс шоири, Амир Наср даврида сарой шоири бўлган.

<sup>39</sup> Рудакий: Тошкент, “Ўзадабийнашр”, 1957. Б.34 (М. Муинзода таржимаси).

<sup>40</sup> Тўлик исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний [Наршахий: 83; Frye 1954: 95; Ибн ал-Асир: 90; Бартольд 1963: 300].

<sup>41</sup> Ҳамавия ибн Али – Амир Насрнинг лашкарбошиси [Наршахий: 83]. Турли манбаларда унинг исми турлича келтирилган: Ҳамавайх ибн Али [Ибн ал-Асир: 91; Frye 1954: 95], Ҳамуя ибн Али [Бартольд 1963: 300; No'ldike:388].

<sup>42</sup> Наршахий ўз асарида бу воқеаларни батафсилроқ шарҳлаб, қуйидагича баён этади: “Дастлаб амири Саъид (Наср) бўш иш олиб борганлигидан ҳар ерда фитна пайдо бўлди, унинг отасининг амакиси Исҳоқ Ибн



(252) Ўша кунларда Фотик Ғулом Юсуф ибн АбуАс-Сааж аббосий халифа Муктадир<sup>43</sup>га (253) душманлик қилиб, Рай вилоятига тажовуз қилди. Халифа Амир Насрга уни даф этишга кўрсатма берди ва (254) Рай вилоятини Хуросон таркибига киритиб, Амир Насрга берди. Амир Наср халифа фармонида таяниб, (255) Райга лашкар тортди ҳамда обдор шамшир ила Фотикни мағлуб этди ва икки ой ўша ерда бўлди. (256) Қайтиш чоғида ул диёр вилоятларини Симжур Давотийга тортиқ қилди. (257) Йўлда ўз укаларининг Абу Бакр новвой ёрдамида бандиликдан қочиб қутулганлари хабарини эшитди. Воқеанинг тафсилоти бундай:

(258) Амир Наср отаси ўрнига подшоҳлик тахтига ўтиргач, ўз укалари Амир Иброҳим, Абу Исҳоқ , (259) Абу Закариё, Абу Солих, Абу Мансур ва Абу Яҳёларни подшоҳлик ишлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида (260) Бухоро Аркига банди қилган эди. Уларга қўриқчи тайинлаб, шахсан ўзи назорат қилди. (261) Укаларини Абу Бакр новвойнинг дўкони орқали ҳам кундузи ҳам кечаси назорат қилишни тайинлади. Ҳар гал (262) Амир Насрнинг номи тилга олинганида, Абу Бакр новвой :”Мен туфайли хали унинг бошига балолр ёгилади” дер эди (263) Ўша кунларда Амир Наср Бухородан Рай томон юзланганида, жума куни Арк дарвозасини очмасликни буюрган эди. (264) Бунга маъул бўлган киши : « Вазифа аъло даражада бажарилгай ва дарвоза муҳофазасида камчилик бўлмагай» деди. (265) Амир Наср Райга етиб келгач, Абу Бакрда (исён кўтариш учун) баҳона топилди. (266) Баъзи лашкарлар билан сўзлашиб : «Агар мен билан иттифок бўлсангизлар, сизларни подшоҳдан халос қиламан, ҳамда албатта (ҳар қалай) сизлар ҳам бойликка эга бўласизлар» деди. (267) Алқисса, лашкарларга бир қанча афсунлар ўқидики, (268) кўпчилиги унга байъат бердилар ва битим туздилар. Жума куни намоз вақтида исён кўтаришга қарор қилдилар , (269) зероки, аксарият инсонлар ўша пайт безътибор бўлади.

( 269) Пайшанба куни, Абу Бакр новвой тиллаларни олиб, (270) ўзини Бухоро Арки ичига отди ва кечаси билан ўша ерда бўлди. Намоз вақти киргач, дарвоза олдида (271) пайдо бўлди. Дарвоза назоратчиси уни ўтказиб юбормади. Абу Бакр новвой ёлвора бошлади: «Мен ҳеч қачон хали намозни ўтказиб юбормаганман» (272) ҳамда назоратчига ҳам тиллалардан берди. Дарвоза назоратчиси тиллани кўриб мулойим бўлиб қолди ва дарвозани очди. (273) Тўсатдан кўзғолон кўтарган халқ кутилмаганда дарвозага

---

Аҳмад Самарқандда ўзига байъат қилишни талаб этди ва Самарқанд аҳолиси унга бўйсундилар. Унинг ўғли Абу Солих Мансур ибн Исҳоқ Нишопурда исён кўтариб, Хуросон шаҳарларидан баъзисини олди. Самарқандда Ишок ибн Аҳмад ҳукмдорлиги кучайди ва Амири саъид ўз сипоҳлари Ҳамавия ибн Алини унга қарши урушга буюрди. Исҳоқ мағлубиятга учраб, лашкари Самарқандга қайтиб кирди. Исҳоқ иккинчи марта урушга ростланди ва Самарқанд аҳолиси у билан бирга шаҳар ташқарисига чиқиб, Ҳамавияга қарши урушдилар ва мағлуб бўлдилар. Исҳоқ ибн Аҳмад учинчи марта урушга чиққан эди бу гал у асир тушди. Унинг ўғли Мансур ибн Исҳоқ Нишопурда эди у ўлди; бутун Хуросон ва Мовароуннахр фақат амири саъидга ўтди; Форс, Кирмон, Табаристон, Гургон ва Ироқда унинг номига хутба ўқидилар [Наршахий: 83; Frye 1954: 95].

<sup>43</sup> Муктадир биллаҳ – Жаъфар ибн Муътазид; 18-аббосий халифа (295-320/908-932). [Мунжид 1992: 541].

ёпирилдилар ва дарвоза назоратчисини ўлдирдилар. (274) Шаҳзодаларни асирликдан халос қилдилар. Бухородаги Амир Наср хазинасини талон-торож қилдилар. (275) Катта исён содир бўлди. Бу хабарни эшитгач, Амир Наср тезлик билан Бухорога келди (276) ҳамда исёнчиларнинг баъзиларини қатл этди. Исёнга бошчилик қилган Абу Бакр новвойни (277) новвойлик тандирида «пиширдилар». Исёнлар тинчиди<sup>44</sup>.

Амир Наср подшоҳлиги кунларида Мокон ибн Кокий дайлабийлардан қочиб, Хуросонга (282) юзланди ва Хуросонни эгаллашни истаб қолди. Амир Наср ўзининг бош қўмондони (283) Амир Алига кўп сонли лашкар бериб, у билан жанг қилишга жўнатди. Унга ундай – бундай ҳаракат қилишни маслаҳат берди. (284) Сухбат чоғи Амир Алининг юзи қонга тўлди, аммо то Амир Наср ўз сўзини яқунлағунга қадар тоқат қилди, сўнгра кетди. (285) Унинг қўйлагининг ичида бир чаён бор бўлиб, унинг (танасининг) 17 та жойидан чақиб олди. Бу воқеани Амир Насрга етказганларида, (286) Амир: «Нима учун наштарни суғуриб олмадинг?» деб сўради. (Амир Али) : «Агар кул подшоҳ ҳузурида чаённинг нишига тоқат қилолмаса (287) ва қандай қилиб сухбат чоғи подшоҳни ғийбат

<sup>44</sup> Ибн ал-Асир бу воқеаларни қуйидагича баён этади: “Шу йили (317/930) Аҳмад ибн Исмоил Сомонийнинг ўғиллари Абу Закарийё Яхё, Абу Солиҳ Мансур ва Абу Исҳоқ Иброҳимлар ўз акалари Саъид Наср ибн Аҳмадга қарши исён кўтардилар. Бунинг сабаби шу эдики, уларнинг акаси Наср уларни Бухоро кўҳандиздаги зиндонга ҳибс қилган эди ва уларга бир қўриқчи тайинлайди, аммо улар зиндондан қочишга эришадилар. Уларнинг озод бўлиш ходисаси қуйидагича эди. Бухорода Абу Бакр Исфохоний Хаббоз (новвой) номли киши бор эди. Саъид Насрнинг исми тилга олинганида, у: “Мен туфайли унинг кунлари оғир бўлади” деб одатда гапирар эди. Одамлар эса унинг (Абу Бакрнинг) устидан кулишар эди. Саъид Нишопурга отланиб, Бухорода Абулаббос Кавсажани ноиб қилиб қолдиради. Абу Бакр Хаббоз зиндондагиларга нон элтиб туришга буюрилди. Абу Бакр бир гуруҳ жангчилар билан уларни озод қилишга уруниб кўришга қарор қилди. Ҳибсдагилар ҳам бунга рози бўлдилар. У уларга уларни қандай қилиб озод қилишини хабар қилди. Саъид Бухородан чиқиб кетганида, бу одамлар жумъа куни кўҳандиз дарвозаси олдида йиғилишга келишиб олдилар; кўҳандиз дарвозалари эса фақат жумъа куни тушдан сўнг очилар эди. Йиғилишга келишиб олган кунлари жумъа кунидан бир кун аввал пайшанба куни Абу Бакр Хаббоз кўҳандизга кириб, тунни ўша ерда ўтказди. Жумъа куни эрта тонгда Хаббоз кўҳандиз дарвозаларига яқинлашди ва қўриқчига ўзининг тақводорлиги ва диндорлиги ҳақида бот-бот гапириб, намозни ўтказиб юбормаслик учун унинг дарвозани очиши учун унга беш динор беради. Қўриқчи дарвозани очди. Абу Бакр Хаббоз дарвозанинг нарғи томонида турган ҳибсдагиларни озод қилишга келишиб олган одамларига қараб кичкиради. Нарғилар унинг овозини эшитиб, кўҳандизга кирадилар ва қўриқчини ушлаб олдилар ҳамда зиндондан Аҳмад ибн Исмоилнинг ўғиллари Яхё, Мансур, ва Иброҳимларни ва улар билан бирга бўлган дайлабийлар, алавийлар ва айёрлар (шаҳар ўғрилари)ни ҳам озод қиладилар. Уларнинг барчалари ва Хаббоз келишиб олган жангчилар бир иттифокқа бирлашадилар. Ширвон Жилий ва бошқа қўмондонлар уларга раҳбарлик қиладилар. Сўнгра улар Саъид Наср ибн Аҳмаднинг хазинасини, қасрини талон-торож қиладилар. Ака-укаларнинг каттаси Яхё ибн Аҳмад Абу Бакр Хаббознинг хизматларини тақдирлаб, уни қўмондон мансабига кўтаради. Яхё Жайхун дарёсини қўриқлашни Абу Бакр Хаббозга топширади. Саъид уни асирга олади ва дарёдан ўтиб, Бухорога йўл олади. У Хаббозни оғир кийноқларга дучор қилади, сўнгра уни нон ёпиладиган тандирга улоқтиради ва у тандирда ёниб кетади [Ибн ал-Асир: 101-102]. Бартольд ушбу воқеаларни қуйидагича тасвирлайди: “930 йилда Наср Нишопурга сафарга чиққан вақтида янги исён бошланди. Бухоро Аркида амирнинг уч укалари Яхё, Иброҳим ва Мансурлар ҳибсда сақланар эдилар. Абу Бакр новвой орқали улар бухороликларнинг исёнкор тоифалари ва аскарлари билан тил бириктирдилар ва қалъадан озод бўлишиб, бухорони эгаллаб олдилар. Яхё амир деб эълон қилинади. Исёнчи кучлар асосан дайлабийлар, шиалар ва ўғри-қароқчилардан ташкил топган эди. Исёнда шиаларнинг ҳам иштирок этганлигини исён бошида Абу Бакр билан бирга Ҳусайннинг ўғли Марвазийнинг ҳам турганлигидан ҳам билишимиз мумкин. Вазир Балъамий Ҳусайннинг ўғли билан музокара олиб боради ва у Абу Бакрнинг аскарларига тутиб беради. Абу Бакр дарра билан уриб ўлдирилади; унинг халққа бўлган таъсири шунчалик кучли бўлганки, гўё унинг жасади кизиб турган тандирга ташланганидан сўнг, эртаси куни ҳеч бир зиёнсиз у ердан олинганлиги ҳақида афсоналар ҳам пайдо бўлган. Яхё билан бир неча жанглардан сўнг тартиб қайта ўрнатилади. Сағониён амири Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Музаффар, кейинчалик унинг ўғли Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад Хуросонга ноиб этиб тайинланадилар.

қилиш мумкин? Пўлат шамширнинг зарбига тоқат қилиш бундан кўра афзалроқдир» деб жавоб берди. (288) Амир Наср бу сўзлардан унга иззат – икром кўрсатди ва хайрлашди.

(289) Амир Али Мокон ибн Кокий томон юзланди ва улар ўртасида уруш олови аланга олди (290) ва йирик жанг содир бўлди. Амир Али ва унинг қўшини жасорат кўрсатиб, душман лашкарини ер тишлатдилар (291) ва (кўплаб) асир олдилар. Мокон ибн Кокийни жангда ўлдирдилар. Ғалаба ва шуҳрат шамоли уларнинг боши узра эсди.

(292) Амир Али ўз котибига Моконни озгина жумла ва маъно билан сифатлаб, (293) Амир Насрга ёзиб жўнатишни буюрди. Котиб унинг буйруғига кўра неки содир бўлган бўлса барини номма – ном ёзди. (294) Бу воқеа Уч юз ўн тўққизинчи йилда бўлди.

Уч юз ўттиз биринчи йил бошларида хушчақчақ Амир Наср сил касаллигига чалинди. (295) Ўша кунларда қасрда хосхона бино қилиб, (296) уни «ибодат уйи» деб атаган эди. Аксар вақтларини пок либос? кийиб у ерда Олам Подшоҳи ибодати учун қоим бўлар эди. (297) Мазкур йилнинг ражаб ойида Ғофур Подшоҳнинг раҳматига йўл олди. (298) Азиз инсоннинг умри ўттиз саккиз йил, ҳукмронлик даври ўттиз йил бўлди<sup>45</sup>. Унинг замонида илм ва тақво ривож топди. (299) Шоир Рудакий унинг қасиданависларидан бўлган. Унинг лақаби «Амир Саъид» эди. Унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Наршахий, Табарий, Самъоний, Балъамий, Ибн ал-Асир, Мирхонд ва Низом ул-мулк асарларини ўқиш орқали биз вақфномада келтирилган сомонийлар сулоласи тарихини янада аниқроқ тушуниш имкониятига эга бўламиз.

IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрда Сомонийлар давлати Марказий Осиё минтақаларининг катта қисмида ҳукмронлик қилдилар. 875 йилда аббосий халифа Муътамид Наср ибн Аҳмадни Мовароуннаҳр ҳокими қилиб тайинлагач, бу ўлкада иқтисодий ва маданий ривожланиш бир мунча авж олган эди. Исмоил ибн Аҳмад даврида (892-907) сомонийлар давлати марказлашган кучли давлатга айланиб, унда иқтисод, маданият яна ҳам тараққий этган. Исмоил Сомоний Бухоро шаҳрини пойтахтга айлантиради. У Мовароуннаҳр ҳокими бўлиб олгач, аввалги сомоний ҳукмдорлар каби Самарқандда эмас, Бухорода яшай бошлади. Аммо X асрнинг иккинчи ярмида ички зиддиятлар кўпайиб сомонийлар ҳукмронлигини кучсизлантирди [Шониёзов 1997: 39]. Нух ибн Наср ҳукмронлиги даври (943-954) да сулоланинг тушкунлик ва инқирозга юз тутишининг очиқ-ойдин белгилари намоён бўла бошлади. X аср охирига келиб Сомонийлар давлати бутунлай тушкунликка юз тутиб, шимоли-шарқдан босим уюштирган Қорахонийлар босқинига қаршилик кўрсата олмадилар [Кочнев 1997: 31]. Сомонийларга қарам бўлиб келган вилоятларда, хусусан Хуросонда кўтарилган исёнлар,

<sup>45</sup> Самъоний берган маълумотларга кўра, Наср 30 йил, 1 ой 4 кун ҳукмронлик қилган ва пайшанбага ўтар кечаси 331 йил ражаб ойи тугашига 3 кун қолганда вафот (943 йил 6 апрел) этган дейди [Камалиддинов 1993: 131]. Наршахий эса у 31 йил ҳукмронлик қилган деб ёзади [Наршахий: 84].

ворислар ўртасида тахт учун олиб борилган бетиним курашлар сомонийлар давлатининг заифланишига олиб келди. Бундан эса Қорахонийлар устунлик билан фойдаландилар. X аср охири – XI аср бошларида қорахонийлар Мовароуннахрни сомонийлардан тўлиқ тўртиб олдилар ва ўлкадаги бу сулола ҳукмронлигига барҳам бердилар.

X аср – Сомонийлар асри араб географик адабиётининг энг гуллаган даври ҳисобланади. Бу даврнинг энг сара асарлари голланд шарқшуноси Гуте томонидан *Bibliotheca geographorum arabicorum* (BGA) номли 8 жилдлик тўпلامга киритилди. Бу тўпلامда мусулмон дунёсининг барча вилоятларининг батафсил ёритилганлигини, шаҳарлар, дарёлар, сунъий суғориш иншоотлари, савдо-сотик, урф-одатлар, диний эътиқодлар ва ҳатто диалектик хусусиятлар ҳақида кўплаб маълумотларни топишимиз мумкин. Сомонийлар давридаги Туркистон ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимиз ундан аввалги ва кейинги даврлар билан қиёслаган ҳолда анча бойийди. Араб географларининг маълумотларига кўрагина Ўрта Осиё иқлимининг куриб бориши ҳақидаги баъзи назарияларни инкор қилиш имкониятига эга бўлдик. X асрдаги Туркистон ҳаёти борасидаги маълумотлар маданий ва чўл минтақаси вилоятларининг тақсимланиши худди ҳозиргидек бўлганлигини кўрсатмоқдаки, куриш жараёни, агар у содир бўлаётган бўлса ҳам, шунчалик секин содир бўлмоқдаки, минг йиллар давомида бу минтақага ҳеч қандай таъсирга эга эмас.

Ислом динининг илк асарлари Туркистон учун юқори ривожланиш даври ҳисобланади.

Араблар Форсда (Шероз, Кум) ва Кавказ бўйида (Гянжа) амалга оширганларидек Туркистонда янги шаҳарлар барпо қилмадилар. Мавжуд бўлган шаҳарларнинг майдони кенгайиб борди. Ўтган давр ёзма манбаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Марв, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларнинг майдони анча кенгайиб борган.

X асрнинг биринчи ярмида яшаган географларнинг тасаввурларига кўра, Ислом динининг ёйилиши чегаралари шимоли-шарқда сомонийлар давлати чегаралари билан мос туташ эди. Турклар Сирдарё атрофида яшайдиган ва Ислом динини қабул қилиб, сомонийларга тобелikka ўтган турклардан ташқари барча ерларда мусулмонларга қарама-қарши қўйилади. Шимоли-шарқда жойлашган Талос шаҳри чегара олди савдо-сотик пункти ҳисобланар эди. 893 йилда Талос дарёси бўйидаги жангда ғалабадан сўнг ўша ердаги черков масжидга айлантирилган эди. Бундан хулоса чиқаришимиз мумкинки, бу ерларда Ислом дини тарғиб-ташвиқотидан аввал христианлик дини кенг тарғиб қилинган. Ибн Ҳавқал сўзларига кўра, мусулмонлардан биронтаси Талосдан уёғига ўта олмаган, боиси бу шаҳардан сўнг туркий қарлуқ қабилалари ерлари бошланар эди. X асрнинг иккинчи ярмида яшаган географ Мақдисийнинг сўзларига кўра эса ўша пайтлардаёқ Талосдан шарқда жойлашган ҳудудларда масжидлар бўлган. Марки шаҳрида аввалроқ

Талосда бўлгани каби черков масжидга айлантирилган. Ўша аҳоли манзили яқинида, шунингдек, бир сомоний амалдори тарафидан работ қурилган. Тарихчилар 960 йилда туркий халқларнинг оммавий бўлиб, (200 минг чодир) исломга ўтганлигини ва бунда ҳеч қандай диний урушлар бўлмаганлигини ёзадилар.

Вақфномада келтирилган сомонийлар давлати тарихи, асосан, ушбу сулола ҳукмдорлари даврида рўй берган асосий воқеа-ҳодисаларни камраб олади, ва албатта, уларни ўрганиш чоғида юқорида зикр қилинган муаллифлар асарларини ҳам ўқиш талаб этилади.

Умуман олганда, Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Марказий Осиё минтақалари юқори иқтисодий ва маданий тараққиётга эришган ҳудуд эди. Шу даврларда аҳоли сони кўпайиб, янги қурилишлар ҳисобига шаҳарлар кенгайиб, ҳашаматли иморатлар қад кўтариб, салобатли масканларга айланган эди.

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёда илм-фан ниҳоятда тараққий этиб, бутун дунёга машҳур олимлар етишиб чиқдилар. Ўрта Осиё янги бир ривожланиш даври босқичига қадам қўйди. Сомонийлар ҳукмронлиги даври Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим бир даври ҳисобланади. Сомонийлар сулоласи Марказий Осиё халқларининг миллий давлатчилиги шаклланишига муҳим ҳисса қўшдилар.

### **III Боб. Исмоил Сомоний вақфномасидаги географик маълумотлар.**

#### **III. 1. Исмоил Сомоний вақф ерлари.**

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган 527 “а” рақамли ҳужжатнинг асосий қисми сомонийлар тарихидан иборат бўлсада, 24-қатордан 50-қаторгача бўлган қисмида Исмоил Сомоний вақф ерлари ва унинг вақфномаси ҳақида тўхталиб ўтилган:

Онҳазратларининг (24) вақф мулклари кўп бўлиб, шулардан баъзилари онҳазратнинг (25) абадий тарзда авлод таркатадиган ва кўпаядиган<sup>46</sup> авлодлари ва авлодларининг авлодлари ва авлодларининг авлодларининг авлодлари ва охир-оқибат камбағал мусулмонлар учун вақф мулки ҳисобланар ва бошқаларнинг (26) у вақф мулкларидан бирор нарса олишлари қонун билан таъқиқланган эди. Агар бирор кимса зўравонлик ва босқинчилик билан<sup>47</sup>(27)(онҳазратнинг) ўз авлодлари ва ўз авлодларининг авлодлари ва ўз авлодларининг авлодларининг авлодларининг авлодларининг(28) авлодлари учун вақф мулкига айлантирган ерлардан бирор нарса олса, ноқонуний ва мутлоқ ҳаром ҳисобланган. (29) Вақф таъсисчисининг шартисиз вақф мулкларидан олинадиган ҳар бир нарса ҳаромдир. (30) Вақфи авлод ҳисобланадиган ерлардан бошқа одамларнинг бирор нарса олиши қонунан жиноят ҳисобланади.

Дастлабки қишлоқ Наҳри Навканд бўлиб, (31) улуғ Бухорога туташ жойлашган, юқорида зикр қилинган шаҳарнинг ғарбий тарафида бўлиб, Тўрт гумбазлар (кўчаси) (32) ана шу 700 танобга эга қишлоқдадир<sup>48</sup>. Яна бир қишлоқ Паркат<sup>49</sup> бўлиб, (33) машҳур ва маълумдир. Яна бир қишлоқ Хожа Ўбон<sup>50</sup> ва Мазраи Алишоҳ<sup>51</sup> қишлоғи, (34) яна бир бошқа қишлоқ Арбоби Ката ва яна бир қишлоқ Талли<sup>52</sup> Гармоба<sup>53</sup>дир. Аммо ерлар

<sup>46</sup> Ҳужжатнинг ушбу қисмидаги қоғозлар бир – бирига қўпол тарзда ёпиштирилгани сўзларни ўқишда қийинчилик туғдиргани боис, сўзларни палеографик белгиларига кўра ва 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжатда учраган ана шундай сўзлар (39-қатор) билан қиёсланган ҳолда қайта тиклашга ҳаракат қилдим.

<sup>47</sup> Ҳужжатнинг ушбу қисмида ҳам қоғозлар бир – бирига қўпол тарзда ёпиштирилгани сўзларни ўқишда қийинчилик туғдиргани боис сўзларни палеографик белгиларига кўра ва 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжатда учраган ана шундай сўзлар (42-қатор) билан қиёсланган ҳолда қайта тиклашга ҳаракат қилдим.

<sup>48</sup> Наршахий Амир Аҳмад ибн Исмоил Навканд қабристонга дафн этилганини ёзади [Наршахий: 83]. 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжатда ҳам унинг қабри Тўрт гумбазлар кўчасида эканлиги таъкидланган. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сомонийлар макбараси Наҳри Навканд қишлоғида жойлашган бўлган.

<sup>49</sup> Паркат – Бухоро шаҳридан тахминан 27 – 30 км. узоқликда, Газли газ конига олиб борадиган йўлда жойлашган қадимий қалъасига эга йирик аҳоли манзилгоҳи [ Бухарский вақф XIII в: 85 ]. Араб алифбосида ( п ) ҳарфи бўлмагани боис, X – XII аср манбаларида бу жой Баркад кўринишида учрайди [Бухарский вақф XIII в.: 26]. Наршахий Паркат ( Баркат ) ни катта қуҳандизга эга қадимий ва катта бир қишлоқ деб тасвирлайди ва шундай ёзади : “ Баркади Алавиён – Али авлодининг Баркади “ деб атайдилар. Бунга сабаб шуки, амир Исмоил бу қишлоқни сотиб олган ва олти бўлакка ажратиб, бундан икки бўлагини Али ва Жаъфар авлодига, икки бўлагини дарвешларга ва икки бўлагига ўз меросхўрларига вақф қилган” [Наршахий.:23].

<sup>50</sup> 1896 йилги харитада Хўжа Ўбон қишлоғи Бухоро шаҳридан шимолроқда кўрсатилган [Бухарский вақф XIII в.: 27].

<sup>51</sup> Мазраи Алишоҳ – М. Усанова бу қишлоқ номини ” Мазра`и Алиён “ деб нотўғри ўқиган [Усанова 1995: 26].

<sup>52</sup> Талл – тепалик яъни илгари қалъа бўлган, бироқ кейинчалик бузилиб, сунъий тепаликка айланган жой [Чехович 1965: 218].

<sup>53</sup> Талли Гармоба - 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжатда бу қишлоқ Талли Гармоба эмас, Гармоба кўринишида келган [ 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжат, 11 – қатор].

авлодлар ўртасида умумий (муштарак) эди. (35) Шунингдек Ҳазарбоғ, Собук ва Босондик ерлари. Жўйи Мўлиён<sup>54</sup> ва Бухоро Регистони<sup>55</sup>ни (36) ҳазрат подшоҳ Исмоил Сомоний Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толут<sup>56</sup> дан (37) уч минг тилла эвазига сотиб олиб, уларни ҳам ўз авлодлари, мавло<sup>57</sup> лари ва камбағаллар (38) учун умумий (муштарак) вақфга айлантирди.

Фуқаҳо ва уламолар учун махсус аталган ерлар бу - Варахша<sup>58</sup> ери бўлиб, (39) қадимда ўн икки суғорма ариқлар билан суғориладиган ерларга эга бўлган<sup>59</sup>, булардан учтаси уламо ва фуқаҳолар фойдасига вақф қилинган ерларни ташкил қилган. (40) бошқа учтаси ҳам вақф бўлиб, бу вақф ерлари ҳосилидан келадиган фойда “келувчилар” ва “кетувчилар”<sup>60</sup> учун бўлган. (41) Шу вақф ерларининг ҳар бири учун тасарруф этиш юзасидан алоҳида вақфнома мавжуд.

42- қатордан 48-қаторга қадар Исмоил Сомонийни улуғлаган мақтов сўзлар ва унинг Амр Лайс устидан қозонган ғалабаси сабаблари баён этилган гаплар ўрин олган.

(48) Онҳазрат яна буюрдики, ҳар бир ҳоким (49) вақфларни тўғри тасарруф қилсин ёки унга тегмасин ва уларнинг вақфномасини қонунга мувофиқ (Исмоил Сомоний) авлодларига топширсин. (50) Уларни рози қилганнинг жойи жаннатда ободдир.

Шундан сўнг фақат 222-қаторга келибгина Исмоил Сомонийнинг яна бир вақф ери баён этилган. Ушбу 527 “а” рақамли ҳужжатнинг бошқа ҳеч бир ерида Исмоил Сомоний вақфлари ҳақида сўз юритилмаган:

(222) Яна у (Амир Аҳмад ибн Исмоил Сомоний) фармон берган эдики, Бухоро яқинидаги Жўйи Мўлиён ерида (223) Катта Чорбоғ қишлоғи мавжуд. (Бу Чорбоғ) подшоҳ Исмоил Сомонийнинг эски хариди бўлиб, (224) Ҳасан Толутдан уч минг динорга сотиб олган ва мавлоларга вақф қилиб берган эди. (225) Чорбоғнинг деворларини баланд қилди ва йирик чорва молларини боғнинг бошига жойлаштирди. (226) Лочинларни Чорбоғнинг ичкарасига қўйиб юбордилар .

<sup>54</sup> Жўйи Мўлиён – Наршахий ўзининг асарида Жўйи Мўлиён ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Жўйи Мўлиён ерлари қадим вақтларда Тағшоданинг мулки бўлиб, у ўз фарзанд ва куёвларининг ҳар бирига бўлиб тақсим қилиб берган эди. Марҳум амир Исмоил Сомоний бу ерларни халифа ал – Мустаъин ибн ал – Муътасимнинг лашкарбошиси бўлган Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толутдан сотиб олди. Амир Исмоил Жўйи мулиёнда саройлар ва боғлар барпо қилиб унинг кўпроқ қисмини маволийларга вақф қилди. У ҳозиргача ҳам вақф. Амир Исмоил доим ўз маволийларига ғамхўрлик кўргизар эди.... Худойи таоло насиб этиб Амир Исмоил у ерларнинг ҳаммасини сотиб олиб, маволийларга берди ва ниҳоят, у ерлар Жўйи Маволиён деб аталди, кўпчилик халқ эса уни Жўйи Мулиён дейдилар” [Наршахий: 32].

<sup>55</sup> Регистон – “қумлоқ”, “қумли чўл”, “қум ётқизилган майдон” маъноларини англатади [Қораев 2005:60].

<sup>56</sup> Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толут – халифа Мустаъин лашкарбошиси.

<sup>57</sup> Мавло – озод қилинган кул. О. Д. Чехович бу сўзни “мулла” деб нотўғри таржима қилган [Чехович 1951: 267].

<sup>58</sup> Варахша – Бухородан 30 км. ча шимоли – ғарбдаги қадимий шаҳар харобалари. Варахша Бухородан ҳам қадимий шаҳар бўлган. Х асргача Бухоро ҳокимлари – бухор худотлар қароргоҳи Варахшада бўлган. Варахша шаҳри Варахша ариғи бўйида эди. Шаҳар номи Афрахша, Барахша, Фарахша шаклларида ҳам учрайди. [Қораев 2005 - 57].

<sup>59</sup> Наршахий ҳам Варахшанинг ўн иккита ариғи борлигини ёзади. [Наршахий: 24].

<sup>60</sup> “Келувчилар” ва “кетувчилар” деганда бу ерда эҳтимол, мусофирлар ва саёҳатчилар тушунилган [Чехович 1951: 267].

рақамлари остида сақланаётган “ Подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вақфномаси ” ва Маданий Мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бошқармасида 3499 – 3510 рақамлари остида<sup>61</sup> сақланаётган Исмоил Сомоний вақфномаси фотонусхалари бир хил мазмунга эга бўлиб, бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга. Куйида шу иккала ҳужжатни умумийлаштирган ҳолда Исмоил Сомоний вақф ерларини баён қилишга ҳаракат қиламиз. Фотонусха кўринишидаги ҳужжатнинг бош қисмида асл ҳужжатнинг яроқсиз ҳолга келгани боис вақфномани қайта тиклаш тўғрисидаги баённома жой олган [Чехович 1950: 260]. Бу баённома ҳеч қандай сарлавҳасиз бошланган. 10 та сатрдан иборат бўлган бу баённома 758/6, 758/ 7 рақамли вақфномада учрамайди:

676 йил муқаддас муҳаррам ойининг тўртинчи куни жума куни<sup>62</sup> санасида пойтахт улуғ Бухоро шаҳри – офат балолардан омонда бўлсин! – Қозилик маҳкамасига Мир Сақнахий номи билан танилган фазилатлар паноҳи, саййидлик мартабаси дастгоҳи Амир саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн ҳозир бўлди ва ҳазрат орифлар султони ва комиллар бурҳони бўлмиш ҳазрат подшоҳ Исмоил Сомонийнинг вақф мулклари борасидаги вақфнома рўйхатини кўрсатдики, унинг қоғози вақт ўтиши билан яроқсиз ҳолга келди ҳамда уша вақфномани қайта тиклашни илтимос қилди. Бу юқорида зикр қилинган саййидлик паноҳи юқорида зикр қилинган олийжаноб ҳазрат подшоҳнинг вақф мулклари мутавааллийси эди. Вақф таъсисчисининг шарти асосида қонунга мувофиқ тарзда бу лавозим отасидан унга ўтган ва ўзига берилган бошқариш ҳукуки орқали юқорида зикр қилинган вақф мулклари бошқарувчиси эди. Шундан сўнг юқорида зикр қилинган вақф мулклари вақфномаси (бирор нарса) қўшилмаган ва камайтирилмаган ҳолда қайта тикланди.

Юқорида зикр қилинган саййидлик паноҳининг насаби юқорида зикр қилинган ҳазрат подшоҳга юқорида зикр қилинган вақф таъсисчисининг энг яқин авлодларининг авлодларининг авлодларидан бири сифатида бориб тақалиши қонуний йўл юилан қонуний жараён вақтида исботланди ва мана у. Юқорида номи тилга олинганнинг қўлида унинг юқорида зикр қилинган вақф таъсисчисининг энг яқин эркак авлодларининг авлодларининг авлодларининг авлодларидан бири эканлиги ҳақидаги Қози Нуриддиннинг муҳри босилган гувоҳнома мавжуддир.

Муҳр: “Султон Амир Ҳайдар”.

Баённома битилган ушбу қоғоз бўлаги остидан яна бир қоғоз ёпиштирилган ва унинг дастлабки қаторлари Аллоҳни улуғловчи сўзлар, Қуръони Каримдан келтирилган баъзи

<sup>61</sup> Бу рақамлар остида сақланаётган фотонусха кўринишидаги ҳужжатлар орасида Исмоил Сомоний вақфномаси асосида тузилган 1914 йилги деҳқон мажбуриятлари битилган ҳужжатлар ҳам бор [Чехович 1950: 259].

<sup>62</sup> 676 йил муҳаррам ойининг 4 – куни жума кунига эмас, балки душанба кунига тўғри келади [Чехович 1950: 265; Вохидов, Қодиров 2010: 26].



оятлар, пайғамбарларга ва Муҳаммад пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васалламга саловатлардан иборат. Шундан сўнг Исмоил Сомонийнинг ўз авлодлари фойдасига вақф мулклари таъсис этиши сабаблари баён қилинган. Кейин эса вақф қишлоқлари, уларнинг чегаралари, жойлашган ўрни бирма бир санаб ўтилади. Хужжатнинг икки ён четида Амир Ҳайдар мухрлари босилган. 758/ 6 ва 758/ 7 рақамли хужжат Исмоил Сомонийнинг ўз авлодлари учун вақф қилиш билан бошланган. Хужжат қоғоз бўлақларининг бир – бирига ёпиштирилган жойларининг ҳар икки тамонига Амир Шохмурод мухрлари босилган:

Аммо баъд, хайр – саҳоват ишларини қилувчилар, хонадонларда яшовчилар учун сир бўлмасинки, пайғамбар – ул зотга энг афзал саловат ва энг мукаммал саломлар бўлсин! – ҳадисларига кўра, фарзандларимиз – бизнинг жигарларимиздир. Ҳар бир инсоннинг қалбига шу нарса ўрнашсинки, унинг ( Исмоил Сомонийнинг ) авлодларива зурриётлари кейинчалик машаққат кўрмасинлар. Шу боис, халифалик мартабаси ва обрў – иззат эгаси, хос ва авом ўртасида Аллоҳнинг сояси, султонларнинг аълоси, хоқонларнинг комили подшоҳ Исмоил Сомоний ҳазрати олийлари ибн еттинчи осмонга қадар юксалувчи, араб ва ажамлар подшоси, подшоҳликнинг қонуний соҳиби Амир Аҳмад Сомоний ибн олий мартаба эгаси, жамшид дастгоҳ, марҳум олийжаноб Амир Асад Сомоний синчков кўзи ва аниқ назари ила кузатиб, буюрдики. бу дунёда давлат ва омад юксакликдан заволга юз тутгувчидир. Бинобарин, олий ҳиммат қандай ҳам ҳимматдир. Бошқаларининг ҳаққи ва тўсқинлик қиладиган ҳолатлардан озод бўлган ўзининг холис мулкларидан баъзисини фойдаланишлари учун ўзининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодларинг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодларининг авлодлари учун ҳақиқий бўлган вақфга айлантирди.

Шулардан бири улуғ Бухоро вилоятининг Сомжан<sup>63</sup> туманида жойлашган машҳур қишлоқлардан бири бўлмиш Паркат қишлоғи бўлиб, тўрт томондан чегараланган: ғарбдан қумли дўнгликларга ва Талли Паркат (Паркат тепалиги) деб аталадиган бир тепаликка бориб туташади; шимолдан Хожа Ўбон қишлоғи ерига бориб туташади; шарқдан Ўбай<sup>64</sup> Тожиддин қишлоғи ерларига бориб туташади; жанубдан Бихан<sup>65</sup> (

<sup>63</sup> Сомжан – Бухоро шаҳридан ғарбда жойлашган ҳозирги Ромитан тумани ўрнида бўлган [Чехович : 1950: 261]. Сомжан аслида ҳозирги Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги 20 – 25 км. ерни суғарадиган Вобкентдарёдан чиқарилган канал [Бухарский вақф XIII в.: 84 ]. Наршахий ўз асарида Сомжанни катта дарё деб уни Шарғ қишлоғи ва Исканжар орасидан ўтганлигини, ҳозирда одамлар уни Шарғ дарёси ва бошқалар Ҳаромком дейишларини ёзади.[Наршахий: 22]. Сомжан сўзидаги “жан” (“жон”) қўшимчалари “канал”, “сув омбори”, “сув ҳавзаси” маъноларини англатувчи атама ҳисобланади. Зарафшон водийсида яна Рўйжан ва Буржан каби топонимлар ҳам маълум . [Қораев 2005 - 57]. Сомжан туманининг Ромитанда жойлашган бўлганлигини проф. А. А. Семенов ҳам ёзган эди.

<sup>64</sup> Ўбай – Бухоро вилоятидаги бир неча қишлоқларнинг номи бўлиб, бу сўзнинг маъноси Бухоро воҳасида “овул”, “қишлоқ”, деган маънони англатади. [Қораев 2005 - 60].

<sup>65</sup> Бихан Чеховичнинг ўқиши [Чехович : 1950: 261].

Бичанд<sup>66</sup>) қишлоғи ерига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир.

Шулардан яна бири улуғ Бухоро вилоятининг Сомжан туманидаги машхур қишлоқлардан бири Гармоба қишлоғи бўлиб, тўрт томондан чегараланган: ғарбдан то Хоразм чегарларига қадар чўзиладиган эгасиз ўлик ерга бориб туташади; шимолдан Қоқиштувон ерига бориб туташади; шарқдан юқорида зикр қилинган Паркат қишлоғига бориб туташади; жанубдан маълум бўлмиш Мазраи Хожа Диза қишлоғи ерига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари маълум.

Шулардан яна бири улуғ Бухоро вилоятининг Сомжан туманидаги Хожа Ўбон қишлоғи бўлиб, тўрт томондан чегараланган: ғарбдан эгасиз ўлик ерга бориб туташади; шимолдан умумий ариқ атрофидаги унга тегишли бўлган ерга<sup>67</sup> бориб туташади; шарқдан маълум бўлмиш Ўбаи Тожиддин ерига бориб туташади; жанубдан бир қисми юқорида зикр қилинган Ўба ерига ва бир қисми Паркат қишлоғига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир.

Шулардан яна бири Наҳри Навканда қишлоғи бўлиб, улуғ Бухоро шаҳрига туташ тарзда юқорида зикр қилинган шаҳарнинг ғарбий тарафида жойлашган. Ғарбдан Жўйи Бут (бут ариғи) ерига бориб туташади; шимолдан умумий ариқ атрофидаги унга тегишли бўлган ерига бориб туташади; шарқдан умумий йўлга бириб туташади; жанубдан бир қисми Салор Ҳаж деб аталадиган мусулмонлар қабристони ва бир қисми Қорақўл ерига олиб борадиган умумий йўлга бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир. Бу қишлоқ Бухоронинг Пойи Руд<sup>68</sup> туманидаги қишлоқдир.

Шулардан яна бири Хутфар<sup>69</sup> туманидаги Мазраи Алишоҳ ери қишлоғи бўлиб, тўрт томондан чегараланган: шарқдан Кўшки<sup>70</sup> Расул умумий ариғи атрофидаги унга тегишли бўлган ерга ва бошқа жойларга бориб туташади; ғарбдан бир қисми Пеш – Кўх<sup>71</sup> ерига ва бир қисми Хубби Калкон деб ҳам аталадиган Роҳ – Роҳи ерига бориб туташади; шимолдан бир қисми юқорида зикр қилинган Роҳ – Роҳи мавзеи ерига бориб туташади; жанубдан бир қисми умумий ариқ атрофидаги унга тегишли бўлган ерга ва бир қисми

<sup>66</sup> Бихан - 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжатда, бу сўз бизга шундай ўқиш имкониятини беради (10 – қатор). Бу сўз Пинжан шаклида ҳам ўкилиши мумкин [Бухорский вакф XIII в.: 26 ].

<sup>67</sup> О. Д. Чехович бу сўз бирикмасини “умумий ариқнинг таъқиқланган чизиғи” деб таржима қилган [Чехович 1950: 261-262].

<sup>68</sup> Пойи Руд – Бухоро вилоятининг жанубий қисмидаги туман [Чехович 1950: 261]. Маҳмуд ибн Вали унинг номи аслида Руди шаҳар бўлиб у Бухоро вилоятидаги тўртинчи туман дейди [Маҳмуд ибн Вали:22]

<sup>69</sup> Хутфар – Бухородан 40 км. шимолда жойлашган ҳозирги Зандони тумани. [Чехович 1950: 261]. Маҳмуд ибн Валий уни Худфар деб атайдиган ва у Бухоро вилоятининг 9 – тумани деб ёзади [Маҳмуд ибн Вали:23]. Хутфар аслида Гау Хитфар номли қадимий каналнинг ўзгарган шакли бўлиб, ҳозирги кунда Вобкентдарё деб аталади [Чехович 1965: 224].

<sup>70</sup> Кўшк – бу сўз “Гўшак” ёки “Гушак” деб ҳам ўкилиши мумкин [Бухарский вакф XIII: 29].

<sup>71</sup> Пеш – Кўх (ёки “Пешку”) – қишлоқ, Пешку тумани. Пеш – “олд”, “олд томон”, кўй – “гузар” “кўча” ёки кўх – “тоғ” [Қораев 2005: 60].

умумий йўлга ва ғарбий тарафининг бир қисми ариқ атрофида муайян афдоқ<sup>72</sup>қа ва бир қисми ариқ атрофидаги унга тегишли бўлган ерига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир.

Шулардан яна бири Хутфар туманидаги Арбоби Ката ери бўлиб, тўрт томондан чегараланган: ғарбдан Ката мавзеи ерига бориб туташади; шарқдан Чигний ( Чикти ) мавзеи ерига бориб туташади; шимолдан Тарно ерига бориб туташади; жанубдан Асбоби<sup>73</sup> Айниддин мавзеи ерига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир.

Бутунлай ва тўлалигича бир қисм кенг ер улуг Бухоро шаҳрининг ғарбий тарафида, юқорида зикр қилинган шаҳарнинг Руд туманида жойлашган бўлиб, тўрт томондан чегараланган: шарқдан бир қисми умумий йўлга ва бир қисми Регистон ва Коҳ – Фурушон деб аталадиган қамишзор ерга бориб туташади; жанубдан юқорида зикр қилинган шаҳарнинг умумий ариғи атрофидаги унга тегишли бўлган ерга бориб туташади; шимолдан бир қисми муайян кўлларга ва бир қисми Хожа Каъбон деб ҳам аталадиган баландликлардан иборат мусулмонлар қабристонига бориб туташади; ғарбдан бир қисми Талчан Ёҳ ерига ва бир қисми муайян кўлларга бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир.

Шулардан яна бири Хутфар туманидаги Асбоби Айниддин қишлоғи бўлиб, тўрт томондан чегараланган; ғарбдан бир қисми шўрча ерига бориб туташади; шарқдан умумий ариқ атрофидаги унга тегишли бўлган ерга бориб туташади; шимолдан Арбоби Ката ерига бориб туташади. Тўғри. Жанубдан шўрча ерига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва ариқлари аниқдир.

Муҳрлар: 1) “Султон Амир Ҳайдар”, 2) “Қози Мирза Муҳаммад Фозил ибн Мирза Муҳаммад Амин”.

Шундан сўнг ҳар иккала ҳужжатда Сомонийлар мақбарасининг жойлашган ўрни, унинг чегаралари баён этилади:

Бухоронинг қадимги қалъаси ташқарисида, Тўрт гумбазлар кўчасида, юқорида зикр қилинган шаҳарнинг ғарбий тарафида<sup>74</sup> жойлашган олий мартаба соҳиби, марҳум, олийжаноб ҳазрат Амир Аҳмад Сомоний ҳазрати олийларининг файзли мазорининг тўртта чегараси зикри. Шарқдан бир қисми юқорида зикр қилинган мазор яқинидаги умумий йўлга ва бир қисми баландликдан иборат мусулмонлар қабристонига бориб туташади. Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир.

Муҳр: “Султон Амир Ҳайдар”

<sup>72</sup> Афдоқ – қадимий Бухорога оид атама бўлиб, суғориш каналларидан бир тури ҳисобланади [Чехович 1965: 219]. Афдоқ – кичик ариқ (канал) ҳисобланади. Олот туманида Бадок ариғи топонимикаси мавжуд.

Бадок – катароқ ариқнинг тармоғи [Қораев 2005 - 56].

<sup>73</sup> Асбоб – “ер мулки” [Чехович 1965: 220].

<sup>74</sup> Аввал айтиб ўтилганидек, бу мазор Наҳри Навканд қишлоғида жойлашган бўлган.

Шундан сўнг қоғозда озгина бўш жой қолдирилган ва ундан кейин эса Қози Мирза Муҳаммад Аминнинг муҳри билан сарлавҳа билан янги мазмундаги вақф хужжати келтирилган. 758/6 ва 758/7 рақамли вақфномада эса бу қисмида ҳеч қандай муҳрлар қўйилмаган бўлиб, аввал айтиб ўтилганидек, Амир Шохмурод исми туширилган муҳрлар фақатгина вақфноманинг қоғозлар қоғозлар бир – бирига ёпиштирилган жойларига қўйилган. Янги мазмундаги вақф хужжати эса ҳеч қандай сарлавҳасиз янги қатордан бошлаб кетилган:

У барчасидан воқифдир!

254 йил шаввол ойининг тўққизинчи куни <sup>75</sup> санасида еттинчи осмонга қадар юксалувчи, замонасининг Дороси, даврлар шаҳаншоҳи, подшоҳларга тож бахш қилгувчи, олий қудратли хоқонларни бахтга етакловчи ориф ва одил подшоҳ ҳазрат подшоҳ Исмоил Сомоний ҳазрати олийлари ибн Амир Асад Сомоний қонуний истисно ҳолатлардан ташқари мусулмонлар қабристони, масжидлари умумий йўллар, ҳовузлар ва у ерлардаги дарахтлардан иборат аввал бошда зикр қилинган чегараланган бу қишлоқларни бутунлай ва тўлалигича айнаи дамда бошқаларнинг ҳаққи ва тўсқинлик қиладиган ҳолатлардан озод бўлган бу юқорида зикр қилинган чегараланган ( қишлоқлар )ни наслдан наслга ва асрдан асрга абадий тарзда авлод таркатадиган ва кўпаядиган ўзининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодлари ва охир – оқибат камбағал мусулмонлар учун ҳақиқий, зарурий ва қонуний вақф мулкига айлантирди. Шундай қилиб, аввал бошда зикр қилинган чегараланган бу қишлоқлар ҳосилидан келадиган даромадни ҳазрати олийларининг авлодлари Аллоҳ таолонинг бўйруқлари асосида ўзаро бир – бирлари ўртасида бўлиб олгайлар. Бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур.

Юқорида зикр қилинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлари биронта бегона одам аввал бошда тилга олинган бу вақф мулкларидан ҳеч нарса олмасликни шарт қилиб қўйди. Агар бирор бир бегона одам зўравонлик ва босқинчилик билан бу вақф ерларидан бир мис танга олса, абадий лаънатга гирифтор бўлгай!<sup>76</sup>

Юқорида зикр қилинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлари яна шуни шарт қилиб қўйдики, аввал бошда тилга олинган юқорида зикр қилинган чегараланган (қишлоқлар) мутаваллийси ва аввал бошда тилга олинган юқорида зикр қилинган мазорнинг шайхи сифатида онҳазрат авлодларининг ичидан илмлироғи тайинлангай ва бошқариш ҳақи сифатида бу вақф ерларининг жами ҳосилидан келадиган даромаднинг ўндан бир қисмини ва шайхлик вазифаси учун эса жами вақф ерлари ҳосилидан келадиган даромаднинг олтидан бир қисмини олгай. Сўнгра ворислар ўртасида бўлишни амалга оширади ва ўзи ҳам бошқа меросхўрлар сингари ўз ҳиссасини олгай. Агар барча авлодлар

<sup>75</sup> 868 йил 1 октябрга тўғри келади [Чехович : 1965: 262; Воҳидов, Қодиров 2010: 19 – 42].

<sup>76</sup> 758/ 6 - 758/ 7 рақамли хужжатда эса “жиноятчи бўлган” деб (Осим бошад) ёзилган.

илмда баробар бўлсалар, у ҳолда авлодлар ичидаги тақводорроғи мутавалли ва шайх бўлгай. Агар бу борада ҳам тенг бўлсалар, у ҳолда авлодлар ичидаги энг аъло даражадагиси мутаваллий ва шайх бўлгай. Агар бу борада ҳам баробар бўлсалар, у ҳолда куръа ташласинлар, куръа кимнинг номига тушса, ўша одам мутавалли ва мозор шайхи бўлгай.

Юқорида зикр қилинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлари шуни шарт қилиб қўйдики, вазири аъзамлар бу вақф мулкларидан ҳеч нарса олмасинлар. Агар зулм билан олсалар, у ҳолда Ҳақ таолонинг ғазаби билан азоблангайлар!<sup>77</sup>

Юқорида зикр қилинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлар шуни шарт қилиб қўйдики, вақфни алмаштиришда ҳар қанча манфаат бўлишига қарамай, бу вақф мулкларини алмаштирмагайлар.

Юқорида зикр қилинган шаҳар қозиси шариатпаноҳ Қози Шараф ибн Қози Жамолиддин жаноби олийлари мужтаҳид олимлар қарама – қаршилиги ўринларидан бохабар бўлган ҳолда, қонуний жараён вақтида бу вақфнинг ҳақиқийлиги ва зарурийлиги борасида ҳақиқий, қонуний, амалда қўлга кирган, абадий ва мангу вақф деб ҳукм чиқардики, то Аллоҳ Ер ва унинг устидаги нарсаларга ворис бўлгунга қадар ва У ворисларнинг энг яхшисидир! “ Ким уни эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг бўйнида “.<sup>78</sup>

Бу одиллар ва ишончли одамлар ҳозирлигида бўлди.

Муҳрлар:1) “ Султон Амир Ҳайдар “. 2) “ Фақир қул, тақводорлар дўсти, кози ул – куззо, Қози Мирза Муҳаммад Фозил ибн Мирза Муҳаммад Амин “. 758/ 6 ва 758/ 7 рақамли вақфноманинг эса бу қисмида ҳам, юқорида айтиб ўтилгани сингари, ҳеч қандай қозининг муҳри қўйилмаган.

Шундан сўнг ҳар иккала вақфномада ҳам баҳсли ерларнинг вақф мулки эканлиги борасида ҳукм чиқарган қозининг қарори ўрин олган қонуний иш жараёни тасвирланган:

Айни вақтда олий мартаба соҳиби, олий жаноб Амир Наср ибн Амир Аҳмад ҳазрати олийлари доруссалтана бўлмиш улуғ Бухоро шаҳридаги Олий Қозилик маҳкамасига ташриф буюрди ва ўзи билан султонлар ишончли вакили Мир Забон ибн Абулмансурни олиб келди. Аввал бошда зикр қилинган шартлари ила аввал бошда зикр қилинган бу вақф мулклари баён қилинганидан сўнг юқорида зикр қилинган ушбу ташриф буюрувчи юқорида зикр қилинган шаҳарда юқорида зикр қилинган ўзи билан олиб келганнинг устидан юқорида зикр қилинган кози олдида ушбу жавобгар мавжудлигида даъво қилди ва ўз даъвосида шундай деди: “ Юқорида номи тилга олинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлари – ул зотнинг одиллиги бардавом бўлсин! – юқорида зикр

<sup>77</sup> 758/ 6 - 758/ 7 рақамли ҳужжатда бу ерда ҳам “жиноятчи бўлгайлар” (Осим башад) деб ёзилган.

<sup>78</sup> Бақара сураси 181-оят.

қилинган ушбу чегараланган мулкларни у ерлар ул ҳазрати олийларининг ҳаққи ва мулки бўлиб турган вақтда уларга тегишли ва боғлиқ бўлган барча нарсалар билан бирга ҳаққоний шартлар асосида юқорида зикр қилинган харажатлар учун ҳақиқий, зарурий, қонуний вақфга айлантирди ва бу вақф мулкларини бошқаришни ва аввал бошда зикр қилинган мазордаги шайхлик вазифасини вақфномада кўрсатилганидек менга топширган эди. Сизнинг ушбу шаҳарда ҳукум юргизувчи бўлмиш қозининг бу вақфнинг ҳақиқийлиги ва зарурийлиги борасида қарорингиз илова қилинди. Айни дамда ушбу ҳозир бўлгувчи бу чегараланган вақф мулкларини ҳақсиз равишда ва зўравонлик билан тасарруф этмоқда ва асоссиз равишда унинг қўлидадир. Сиз – ҳазрат қози ул – Ислон, олийжаноб қонун ҳакамидан мен вақф манфаати йўлида фойдаланишим учун ушбу ҳозир бўлгувчи аввал бошда зикр қилинган бу чегараланган вақф мулкларини менга қайтариши тўғрисида ҳукум чиқаришингизни сўрайман.

Ҳозир бўлмиш ушбу жавобгар тасарруфи остидаги бу юқорида зикр қилинган чегараланган вақф мулклари (борасидаги даъво) қонуний йўл билан адолатли далиллар асосида исботланганидан сўнг, ушбу жавобгардан бу даъво борасида жавоб сўралди. У ушбу чегараланган ерларнинг вақф мулки эканлигини ва юқорида зикр қилинган ерларнинг ҳақиқийлиги ва зарурийлиги тўғрисидаги қозининг қарорини қонуний ва нуфузли қонуний тарзда инкор қилди. Бу даъвогардан яна даъвосининг ростлиги борасида аниқ далиллар талаб қилдилар. У юқорида зикр қилинган маҳкамага икки нафар балоғатли, оқил ва яхши фазилатли инсонларни олиб келди. Уларнинг ҳар бири одил ва гувоҳликлари қабул қилинадиган инсонлар эди. Бу иккиси – жаноб Хожа Рофеъуддин ибн Хожа Шамсиддин ибн Хожа Бадриддин ва Мавлоно Ёдгор ибн Мавлоно Дўстёр ибн Мавлоно Али Муҳаммадлар жавобгар (даъвони) инкор қилган ва бу икки гувоҳ гувоҳликка жалб қилинганларидан сўнг, бу икки гувоҳ юқорида зикр қилинган ўша маҳкамада бу даъво тақдим этилгач ва уни эшитганларидан сўнг, икки жиддий – жиддий тарзда лафз ва маънода муттафиқ бўлган ҳолларида гувоҳлик бердилар. Бу икки гувоҳларнинг ҳар бирининг гувоҳлиги шундай бўлди: “ Гувоҳман ҳамда гувоҳлик бераманки, юқорида зикр қилинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлари – ул зотнинг одиллиги бардавом бўлсин ! – юқорида зикр қилинган ушбу чегараланган мулкларни (у ерлар) онҳазратнинг ҳаққи ва мулки бўлган ва бошқаларнинг ҳаққи ва бошқа тўсқинлик қиладиган ҳолатлардан озод бўлиб турган вақтда вақфномада кўрсатилган ҳаққоний шартлар асосида ўзининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодларининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодларининг авлодлари учун ҳақиқий зарурий, қонуний вақф сифатида айлантирди ва таъсис этди. Сиз – ҳазрат қози ул - ислон ва юқорида зикр қилинган шаҳар ва унга тобеъ ерларнинг олийжаноб қонун ҳаками бу вақфнинг

ҳақиқийлиги ва зарурийлиги борасида қарор чиқардингиз. Айни вақтда аввал бошда тилга олинган ушбу чегараланган ерлар ушбу ҳозир бўлмишнинг қўли ва тасарруфи остида асоссиз равишдадир. Ушбу даъвогарнинг тасарруфи остига ўтиши лозимки, токи у юқорида зикр қилинган бошқариш ҳукми асосида бу вақф мулкларини тасарруф этсин. Аллоҳ таолодан марҳамат ва бу икки тавфиқ сўралгандан сўнг шартларини бажардилар ва зарурат бўлганида кўрсатилиши керак бўлган сабабларни кўрсатиб ўтдилар. Ушбу жавобгар қонуний йўл билан (даъвога) на эътироз билдиришга ва на (уни) рад этишга қодир бўлди.

Ушбу даъвогарнинг илтимосига кўра, ушбу даъвогар ушбу жавобгарга қарши – ушбу икки ўзаро даъволашувчи иши юзасидан ҳужжатнинг охиридаги муҳрда муборак имзоси ила исми кўрсатилган юқорида зикр қилинган шаҳарнинг ҳазрат қози ул – исломи юқорида зикр қилинган маҳкамада ушбу икки гувоҳнинг кўрсатмалари асосида ёзма тартибда ва юқорида зикр қилинган қозининг ҳукми билан уша вақфнинг ҳақиқийлиги ва зарурийлиги борасида ёзма тартибда ушбу чегараланган ерларнинг вақф мулки эканлиги ҳақида аниқ, қатъий, мажбурий қарор ҳукм чиқарди. Буйруқ берилдики, бу жавобгар юқорида зикр қилинган ушбу чегараланган вақф мулкларини бу даъвогарга қайтарсин, то у (бу ерлардан ) вақф манфаати йўлида фойдалансин.

Бу 294 йилнинг шаввол ойи<sup>79</sup> санасида бўлди ва бу одиллар ва ишончли кишилар мавжудлигида бўлди.

Муҳр: “ Фақир қул, тақводорлар дўсти, қози ул – куззо, Қози Мирза Муҳаммад Фозил ибн Мирзо Муҳаммад Амин”.

Шифр ёки монограмма: юқорида зикр қилинган ҳукм камина фақир қул қози Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Вали томонидан чиқарилди.

758/ 6 ва 758/ 7 рақамли вақфноманинг бу қисмида ҳам ҳеч қандай қозининг муҳри йўқ, фақат вақфноманинг бу қисмида қоғозлар бир бирига уланиб ёпиштирилгани боис, икки четда амир Шоҳмурод муҳрлари босилган.

Шундан сўнг қарама қарши мазмундаги қонуний ажрим жараёни баён этилади:

У барча нарсаларнинг устидан ҳукмрондир!

Айни дамда рифъатпаноҳ (юксаклик кўрғони) Фойиқ ибн Арслон ибн Мир Забон ишончли шартлар асосида юқорида зикр қилинган вақф таъсисчиси ҳазрати олийлари томонидан аввал бошда зикр қилинган вақф мулклари мутаваллиси бўлмиш Абу Наср ибн Амир Аҳмад Сомоний ҳазрати олийларини ўзи билан бирга олиб пойтахт Бухоро шаҳридаги олий маҳкамага ҳукми барча учун мажбурий бўлмиш улуг Бухоро шаҳрининг қозиси ул- исломи ноиби ҳузурига ташриф буюрдик, ушбу қози ул – ислом бошқариш ҳуқуқига эгаси – унинг подшоҳлиги абадий бўлсин! – томонидан берилган ваколат

<sup>79</sup> 907 йил 15 июль – 12 август [Чехович 1950: 264]. [Воҳидов, Қодиров 2010: 19 – 42].

асосида ўзига ноиб тайинлаш ҳуқуқига эга эди. Ушбу ташриф буюрувчи мана шу қайднинг остида исми кўрсатилган ноиб олдида бу олиб келинганнинг устидан даъво қилди ва шундай деди: “Аввал бошда зикр қилинган ушбу чегараланган ерлар менинг ҳаққим ва мулким бўлиб, ушбу ҳозир бўлмишнинг қўли ва тасарруфи остида асоссиз равишдадир”. Ҳаққоний шартлар орқали қонуний йўл билан талаб қилди. Ушбу ҳозир бўлмиш жавобгарнинг тасарруфи остидаги бу юқорида зикр қилинган чегараланган ерлар очиқ ойдин адолатли далиллар билан исботланганидан сўнг, ушбу жавобгардан бу даъво борасида жавоб сўралди. У эътироз билдириб деди: “на бу даъвогар ва на бошқа бирон кимса юқорида зикр қилинган чегараларган ушбу ерлар мулкани бошқариш борасида менга қарши даъво кўзгата олмайди, сабаби шуки, юқорида зикр қилинган ушбу чегараланган ерлар юқорида зикр қилинган адолатпаноҳ вақф таъсисчиси ҳазрати олийларининг ҳаққи ва мулки бўлиб турган вақтда вақфномада кўратилган шартларда ва ҳолатда ўзининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодларининг авлодларининг авлодлари учун ҳақиқий, зарурий, қонуний вақф мулкига айлантирган эди ҳамда ҳукми мажбурий бўлмиш юқорида зикр қилинган шаҳар ҳазрати қозиси юқоридаги рўйхатда кўрсатилганидек қонуний жараён вақтида (жавобарнинг) инкори ва шартларига риоя қилган ҳолда, очиқ – ойдин адолатли далиллар келтириш орқали юқорида зикр қилинган чегараланган ушбу ерларнинг вақф мулки эканлиги тўғрисида ҳукм чиқарган эди. Юқорида зикр қилинган ерларнинг вақф мулки эканлиги тўғрисидаги бу қарор барча одамларга тегишли буйруқдир”.

Юқорида зикр қилинган мулкка давогардан юқорида зикр қилинган эътирозга жавоб сўралди. У қонуний жиҳатдан тан олдики, амри мажбурий бўлмиш юқорида зикр қилинган шаҳар ҳазрат қозиси юқоридаги рўйхатда кўрсатилганидек ёзма тартибда юқорида зикр қилинган чегараланган бу ерларнинг вақф мулки эканлиги тўғрисида қонуний шартлар асосида қарор чиқарган. Аммо (шундай) деди: “Юқорида зикр қилинган чегараланган бу ерларнинг вақф мулки эканлиги тўғрисидаги юқорида зикр қилинган қозининг бу қарори барча одамларга тегишли буйруқ эмасдир ва менинг юқорида зикр қилинган чегараланган бу ерлар бошқаруви борасида мулкый даъвоим бордир”.

Шундан сўнг даъвога эътироз билдирувчи ушбу тарафнинг илтимосига кўра, даъвога эътироз билдирувчи ушбу тараф юқорида зикр қилинган мулкка даъвогардан иборат бўзлган эътироз жавобгар ушбу тарафга қарши – ушбу икки ўзаро даъволашувчи иши юзасидан ҳуқуқий ишлар бўйича мурожаат қилинган юқорида зикр қилинган қозининг ноиби юқорида зикр қилинган бу ноибнинг қайдининг қуйи қисмида кўрсатилган – барча одамлар тегишли эканлтигт юқоридаги рўйхатда кўрсатилган юқорида зикр қилинган ерларнинг вақф мулки эканлиги ҳукми борасидаги даъвогарга эътироз



билдирувчи ушбу тарафнинг юқорида зикр қилинган эътирози тўғрилиги ҳақида ҳукм чиқарди. Бу юқорида зикр қилинган мулкка даъвогарга олимлар олими ва ислом имомларининг фикриги мувофиқ тарзда бу даъвони тарк этиш буюрилган юқорида зикр қилинган ҳуқуқий ишлар бўйича мурожаат қилинган ноиб дин уламолари – Аллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин! – ораларидаги фикрлар қарама – қаршилиги ўринларидан хабардор эди.

Бу 294 йил муқаддас муҳаррам ойининг 26 куни<sup>80</sup> санасида бўлди.

Мухр: “Қози ул – қуззо Мирзо Муҳаммад Фозил ибн Мирзо Муғҳаммад Амин”.

758/6 ва 758/7 рақамли ҳужжатнинг бу жойида ҳам қози муҳри йўқ ва бу қисм бу ҳужжатнинг охири ҳисобланади. Шундан сўнг чиқарилган қарорларнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун қисқа “ривоят” келтирилган:

Ислом имомлари – Аллоҳ улардан рози бўлсин! – томонидан бу масала бўйича айтилган гаплар: Холид саломат ва бошқарий ҳуқуқига эгалиги вақтида мана шундай чегараланган қишлоқларни наслдан – наслга келадиган ўзининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодлари ва ўзининг авлодларининг авлодларининг авлодларининг авлодлари ва охир-оқибат камбағал мусулмонлар учун ҳақиқий, зарурий, қонуний вақфга айлантирди. Шундан сўнг дин уламолари – Алоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин! – орасидаги қарама – қаршиликдан бохабар бўлган ҳукми мажбурий бўлмиш улуғ Бухоро шаҳрининг ҳазрат қози ул – исломи қонуний жараён вақтида қонунда белгиланган очиқ – ойдин адолатли далиллар асосида қонунда белгиланган тарзда бу чегараланган ерларнинг юқорида зикр қилинган харажатлар учун вақф ери деб қарор чиқарган. Шундан сўнг мужтахидлар ва дин уламолари фикрлари орасидаги қарама – қаршиликдан бохабар бўлган бошқа ҳазрат қози ул – ислом қонуний жараён вақтида шу ҳақда қарор чиқардики, юқорида зикр қилинган қозининг дастлабки ҳукми уламолар ва олийжаноб мужтахидлар – Аллоҳ уларнинг ётган жойларини дор ул – исломдан қилсин! – фикрларига мувофиқ бўлиб, барча одамларга тегишли ҳукмдир. Қонунга кўра бу ҳукм барча одамларга тегишли ҳукми ёки йўқми? Шундан сўнг (қонуний) шартларга кўра бу вақфни бекор қилиш нотўғри ва адолатсиз бўладими ёки йўқми? Улар аниқ равшан қилиб тушунтирдилар.

Мухр: “Фақир кул, тақводорлар дўсти, қози ул – қуззо Мирза Муҳаммад Фозил ибн Мирзо Муҳаммад Амин”.

Юқорида вақфномаларда баён этилган вақф ерларини таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, Исмоил Сомоний асосан Бухоро вилоятида жойлашган қишлоқларни ўз авлодларига вақф сифатида таъсис этган. Исмоил Сомоний юқорида санаб ўтилган

<sup>80</sup> 906 йил 16 ноябрга тўғри келади [Воҳидов, Қодиров 2010: 19 – 42].

ерларни нафақат ўз авлодларига балки, шу жумладан, мавлолари, камбағал мусулмонлар, уламо ва фуқаҳолар учун ҳам вақфга айлантирган.

Авлодлари учун вақф қилинган ерлар фақат ўша сулола вакиллари тасарруфи остида бўлган ва бу ерлардан бошқа мақсадлар учун солиқ олиш мутлоқ таъқиқланганини кўриш мумкин. Вақфномада қишлоқларнинг аниқ чегаралари аниқ кўрсатиб ўтилган. Вақф мулклари Бухоро шаҳри яқинида, Сомжан, Хутфар ва Пойи Руд туманларда жойлашган.

Вақфноманинг қонуний иш жараёни кўрилган қисмида биз Бухоро қозиси ҳар иккала вазиятда ҳам сомонийлар сулоласи вакили фойдасига ҳукм чиқарганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, вақфномалар атамаларга бой бўлиб, улар ўша даврдаги ижтимоий иқтисодий, солиқ усули, ҳунармандчилик, сомонийлар давридаги урф – одат, маданият, уларнинг маъмурий тузуми ва бошқа мааслаларини ёритишда катта аҳамиятга эга. Хужжатлар Бухоро ва унинг атрофидаги катта ва кичик қишлоқларнинг тарихий топонимикасини ўрганишда ҳам қўшимча маълумотлар беради.

### **III.2. Вақфномада учрайдиган бошқа жой номлари.**

Ўз ФА Шарқшунослик Институтида сақланаётган 527 а рақамли хужжатда сомонийлар тарихи келтирилганлигини юқорида ёзган эдик. Энди сомоний ҳукмдорлар ҳукумронлик қилган ўлкалар, вилоятлар, шаҳарлар ҳақида қисқача тарзда ва баҳоли қудрат бошқа манбалардан ҳам фойдаланган ҳолда тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, халифа Маъмун ўз ноиби Ғасон ибн Иббодга Асад ибн Сомон фарзандларини муносиб лавозимларга жойлаштиришни тайинлаган эди. Шунга кўра Ғасон ибн Иббод Нуҳ ибн Асадга Самарқандни, Аҳмад ибн Асадга Фарғонани, Яҳё ибн Асадга Шош ва Уструшонани, Илёс ибн Асадга Ҳиротни бошқаришни топширган эди.

Кейинчалик халифа Мутаъмид Мовароуннаҳр бошқарувини Наср ибн Аҳмадга топширган эди. Исмоил ибн Аҳмад Сомоний даврида эса Хуросон вилояти ҳам қўлга киритилиб, сомонийлар катта бир салтанат соҳиби бўлиб олган эдилар. Шу боис қуйида биринчи бўлиб Марказий Осиё халқлари тарихида энг асосий аҳамият касб этган Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Мовароуннаҳр (Ма варо ан - наҳр) арабча сўз бўлиб, араблар томонидан эгалланиб, Исломга тобеъ этилган Амударёдан шимол тарафда жойлашган ўтроқ ерларга нисбатан қўлланилган. Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шарқий чегаралари Ислом дини етиб бормаган ва сиёсий вазиятларга кўра ўзгариб турадиган ерларга бориб туташар эди. [Бартольд 1971 : 477]. IX асрдаёқ Мовароуннаҳр мусулмон давлати ҳисобланар ва аҳолиси ғайридинларга қарши урушларда қатнашар эди. Ўша пайтлардаёқ бу ерда ханафий мазҳабидаги маҳаллий илоҳиёт мактабларига тамал тоши қўйилган эди. 832 йилда вафот этган Абу Ҳафс Бухорийнинг қабрига «Мовароуннаҳр уламолари устози» деган сўзлар ёзиб қўйилган [Бартольд 1968 : 122]. Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳр ул-асрор» асарида Мовароуннаҳрни қуйдагича тасвирлайди: Мовароуннаҳр – Шарқнинг йирик мамлакатларидан биридир. Умуман олганда Мовароуннаҳр деб Жайҳун ва Сайхун дарёлари оралиғида жойлашган барча катта ва кичик шаҳарлар, вилоятлар, қишлоқлар, тоғлар, қирлар ва адирлар аталган. Шундай қилиб, Термиз, Қабодиён, Вахш, Сағониён, Насаф, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хутталон Мовароуннаҳрга таалукли бўлиб, Балх, Бадахшоннинг катта қисми, Шош, Сайрам ва Туркистон Мовароуннаҳрга таалукли эмасдилар. Қадимги даврлардан то бизнинг кунимизга қадар Бухоро шаҳри – Оллоҳ унинг халқини балолардан ўзи асрасин! – Мовароуннаҳр пойтахтидир.

Мовароуннаҳр халқи ночорнинг дўсти, бағрикенг, олийжаноб, сабрли, хушчақчақ ва жасурдир; ўз подшоҳлари ва ҳукмдорларини улар ҳар қанча золим бўлсалар ҳам лаънатламайди, уларга қарши исён қилмайди. Бироқ бу мамлакатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бошқа мамлакатлардан бўладиган адолатсизлик ва босқинчиликка ҳеч тоқат қилмайди. Мовароуннаҳр халқи барча жабҳалар бўйича ўз давлатини бошқа давлатлардан устун қўяди ва шу билан биров хаддидан ошади, чунки унинг ўзи тез – тез кичик жанжалларни катта урушларга айлантиради.

Аслини олганда, Мовароуннаҳр барча жабҳаларда бошқа мамлакатлардан устун туради, айниқса, Исломга риоя қилиш, шариат ва тариқат софлигини таъминлаш, Ислом динига содиқлик, буюк шайхлар ва уламоларга бойлиги, мусулмонларнинг ҳақ – ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, билим ва иқтидорни асраб – авайлаш, мадрасаларнинг кўплиги шунингдек, хонақоҳ, масжид, зиёратгоҳ жойларининг кўплиги, бало ва офатлар жуда ҳам кам рўй бериши, қир ва адирларнинг ажойиблиги, иқлимнинг юмшоқлиги, сояли ва мевали дарахтларнинг кўплиги, тоғлари ва дарёлари, одил подшоҳлари ва тақводор ҳукмдорлари, ҳаётий захираларнинг етарли даражада мавжудлиги ва бахт – саодатга эришиш воситаларининг битмас – туганмаслиги билан устундир. Бу мамлакатдан шу қадар кўп олим ва шоирлар чиққанки, бошқа мусулмон мамлакатларда ундай эмасдир.

Бу мамлакат ерининг яна бир хусусияти шуки, бу ерда олимлардан бошқа ҳеч нарса ўсиб – унмайди. Шу боис ақл эгалари билим ва донишмандликни Мовароуннахрнинг асосий «маҳсулот» деб ҳисоблайдилар [Махмуд ибн Вали: 76].

Сомонийлар даврида Мовароуннахр шарқнинг энг илғор мамлакатлари қаторига кирди. Айниқса, Исмоил Сомоний даврида Мовароуннахр ўлкаси гуллаб – яшнади, ҳар тарафлама ривож топди. Исмоил Сомоний Мовароуннахрни алоҳида мустақил давлат даражасига олиб чиқа олди. Кейинги сомоний ҳукмдорлар ҳам Мовароуннахрни ҳар томонлама ривожлантиришга интилдилар. XI аср бошларида шарқдан қорахонийлар ҳужуми натижасида сомонийлар бу ўлкани қўлдан бой бердилар.

900 йилда Балх яқинида бўлиб ўтган жангда Амр Лайс устидан зафар қозонганидан сўнг, Исмоил Сомоний Хуросон вилоятини ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олади. Шундан сўнг кейинги асрларда ҳам Хуросон Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутди. Махмуд ибн Вали Хуросон ҳақида куйдагиларни ёзади: Хуросон тўртинчи иқлим орасида жойлашган мамлакатдир. Яхши иқлими, кенг майдони, мева ва маданий дарахтларининг кўплиги, турфа хил гулларга бойлиги, сон – саноксиз уламолар ва беҳисоб шайхлар ва олимларга эгалиги, кўп сонли қўшинлари мавжудлиги ва мустаҳкам қалъаларга эгалиги жиҳатидан ер юзининг энг яхши жойларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ирокликларнинг фикрига кўра, Хуросон таркибига Рай шаҳридан тортиб то кунчиқар ерга қадар бўлган жойлар киради. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, Хулвон довони ва кунчиқар ер орасидаги ерлар Хуросонга тобеъдир. Хуросон аъжамий сўз бўлиб, икки қисмдан «хур» – қуёш ва «осон» – жой сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган.

Ҳозирги кунда Хуросон тўрт қисмга бўлинади: Ҳирот, Нишопур, Балх ва Марв. Бошқача гапирганда, Хуросон тўрт вилоятдан ташкил топган: Ҳирот, Нишопурнинг бир қисми, Балхнинг бир қисми ва Марви Шоҳижаҳоннинг бир қисми. Уларнинг ҳар бири ўз ичига бир қанча шаҳар ва вилоятларни қамраб олади.

Сосонийлар давридан то тоҳирийлар даврига қадар Балх шаҳри Хуросон пойтахти бўлиб келди. Ибн Саффор Нишопурни Хуросон пойтахтига айлантирди. Султон Санжар эса ўз ҳукмронлик йилларининг охирларида Марв шаҳрини пойтахт қилди. Мўғул хонлари, маликлар, чиғатой ва сафавий ҳукмдорлар Ҳирот шаҳрини пойтахтга айлантирдилар ва ҳозирги кунга қадар шундайдир.

Хуросонликлар Ислом дини қарор топганидан то бугунги кунга қадар, яъни сафавий шоҳлар ҳукмронлиги отига тушгунларига қадар уларнинг зарарли эътиқодларига қарши матонат билан курашиб келмоқдалар. Суннийдирлар.

Бу муборак заминда кўплаб шайхлар, олимлар, усталар, ҳунармандлар етишиб чиққан.

Бу мамлакатнинг халқи жуда ақлли ва закийдир. Ернинг рельефини аниқлаш, биноларни режалаштириш, водийларда каналлар қозиш, ариқ, коризлар қозиш ва ҳаётий эҳтиёж воситаларини ишлаб чиқаришда тенгсиздирлар. Улар, шунингдек китоб ёзиш санъати, ҳисоб – китоб юритиш ва мажлислар ва кечаларни безашда ҳам тенгсиз ҳисобланадилар. Хуросоннинг четга чиқарадиган асосий моллари – шойи газламалар, пилалар, совға – саломлар, от ва туялардир.

Бу ерда анор, анжир, ковун, узум ва шафтоли мевалари ва яна кипарис дарахти яхши ўсади [Махмуд ибн Вали: 40 – 41].

«Қомус ул – аълам» да эса Хуросон қуйдагича тасвирланган: Хуросон Эрон давлатининг энг буюк оёлатиндан ўлуб, давлат мушор илайхонинг шарқи шимолий қисминдан иборатдир. Шарқон Афғонистон, шимолон Русия ҳудуди ила, ғарбон Астрабод ва Ироқи Ажам, жанубон Кирмон оёлатлари ила, шарқи жанубий жиҳатиндан дахи Сейистонла маҳдуддир. Шимолдан жануба мумтад ғайри мунтазам бир мустатил шаклинда ўлуб, шимол жиҳатиндан туркман ва жануб жиҳатиндан дахи Лут чўллари ила муҳотдир. 31° ила 38° шимолий кенглик ила 59° шарқий узунлик ораларинда мумтад ўлуб, шимолдан жануба ўлан бўйи тақрибан 750 ва шарқдан ғарба ўлан эни дахи 500 килуметрадир. Жануби – ғарбий қисминда воқеъ чўл жиҳати маҳсуб ўлмадиғи ҳолда масаҳаи сатҳияси 272. 560 мураббаъ килуметр ўлуб, онжақ бу қадар кенглик ила баробар аҳолиси бир милён нуфуси мутажовиз дегилдир. Маркази шимоли – шарқий қисминда воқеъ Машҳад шаҳридир.

Хуросоннинг қисми шимолийси тоғлиқ ўлуб, Ҳиндикўх силсиласина марбут бир сира тоғлар Афғонистон ҳудудиндан Баҳри Хазар савоҳили қурбиларигача шарқи жанубидан ғарби шимолийа тўғри узаниюр. Хуросон аҳолиси узун бўйли, тандуруст ва мутаносиб аъзо, ғоятла закий ва чалишқон одамлардир [Қомус ал – аълам III : 2030].

Бартольд эса Хуросон ҳақида жумладан қуйдагиларни ёзади: Бугунги кунда Форс ва Россия ўртасида чегара бўлиб ҳисобланувчи Катта ва Кичик Балхан, Кўринтоғ ва Копетдоғ тоғлари Туркистон ва Каспий денгизи ҳавзаси орасидаги табиий чегара бўлиб ҳисобланади. Қадимда ва ўрта асрларда бу тоғларнинг шимолий ёнбағирларидаги воҳаларни эронийлар маскан тутган эдилар. Жойлашув ўрнига кўра бу воҳалар кўп бора кўчманчи туркий қабилалар ҳужумларига учраган ва уларнинг қўл остиларига ўтди. Шундан сўнг бу ўлка туркий ном билан Этак деб атала бошланди.

Бу ернинг ўрта асрлардаги шаҳарлари сифатида Нисо ва Обивард шаҳарлари тез – тез тилга олинади. Биринчиси ҳозирги Асхобод шаҳридан унга узоқ бўлмаган ерда жойлашган бўлган. Иккинчиси эса Асхободдан 110 верст узоқликда жойлашган кичик бир қишлоқ кўринишида ҳозир ҳам мавжуддир. Нисо вилоятида Нисо шаҳридан 4 кунлик йўлда IX асрда Абдуллоҳ ибн Тохир томонидан қурилган учта ўзаро бирлаштирилган

қалъалардан иборат Фарова (Афрова) работи жойлашган бўлган. Бу ердан тўғри дашт орқали Гурганчга олиб борадиган йўл ўтган. Обивард вилоятида эса Махна ёки Майхона шаҳри бўлган. Обиварддан Марвга тўғри йўл бўлган. Юқорида айтиб ўтилгандек, Этак ўзининг жойлашувига кўра ўрта осийлик кўчманчи қабилаларнинг босқинларига кўплаб дучор бўлган, бундан ташқари бу ерни бу ерга яқин жойлашган ерлар ҳукмдорлари, айниқса, Хоразм ҳукмдорлари эгаллашга кўп бора уринганлар.

Х асрда Нух ибн Мансур Сомоний Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмунга Нисо шаҳрини, Жанубий Хоразм ҳукмдори Абу Абдуллоҳ хоразмшоҳга эса Обивард шаҳрини тортиқ қилади, бироқ Абу Али Симжурийнинг исёнлари туфайли Абу Абдуллоҳ Обивардни қўлга ололмайди. Х аср сўнгида Хоразм Маъмун томонидан бирлаштирилгандан сўнг то 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгунга қадар Нисо ва Фарова хоразмликлар қўл остида бўлган.

Исмоил Сомоний вафот этгач, унинг ўғли Аҳмад Хуросон бошқарувини қўлга олади. Халифа Муктафий Тохир ибн Али орқали Аҳмад ибн Исмоил хузурига Хуросонни бошқариш ҳақидаги ёрлиқни юборади. Тохир Бухорога етиб келганида Аҳмад ибн Исмоил уни яхши кутиб олади. Муктафий вафот этганидан сўнг халифа бўлган Муқтадир ҳам Хуросонни Аҳмад ибн Исмоил бошқаруви остида қолдиради. Аҳмад ибн Исмоил Абу Жаъфар Суълук (Саълук) ни Рай шаҳрида қолдириб, ўзи ортга қайтиб кетади.

Аҳмад ибн Исмоил ўлдирилганидан сўнг унинг ўғли Наср ибн Аҳмад Хуросон бошқарувини ўз қўлига олади [Гардизий : 63 – 66 ] Унинг вазирлик ишини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал – Жайҳоний олади. Ҳамавия ибн Али эса сипоҳсолор бўлиб олади. Наср ибн Аҳмадни «Бутун Хуросон эгаси» деб аташади [Наршахий : 83; Frye 1954: 95].

Аммо сўнгги сомоний ҳукмдорлар Хуросонни ўз тасарруфлари остида ушлаб қола олмадилар. Мансур ибн Нух Сомоний Хуросонда исён кўтарган Бектузунга қарши кўп бора юриш қилишга мажбур бўлган. Сомонийлар давлатининг Х аср охирларига бориб тушқунликка учраши бу сулола ҳукмдорларининг Хуросон вилоятини қўлдан бой беришларига олиб келди. Вақфноманинг ўзида баён этилишича, уч юз саксон тўққизинчи йил зулҳижжа ойининг ўнинчи кунига келиб (999 йил 21 ноябрь) Хуросондаги сомонийлар бошқарувига нукта қўйилди. Маҳмуд ибн Собуктегин Хуросоннинг тўлиқ эгаси бўлиб олди. Хуросон шундан сўнг ғазнавийлар давлати таркибига қўшиб олинади. Хуросонни бой берган сомонийлар бир оз вақт ўтиб Мовароуннаҳрни ҳам қўлдан чиқариб юбордилар ва бу сулола тарих саҳнасидан жой олишига тўғри келди.

Балх шаҳри ҳам сомонийлар тарихида катта ўрин тутадиган шаҳарлардандир. Бунинг боиси, сомонийларнинг бобокалони Сомоннинг Балх яқинида ўзининг номи билан аталувчи қишлоқ бўлган.

Маҳмуд ибн Вали маълумотиға кўра, Жаббохоннинг Фоиз (ёки Қоин) исмли акаси бўлиб, улар дастлаб Балх рабодининг жанубий қисмида жойлашган Куфаж қалъасида яшаганлар. Улар орасидаги муносабатлар ёмон бўлганлиги туфайли Жаббохон ўзи учун янги қалъа қуришга мажбур бўлиб, уни Жаббохон қишлоғи деб атаган. Бу иккала қишлоқ умумий қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, кейинчалик Абдулмўминхон (XVII аср) томонидан таъмирланган ва мустаҳкамланган. Қалъа деворлари ичидаги бу икки қишлоқда Жаббохон ва Сомон авлодлари истикомат қилганлар (Togan 1969: 283).

Маҳмуд ибн Вали бевосита Балхни қуйдагича тасвирлайди: Балх ҳам Хирот, Нишопур ва Марв сингари Хуросон вилоятларидан биридир. Баъзи гапларга кўра, у Хуросоннинг биринчи шаҳри ҳисобланади. Балх тўртинчи иқлимда жойлашган. Унинг суви яхши бўлиб, иқлими юмшоқ ва майиндир.

Маълумотлар тўпловчиларга ва ўтмиш аломатларини изловчиларга шу нарса аниқ ва равшан бўлсинки, хандаса ва масоҳат аҳли Балх ўлкаси таркибига Балх шаҳрининг ўзини, Бомиён, Тохаристон ва Хутталоннинг бир қисмини киритганлар. Аҳолисини ҳам шунга мос холда балхликлар, бомиёнликлар, тохаристонликлар ва хутталонликлар деб атадилар. Уларнинг ҳар бирини эни ва бўйини ва боши ва охирини аниқладилар. Дарагиза, Ахча, Шибирғон, Калиф, Катном, Парвард, Андхуд, Фарёб, Маймана, Чучакту, Гурзивон, Дарзоб ва Жузжон Балх вилояти шаҳарларидир.

Ҳозирги кунга келиб, инқирозга юз тутган Бомиёни Балх вилоятининг иккинчи қисми деб тан оладилар. Бугунги кунда Қобул таркибига кирувчи Сону Чаҳорёк, Балхоб, Зариу Қипчок, Доройи суф, Мўлғон, Кошиндих, Каҳмерд, Ҳазоражотнинг кичик қисми, Андиروب, Хинжон, Панжхир шаҳарлари ҳам Балхга тобеъ шаҳарлар саналади.

Бадахшон десак тўғрироқ ҳисобланадиган Тохаристон Балх вилоятининг учинчи қисмидир. Унинг Қундуз, Талқон, Фархор, Раг, Яктол, Юмган, Дара, Дарвоз, Сарик Жўян, Русток, Қалъаи Шоҳ Назар, Боғи Аварс, Дашт – қалъа, Шаҳри равон, Арханг сарой, Оқсарой ва бошқа шаҳарлари мавжуддир.

Балх шаҳри ҳам ўзининг уламолари, шайхлари, олимлари, уста ҳунармандлари билан машҳурдир [Маҳмуд ибн Вали: 24 – 27].

Балх араблар фатҳ қилгунга қадар Тохаристоннинг пойтахти ва энг йирик шаҳри саналган ва аҳолисининг асосий қисмини турклар ташкил қилган [Frye, Sayili 1945:313; Frye 1993: 136]. Подшоси истикомат қиладиган турклар мамлакати пойтахти (дар мамлакат ал – атрок) Балх деб юритилган. Сомонийлар даврида катта аҳамият касб этган Балх шаҳри кейинги даврларда ҳам Ўрта Осиёнинг муҳим шаҳарларидан бири бўлиб қолди.

Бухоро – Туркистондаги Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган шаҳар. Ислом дини келмасдан аввал ҳозирги Бухоро ўрнида қадим замонлардаёқ шаҳар бўлган.

Хитойликлар V асрларданоқ уни Ньюми деб атаганлар, бу унинг қадимги номларидан бири Нумижкат номига тўғри келади. Бухорони бухор – худот деб аталувчи ҳукмдорлар бошқарганлар. Муқанна кўзғолони мағлубиятга учраганидан сўнг, бухор – худотлар Бухоро вилояти ҳукмдорлари сифатидаги мавқеларини йўқотдилар, бироқ бой ер – мулк соҳиби борасидаги обрўларини сақлаб қолдилар. Исмоил Сомоний ҳукмронлик йилларининг дастлабки пайтларида, ҳали унинг акаси Наср ҳаёт бўлган пайтлардаёқ Абу Исҳоқ Иброҳим исмли бухор – худот тилга олинади. Исмоил унинг ерларини тортиб олади, аммо бу ерлардан илгари олган даромад (250 минг дирҳам) миқдоридаги пулни хазинадан унга тўлаб туришга буйруқ беради, бироқ Бухоро ҳукумати бухор – худот ва унинг ворисларига нисбатан бу сиёсатни қанча вақт давомида юритгани борасида маълумотлар мавжуд эмас.

Географик жойлашувига кўра, Бухоро шаҳри Самарқанд ёки Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан кўра, Марв шаҳри билан яқин алоқада бўлган; бухор – худот Марв шаҳрида ўз қасрига эга бўлган. IX асрда Хуросон пойтахти Нишопур шаҳрига кўчирилганда ҳам Бухоро Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан ажратилиб алоҳида мустақил идора қилинган. 874 йилга қадар Бухоро сомонийларга тегишли бўлмаган, балки тоҳирийларга тобеъ бир ноибнинг бошқаруви остида бўлган, бу ноибнинг кейинги авлодлари ҳам Марв шаҳрида ўз қасирларига эга бўлганлар. Тоҳирийлар бошқаруви тугатилгандан сўнг, Ёқуб ибн Лайс қисқа муддат мобайнида Бухорода Хуросон амири сифатида тан олинган. Халқ Самарқандда ҳукмронлик қилаётган Наср ибн Аҳмадга мурожаат қилиб, Бухорони ўз тасарруфига олишини сўрайдилар. Наср ибн Аҳмад ўз акаси Исмоилни Бухорога ҳоким қилиб юборади. Шундан сўнг Исмоил вафот этгунига ва сомонийлар сулоласи инқирозга юз тутгунига қадар Бухоро бу сулола тасарруфи остида бўлди. Исмоил ибн Аҳмад акаси Наср вафот этганидан сўнг (279/892) бутун Мовароуннаҳрга эга чиққанидан кейин ва ҳатто Амр Лайсни мағлуб этиб (287/900), халифа уни Хуросон амири этиб тайинлаганидан кейин ҳам Бухорода қолди. Шундай қилиб, Бухоро шаҳри буюк сулола ва улкан давлат қароргоҳига айланди. Ҳукумат бинолари ҳам Бухорода жойлашган бўлган. лекин шунда ҳам Бухоро шаҳри ўша пайтда Мовароуннаҳрнинг энг катта ва бой шаҳри Самарқанддан ортда қолар эди. Сомонийлар давридаги Бухоро кўплаб X аср араб географлари томонидан баён этилган. Наршахийнинг асари ҳам ўша давр Бухоро шаҳри маданий, ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Бухоро шаҳри кейинчалик бошқа Мовароуннаҳр шаҳарлари сингари босқинларга учраган бўлса – да, улардан фарқли равишда ўзининг эски ўрнида қайта тикланар эди, айнан Бухорода топографик белгиларни аниқлаш учун яхши шароит мавжуд [Бартольд 1966: 378 – 380].



Маҳмуд ибн Вали Бухоро шаҳри ва унинг атрофларини қуйдагича тасвирлайди: Бухоро Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, унинг пойтахтидир. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, Бухоро бешинчи иқлим шаҳридир, лекин Муствафий Мовароуннаҳрни тўртинчи иқлимда деб ҳисоблаб, Бухорони унинг буюк шаҳарларидан бири дейди. Нима бўлганда ҳам Бухоро муборак ва азиз шаҳар бўлиб, шунинг учун уни «Қуббат ул – Ислому» деб атайдилар.

Баъзи қадимий китобларда ёзилишича, илгари замонда Бухорода айланаси ўн икки фарсанг бўлган девор қуришган экан. Бухородан Самарқандгача бўлган масофа олти кунлик йўлдир. Бухоро атрофларида барча жойларда қатнов йўллари мавжуд бўлиб, йўллар атрофларида эса боғлар барпо этилган. Бу ерни Миёқолат деб атайдилар ва у Самарқандга туташдир. Бухорода қишлоқлар ва экин ерлари нисбатда кўпдир.

«Ғаройиб» муаллифининг ёзишича, Бухоро шундай шаҳарки, дунёда ундан яхши шаҳар йўқдир. Унинг халқи жасур, эзгуликпарвар, хушчақчақ, одил, самимий ва шу билан бирга камтардирлар. Улар зўравонликка тоқат қилмайдилар. Бу шаҳарнинг яна бир хусусияти шуки, вақти – вақти билан бу ердан соф эътиқод ва ҳадисга ҳилоф иш тутадиган даҳрийлар чиқиб туради. Аммо улар бачадонда бўлган пайтларидаёқ йўқ қилинади. Олимларнинг кўплиги ва илм – фан юксак тараққий қилгани боис уни яна олимлар ва илмлар булоғи деб ҳам атайдилар.

Бу ерда қовун ва узум ўсади. Айниқса, кўк набат навли қовун ва алиқоқи навли узумни Мовароуннаҳр аҳли ҳам ва дунёнинг бошқа юртлари одамлари ҳам дунёнинг яхши қовуни ва узуми деб ҳисоблайдилар. Дунёдаги бошқа халқлар доимо ўз ватанларини улуғлаган ва бошқа ўлкалардан юқори қўйган бўлсалар – да, Мовароуннаҳр аҳли улардан ҳам яхшироқдирлар ва бу борада истисно қилинарли даражададирлар.

Илгари вақтларда билим эгалари бу вилоятни ўн та туман доирасида чегаралаган эдилар: биринчи туман ҳозирда Ғиждувон деб аталадиган Ҳаркон – руд туманидир, иккинчиси ҳозирда Вобкан (Вобкент) деб аталадиган Камат тумани, учинчиси ҳозирда Охугир деб аталадиган Тароб тумани, тўртинчиси Пойи Руд деб ҳам аталадиган Руди шаҳар тумани, бешинчиси ҳозирда Бурғозий деб аталадиган Коми Абу Муслим тумани, олтинчиси ҳозирда Қишлоқи Калон деб аталадиган Шофурком тумани, еттинчиси ҳозирда Ромитан деб аталадиган Сомжан тумани, саккизинчиси Султонобод, тўққизинчиси ҳозирда Зандона деб аталадиган Хутфар ва ўнинчиси Хайробод туманларидир [Маҳмуд ибн Вали : 22 – 23].

Наршахий Исмоил Сомоний Бухоро шаҳрини жуда яхши кўрганлигини қуйидагича тасвирлайди: Худойи таоло уни раҳмат қилсин, негаки унинг даврида Бухоро пойтахт бўлди, сомонийлар сулоласидан чиққан ҳамма амирлар Бухорода турадиган бўлдилар. Ундан олдинги Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорода

туришни ўзи учун муборак деб ҳисоблар, унинг кўнгли Бухородан бошқа ҳеч бир ерда ором топмас ва у қаерда бўлмасин: «Бизнинг шаҳар, яъни Бухоро, ана бундай, ана шундай», – дер эди [Наршахий: 82; Frye 1959: 94 ].

Вақфномада кўп бора учрайдиган яна бир жой номи бу Сейистондир. Сейистон Исмоил Сомоний даврида Сомонийлар давлати таркибига қўшиб олинади. Сейистон тарихи ҳақида кўплаб асарлар ёзилган бўлиб, улар ичида энг муҳими, шубҳасиз «Тарихи Систон» дир. Бу асарда Сейистон вилояти, унинг табиати, тарихи ва шаҳарлари қуйдагича баён этилади: Сейистон ёки Сижистон (араб географлари орасида) Хуросондан жануб томонда жойлашган вилоятдир. Бу номни у милoddан аввалги II минг йилликда Бақтрия ва Амударёнинг юқори оқимларидан ҳозирги Афғонистон ҳудудига келиб ўрнашган ҳинд – эрон оиласига мансуб сак қабилаларидан олган. Бу вилоят қадимий маданият ва кўп асрлик тарихга эга. Унинг чегаралари турли даврларда бу ерда ҳукумронлик қилган ҳукмдорларнинг бошқарувига қараб ўзгариб гоҳ кенгайган, гоҳ торайиб турган. Ўрта асрларда Сейистон деб нафақат Сейистон вилоятининг ўзи, шу билан бирга унга туташ бўлган бутун Афғонистон, Белужистон ва Ҳиндистоннинг бир қисмига ҳам айтилган.

Атрофини ўраб турган чўллар ичида Хилманд дарёси дельтасида жойлашган Сейистон ўзига хос воҳа бўлган, ичимлик суви ва унумдор ерларга бой бўлган. Яхши, қулай табиий шароитлар унинг муҳим географик жойлашуви билан бу ерни жуда катта аҳамиятга эга бўлган вилоятга айлантирган: Сейистон Эрон, Хуросон ва Ўрта Осиёни Ҳиндистон билан боғлаган. Шу туфайли барча даврларда бу ўлкага нисбатан алоҳида эътибор қаратилган.

Араб халифалиги таркибига киритилгунига қадар Сейистон жуда бой ва гуллаб – яшнаган вилоят бўлган, лекин саффорийлар даври (863 – 1003) га келибгина Сейистон ўзининг энг ривожланган даврини бошдан кечирди. Бу сулола вакиллари қисқа мудатга бўлса – да, Сейистонни Қобулдан Ироқ чегараларигача ёйилган катта ҳарбий салтанат марказига айлантиришга муваффақ бўладилар. Кейинчалик мўғуллар босқини натижасида катта шаҳарлар, тўғонлар ва бошқа объектлар вайрон бўлиши натижасида Сейистон тушкунликка учради. Бу воқеадан сўнг Сейистон қайта ўзининг тиклашга муваффақ бўлолмади. Унинг жанубий қисми (ҳозирги Афғонистонда) яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Харобалари ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган катта шаҳарлар ўрнида кичик қишлоқлар ва кичик шаҳарлар пайдо бўлди. Сейистоннинг асосий қисмини чўллар ва даштлар эгаллади.

Сейистон қадимги даврларда Сейистон, Зовул, Заранг ва Нимруз деб аталган. «Тарихи Сейистон» асарига кўра, Сейистон шаҳрини Гиршасп қурган. Сейистонга қадар у Буст, Рухад, Замин Довор, Қобул ва унинг атрофидаги ерларга эгалик қилган. Бу шаҳарларни эса Гиршаспнинг она томонидан бобоси Гударз барпо этган. Ҳозирда бу

шаҳарлар Бағдодга тобеъ бўлиб, уларда Сейистон ноиблари ҳокимлик қиладилар. Ислом даврида Сейистондан тушадиган солиқнинг умумий қиймати бир миллион дирҳамни ташкил этган. Бу солиқ Сейистоннинг қуйидаги вилоятларидан олинган: Сейистон – Буст – Руход – Кобул – Забулистон – Навзад – Замин Довор – Исфизор ва Хужистон.

Сейистоннинг чегаралари борасида тўхталадиган бўлсак, у Хуросондан Синдгача ва Кирмондан Ҳинд ерларига қадар чўзилган.

Сейистон таркибига қуйидаги вилоятлар кирган: Исфизор, тоғли вилоят бўлмиш Них, Ҳиндуканон дараси, Фарох, Уқ, Хош, Фўлод, Фужанис, Навзод, Буст, Замин Давор, Рухҳаж, Киш, Рудбар, Забул ва Қобул; жами 16 та вилоят [Тарихи Систан: 13, 62 – 65].

Маҳмуд ибн Вали эса ўзининг «Баҳр ул – асрор» асарида Сейистонни қуйдагича тасвирлайди: Сейистон бугунги кунда кўплаб қишлоқларни ўзига қамраб олган вилоятдир. «Ғаройиб» муаллифининг фикрига кўра, Сейистон шаҳри Забулистон вилоятида жойлашган шаҳардир. Унинг иқлими иссиқ бўлиб, сувни Хирманд (Хилманд) дарёсидан олади, ери тошлоқдир. Дон маҳсулотлари бу ерда яхши етиштирилади, бироқ мевалар бу ерда камдир.

Айтишларича, жаннатдан бир илон чиқиб, Сейистонга тушган эмиш ва ҳануз ўша ерда яшармиш. Сейистоннинг эфа илони ўша илон туридан экан.

Баъзи манбаларда ёзилишича, Сейистонга Сижистон ибн Форс исмли киши асос солган бўлиб, уни ўзини исми билан атаган. Довюраклиги билан машҳур Рустам ҳам ўша ердан.

У ердаги тегирмонлар шамол тегирмонларидир. Бу вилоятда эсадиган шамол шундай кучлики, қумларни бир жойдан бошқа жойга бориб қўяди. Бунинг натижасида унинг баъзи қишлоқлари қумлар остида қолиб кетди.

Сижистонда илонлар , айниқса, эфалар жуда ҳам кўпдир. У ерда типратикан ва тошбақага тегмайдилар, чунки улар илонларни тутиб ейдилар.

Сижистон халқи мард, жасур ва меҳаткашдир. Улар орасида ўзига тўқлар ва бойлар камдир. Бошқа инсонларга ёрдам кўрсатадилар ва дарвеш ва зоҳидлар билан дўст тутинадилар. Шиа мазҳабига шу қадар ружу қўйганларки, оқибатда нотўғри йўлга кириб кетганлар. Бу ердан ҳам олим кишилар жуда кўплаб етишиб чиққанлар [Маҳмуд ибн Вали: 52].

Сейистон вилояти сомонийлар давлати таркибига Исмоил ибн Аҳмад ва Амр Лайс ўртасида бўлиб ўтган жангда Исмоил Сомоний ғалаба қозонганидан сўнг қўшиб олинган.

Бу жангда Амр Лайс асирга тушганидан сўнг, Муҳаммад ибн Амр ибн Лайснинг ўғиллари Тоҳир ва Ёқуб сарҳанг (лашкарбоши) лар ва қўшин билан Хуросонга қочадилар. Хуросон ноиблари Ҳирот шаҳрида тўпланадилар ва у ердан Сейистонга қараб равона

бўладилар. Муҳаммад ибн Шохфур Кирмон орқали Буст шаҳрига келади ва узоқ вақт давомида ўша ерда қолади. Форсдан Кирмонга Билол ибн Азҳар ҳам келади. Барча кўшинлар Тохирга қасамёд қиладилар. Тохир Аҳмад ибн Шохфурга вазир лавозимини беради ва мамлакатни бошқаришни унга топширади. Кўшин Тохирга қасамёд қилган вақтда хазинада алоҳида бир жойда динорлар ва қимматбаҳо тошларни ҳисобламаганда ўттиз олти миллион дирҳам пул миқдори мавжуд эди. хазина тўла – тўқис эди. Исфаҳбод қалъаси бошқа қалъаларда хазиналар бор эди. Кийим – кечак, қурол – яроғ ва отларнинг сон – саноғи йўқ эди. Амр Лайснинг кўплаб кўшклари, саройлари, ажойиб отлари ва ўн мингта сарой ғуломлари бўлган.

Тохир Сейистонга икки юз саксон еттинчи йил (900) жумад ул – охир ойи тугашига ўн уч кун қолганида ташриф буюрди.

Аҳмад ибн Шохфур халифа Муътазид ва Абдуллоҳ ибн Сулаймонга Амр Лайснинг асирга тушгани ва кўшин Тохирга қасамёд қилгани борасида мактуб битиб жўнатди.

Субқарий Тохирни тўлалигича ўзига бўйсундириб олади ва кўшин барча бошқарув ишини ўз қўлига олади. Субқарий Аҳмад ибн Шохфур вазир этиб тайинланганидан норози эди ва у Аҳмад ёзган хатларни яширар эди. Сейистонда Али ибн Лайс яшириниб юрар эди. Субқарий у билан тил бириктиради. Унинг олдига барча қўмондонларни бошлаб боради. Натижада кўшин ичида қарама қаршилик юзага келади. Баъзилар Тохир ҳукмдор бўлиши керак десалар, бошқалар Али ҳукмдор бўлиши керак, чунки у Ёқубнинг ворисидир деб ҳисоблар эдилар [Тарихи Систан : 246 – 249].

Амр Лайсни эса Исмоил Сомоний Бағдодга, халифа ҳузурига юборади ва у ўша ерда зиндонда ўлиб кетади. Сейистонда кимни ноиб сифатида қолдиришни энди сомоний ҳукмдорлар белгилай бошладилар. Масалан, Амир Аҳмад Сомоний ўз ҳукумронлиги даврида Сейистон бошқарувини Симжур Давотийга бахшида қилган эди. Вақфномада сўнгги сомоний ҳукмдорлар вақтида Сейистон ноиблари уларга исён қилганликларини кўриш мумкин: (346) Амир Мансурнинг подшоҳлиги кунларида Халаф ибн Аҳмад Сейистоний Ҳижозга боришга қарор қилди ва ўз куёви Тохир ибн Ҳасанни ўз ўрнига ноибликка қолдириб, (347) ўзи ҳажга жўнади. Қайтиш чоғида куёви уни шаҳарга киритмади. (348) У паноҳ истаб Амир Мансур ҳузурига келди. Амир Мансур унга лашкар берди. Халаф лашкар билан Сейистон томон жўнади. (349) Куёви шаҳарни ташлаб қочди. Халаф Сейистонга ҳукумрон бўлиб олди. (350) Лашкарлар Амир Мансур олдига қайтиб кетдилар. Тохир ибн Ҳасан яна қайтиб келди. Халаф ибн Аҳмад билан жанг қилиб, (351) уни қувғин қилди. Халаф иккинчи марта илтижо билан Амир Манур саройига йўл олди. Амир мансур яна унга лашкар бериб, (352) Сейистонга жўнатди. Лашкарлар Сейистон атрофларига етиб келганларида, Тохир вафот этиб, (353) унинг ўрнига ўғли ўтирган эди. Ўғли ҳар холда илтимос қилди ва жанг аҳволига тушди. (354) Амир Мансурга хат

жўнатиб, омонлик исташили, онҳазрат уни олиб ўз мулозими қилиб олиши мумкинлигини ёзади. Амир Мансур унга омонлик берди (355) ва Сейистонни Халафга бахшида қилди.

Аммо кейинчалик Халаф АмирМансурдан сўнг тахтга ўтирган Нух ибн Мансурга исён қилади, хирож солиғини унга юбормайди. Амир Нух ночор унга қарши жанг қилишга мажбур бўлади. IX асрнинг охирларида Сейистон ҳам сомонийлар қўли остидан чиқиб кетади ва ғазнавийлар томонидан эгалланади.

Самарқанд Мовароуннаҳр ва тўртинчи иқлимнинг машҳур шаҳарларидандир, бироқ маълумки, Мовароуннаҳр сингари у ҳам бешинчи иқлимга мансубдир.

Қадимда бу ерда дала бўлган ва унга шаҳарнинг ўзи, қалъа ва бир қанча қишлоқлар кирга. Даланинг узунлиги эллик минг кадамдан иборат девор билан ўраб чиқишади. Қачонки Гиршасп Фаридуннинг буйруғига кўра Хитойга қўшин билан йўлга чиққанда, унга бу даланинг иқлими ёқиб қолади. У ерда аввалги меъморчилик намуналаридан ҳеч нарса қолмагани учун, у бу ерни қайта тиклашда жонбозлик кўрсатди: бу ерда бир қалъа қуради ва ён атрофда яшайдиган халқлар бу қалъага кўчиб кела бошладилар ва бу ер яна аввалгидек фаровон ва обод ерга айланди. Бу ер то бу ердан Сиёвуш ва Шидонинг хунини олиш учун йўлга чиққан Эрон ва Туроннинг беҳисоб қўшини ўтаётиб, вайрон қилиб, яна кимсасиз харобага айлангунига қадар обод бўлиб турди. Гиштасб ибн Афросиёб уни яна қайта тиклади, бу ерда қалъа қуриб, аирофниҳандақ билан ўраб чиқди. Унинг атрофини, нарқий томонини, худди Эрон ва Турон орасини шимолдан жанубга қараб йигирма фарсанг узунликдаги девор билан ўраб чиқди. Искандар Румий (Македониялик Александр) бу ўлкага келганида Самарқанд иқлими унга жуда ёқиб қолади ва бир муддат бу ерда яшайди. Бу вақтга келиб, шаҳар анча харобага айланган эди. У унинг ўрнида янги шаҳар қуради ва унинг атрофини узунлиги йигирма минг кадам юўлган мустаҳкам девор билан ўраб чиқади. Шаҳарга киравериш қисмларига ўн иккита темир дарвоза ўрнатадилар.

Қадимги шоҳлар даврида Самар ибн Африкиш Яман подшоси Туббанинг буйруғига кўра, беш юз минг суворий билан бу шаҳарни вайрон қилади. Шаҳар олинганидан сўнг бу ердаги барча қалъа ва бошқа биноларни вайрон қилиб, ер билан баробар қилади. Шу боис бу ер Самар кенд, яъни «Самар томонидан вайрон қилинган шаҳар» номини олди. Араблар бу номни араблаштирдилар ва Самарқанд деб атадилар.

«Ғаройиб» муаллифининг таъкидлашича, Ислом дини қарор топганидан сўнг, бу ерга Қутайба ибн Муслим келади ва Самарқанд ҳукмдори билан шартнома тузади, унга кўра Самарқанд ҳукмдори шаҳардаги бутхоналар ичидаги жамики нарсаларни Қутайба лашкаргоҳига олиб келиши лозим бўлади. Барча бутлар йиғилгач, у уларни ёқиб юборади. Ўшанда унинг қўлига тўқсон минг мисқолтоза олтин келиб тушган.

«Ажойиб ул – билод» муаллифининг ёзишича, Самарқанд шахрининг биринчи курувчиси Каёнийлар сулоласининг асосчиси Кайқубод бўлган. Орадан маълум вақт ўтгач, Кайковус шаҳардаги қурилиш ишларини янада жадаллаштирган. Улардан сўнг Искандар унинг ободонлиги учун катта эътибор қаратди; у ерда мустаҳкам девор қуриб, кўплаб биноларни лойиҳалаштирди ва қурдирди.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд ўзининг кенг майдони, ажойиб иқлими, буюклиги ва бошқа сифатлари билан дунёнинг энг яхши ва тоза шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Баъзи тарихий китобларда ёзилишича, Қутайба ибн Муслим Самарқандни қамал қилаётган вақтда у баъзи жойларда химяр тилида қуйдаги сўзлар битилган тош плиталарни кўрган экан: «Худо ҳаққи, бу ердан араб ва араб бўлмаганлар подшоси Самар ибн Африкиш ўтган. Кимки шу ергача келса ва бу ердан ҳам ўта олса, у мекндан кучлидир, лекин кимки бу ердан нарига ўта олмаса, у мендан заифдир». Қутайба бу ёзувларни ўқигач, токи Хитой замининг босиб ўтмагунича ортга қайтмасликка онт ичди. Шундан сўнг у Хитойга юришга тайёргарлик кўра бошлади. Бу хабар Хитой хони қулоғига етиб боргач, парокандаликка тушди, Қутайбанинг олдига қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахт, қимматбаҳо камар, Хитойнинг бир йиллик солиғи ва яна бошқа совға – саломлар билан элчи жўнатди ва элчига Қутайбага қуйидаги сўзларни айтишни буюрди: Араблар подшоси совғаларни қабул қилсин, сўнгра бизнинг еримизга келиб қасамйд шартномани имзоласин ва ортига қайтсин. Агар шундай қилса, уни ҳар йили ана шундай совға кутади. Қутайба ҳам шундай йўл тутди ва ортига қайтиб кетди.

Муставфийнинг айтишича, бу шаҳарнинг иқлими салқиндир, суви эса ҳозирда Кўҳак деб аталадиган Буй дарёсидандир. Биноларнинг аксар қисми мармардан ишланган бўлиб, унинг кони ҳам шу вилоятдадир. Самарқанднинг энг яхши қишлоғи деб Сўғд қишлоғини атайдилар. Сўғд қишлоғи Кўҳак дарёсининг нариги тарафида жойлашган. У ерда турли хил сояли ва мевали дарахтлар кўплаб учрайди. «Ғаройиб» муаллифининг ёзишича, халифа Маъмун бир куни бир кишидан Самарқанд ҳақида сўради. У жавоб берди: «Самарқанд худди Ой айланаси кабидир, унинг дарёси эса самовий сарой дарёси мисолидир, далалари эса гўё осмон ёритгичлари кабидир».

Бу шаҳарда ва унинг атрофларида етиштириладиган асосий ўсимликлари дон ва мевалардир. Мевалар ичида узум, гилос ва олма яхши ўсади. Самарқанднинг четга чиқарадиган асосий моллари эса қоғоз, яшил мармар, қурилиш тахтаси, оҳак ва олмадир.

Оби Раҳмат булоғи бу ернинг зиёрат қилинадиган масканларидан биридир. Ўша вилоятда шундай гап юради: ҳар ким Наврўз куни ўша булоқда чўмилса, гуноҳлари тўкилади. Шу боис барча шу булоқ олдида тўпланадилар, унинг сувидан ичиб, шу сувга ювинадилар.

Илгари даврларда Хўжанд, Ўратепа, Жиззах ва бошқа шарқий вилоятлар Самарқандга қарар эди. Ҳозирги кунда эса Оққўтал ва Шўрабозор оралиғидаги ерлар бу вилоятга тобедир. Соғарж, Алиобод ва Шероз Самарқанднинг машҳур шаҳар ва қишлоқлари саналади.

Сомонийлар даврида пойтахт Бухоро шаҳрига кўчирилган бўлишига қарамай, Самарқанд ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ҳатто Бухоро пойтахт шаҳар бўлишига қарамасдан Самарқанд ўша пайтларда ҳам Мовароуннахрнинг энг катта шаҳри бўлиб қолаверди ва сомонийлар даврида янада гуллаб – яшнади.

Вақфномада цтрайдиган яна бир жой номларидан бири Сағониёндинр. Маҳмуд ибн Вали Сағониённи қуйдагича тасвирлайди: Сағониён Мовароуннахрнинг тўртинчи – бешинчи иқлимларида жойлашган йирик вилоятлардан биридир. Термизнинг шимолида, Кеш ва Самарқанднинг жанубида жойлашган. Жайхун дарёсига қуйиладиган кўпгина ирмоқлар шу вилоятдан оқиб ўтади. Уни яна Чағониён деб ҳам атайдилар. Бугунги кунда эса маркази Ҳисори Шодмон шаҳри бўлгани боис Ҳисор деб атайдилар. Ҳисори Шодмон – тоғнинг тепа қисмида жойлашган мустаҳкам бир қалъадир.

Бир сўз билан айтганда, бу вилоят ўша ўлканинг машҳур вилоятларидан биридир. Бу вилоятда туманлар ва қишлоқларнинг сони жуда кўп. Унинг энг катта туманларидан бири Деҳи нав бўлиб, шу ерда қадимда Чағониён жойлашган бўлган ва унинг пойтахти бўлган. Деҳи нав ҳозирги кунда ҳам катта шаҳар ҳисобланиб, унда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, юозорлар сони кўп. Сағониённинг яна бир йирик шаҳри бу Шаҳри Сафодир. Бу шаҳарда мустаҳкам қалъа жойлашган бўлиб, унда ҳукмдорнинг қароргоҳи жойлашган. Сағониён ажойиб иқлим ва гўзал тепаликларга бой ўлка ҳисобланади. Бу вилоятда бугдой ва қовун яхши ўсади. Сағониённинг учинчи муҳим шаҳарларидан яна бири Жавзий шаҳри бўлиб, бу шаҳар ҳам вилоятнинг гўзал шаҳарлари сирасига киради. Сағониённинг яна бошқа машҳур шаҳарлари сирасига Тўфалон, Сешанба татар, Душанба қора мир шакар ва Хулгату шаҳарларини киритиш мумкин.

Вилоятнинг ўзига хос мўжизаларидан бири шуки, Ҳисори Шодмон олдида бир тоғ бор. Агар бирон кимдир унинг чўққисига чиқишни удалай олса, ўша зохоти хаво айниб ёмғир ёга бошлайди. Бу вилоятда учрайдиган яна бир ҳолат шуки, Хулгатуга тобе Хулгатуга тобе бир қишлоқ мавжуд. Бу қишлоқдаги еркагу аёл ёмон бир касалликка чалинган. Иш шу даража бориб етганки, болалар ана шу касалликка чалинган ҳолда тугладилар. Бу ёмон иқлим натижасидир, чунки қишлоқ чангалзор ва қамишзор орасида жойлашган. Бу қишлоқ ахлидан барча жирканиши боис, улар умуман бошқа ерга кўчиб ўтмайдилар.

Сағониёнда дарёлар сони жуда кўп. Сағониёнликлар асосан шоли, бугдой, узум ва олма етиштирадилар. Юқорида айтилганидек қовун бу ерда яхши ўсади. Тоғларида

табиблар ва туялар учун шифобахш гиёҳлар жуда кўпдир. Сағониёндан чет элларга асосан дон маҳсулотлари, отлар, туялар ва мис идишлар олиб чиқилади.

Аҳолиси аралашдир. Туб Сағониёнликлар анча маълумотли ва дарвиштабиат халқдир; жасорат ва матонатда уларга тенг келадиган йўқдир. Бу ернинг иқлими одатдагидан кўра бир даражага паст бўлгани боис, бу ерда хушбичим ва чиройли одамлар камдир. Ҳозирги кунда Сағониённинг аҳолисининг асосий қисмини кўчманчи қабилалар ташкил қилади. Соғниён ҳам Ўрта Осиё тарихининг барча даврларида муҳим рол ўйнаган [Махмуд ибн Вали: 58 – 59].

Туркистон – форсча сўз бўлиб, «турклар мамлакати» деган маънони англатади. Албатта эронликлар Туркистон деганда фақат Туркистоннинг жанубий қисмини, яъни Эрон билан чегара қисмини тушунганларки, бу чегара ҳам сиёсий вазиятларга қараб ўзгариб турган. VI асрдаёқ Ўрта Осиёда пайдо бўлган турклар Амударёгача кириб боришга муваффақ бўлганлар. Шунинг учун сосонийлар даврида Амударё турклар ва форслар мамлакати ўртасида чегара қилиб белгиланган.

Арабларнинг ғалабали юришлари натижасида турклар шимолга қадар сиқиб чиқарилдилар, шунинг учун IX ва X аср араб географлари учун Туркистон Амударёдан эмас, балки ундан ҳам шимолроқ ерлардан бошланган. Улар Туркистонни Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий тарафларида жойлашган деб ҳисоблаганлар. Сирдарёнинг шимолидаги Фарғонада жойлашган Косон шаҳри Туркистон мамлакати бошланадиган ерда жойлашган деб ҳисобланган. Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Жанд ва Шаҳркент шаҳарлари ҳам Туркистон шаҳарлари сирасига киритилган. Шунингдек, Хўтан шаҳри ҳам Туркистон шаҳарларидан ҳисобланган [Бартольд 1968 : 518].

Маълум бўлмоқдаки, «Туркистон» атамаси қадим замонларданок ўзига хос сиёсий атама бўлиб шаклланишга улгурган, лекин турли даврларда сиёсий вазиятларга қараб унинг географияси, чегаралари ўзгариб турганлигини кўриш мумкин. Махмуд ибн Вали ўз асарида Туркистонни шундай тасвирлайди: Туркистон кенг ва ажойиб мамлакат бўлиб, ўз ичига кўплаб шаҳарларни, чўллар ва текисликларни қамраб олади – ки, унга тобе ерлар бешинчи, олтинчи ва еттинчи иқлимларнинг шарқий тарафларида жойлашган. «Ғаройиб» муаллифининг сўзларига кўра, у Сайхуннинг шимолий соҳилларидан то Қорамурон дарёси соҳилигача бўлган ерларни қамраб олади. Бу ерлар ҳозирда Мўғулистон деб аталиб, Қошғар, Ёркенд, Хўтан, Тибет, Биллуристон, Шимолий ва Жанубий Хитой унга тобе эмасдир. Бу крларни Тур ибн Фаридунга нисбат берганлари ҳолда Турон деб атайдилар.

Бир сўз билан айтганда Туркистон мамлакати қадимда ҳам кейинги даврларда ҳам Тур ибн Ёфаснинг авлодлари истиқомат қиладиган юрт сифатида тушинилган.



Бу мамлакат халқи ҳар бир даврда ўзига хос номга эга бўлган. шу тариқа Тур ибн Ёфас давридан сўнг то Мўғул хони пайдо бўлгунига қадар бу мамлакат аҳолиси турклар деб аталган. Мўғулхон ҳокимиятни ўз қўлига олганидан сўнг бу ерлар аҳолиси мўғуллар деб атала бошладилар. Бу ерларда Ўзбекхон давлати қарор топганидан сўнг бу ерларда яшайдиган халқ ҳам то ҳозирги кунга қадар ўзбеклар деб аталадилар. Аммо узок мамлакатларда бу ерликларни худди илгарги вақтларда бўлгани сингари турклар деб атайдилар.

Бу мамлакатнинг иқлими салқиндир. Ҳозирги кунда унумдор ерлар шаҳар ва қалъалар у ерда камдир. Бугунги кунга келиб, бу ернинг катта қисми қалмиқ ва қирғиз қабилаларининг яшаш жойларига айланган. Уларда мусулмонлик аломатлари камдан – кам намоён бўлади. Уларнинг асосий истеъмол қиладиган озуқаси от ва қўй гўшти бўлиб, уларнинг сутини ичиб юрадилар ва шу ҳайвонларнинг териси ва жунидан ўзларига кийим тикиб кийиб юрадилар. Қабила сардорларини ҳам ўзларининг ичидан танлаб оладилар. Бир – бирларига қарши талончилик юришларини уюштиришларини кузатадиган бўлсак, уларнинг бошқа қиладиган ишлари йўққа ўхшайди.

Туркистоннинг четга чиқарадиган асосий моллари – октерак, қундуз мўйнаси, қулранг олмахон мўйнаси, шунингдек тулки териси ва мўйнаси, қуллар ва жориялар, қўй, оқ лочин ва бошқа нарсалар.

Иқлим ва ер яхши бўлган жойдарда қўйлар тўрттагача болалайди. Уларнинг энг каттаси баъзан уч – тўрт ёшли қўзига ҳам ўхшаб кетади [Махмуд ибн Вали: 32 – 33].

«Қомус ал – аълам» асарида эса Туркистон, унинг иқлими, чегаралари қуйидагича баён қилинади: Туркистон Осиёнинг бир буюк қитъаси бўлиб, турк ақвоми ила маскундир. Шималон Сибирё ила, Ғарбон Баҳри ҳазар – ла, жанубон Эрон ва Афғонистон ила, шарқи жанубий жиғатиндан дахи чин ҳудуди ила маҳдуддир. Бу қитъа вақт ила даҳо буюк ўлуб, ҳозирда Туркистони шарқий ва ё Туркистони Чиний денилан ва Тибетнинг шимолинда воқеъ ўлан буюк бир хаттийи дахи жомеъ эди.

Қисми жанубийси Мовароуннаҳр ва ғарби жанубий қисми Хоразм исмлари ила дахи маъруфдир.

Ерлари умумий олганда текис ва олчоқ (пасттекисликлардан иборат) ўлуб, ёлғиз жануби шарқий жиҳатинда Чин ва Афғонистон ҳудудини ойирон баланд тоғларнинг шўъбалари бўлиниюр. Бошқа тарафлаирнинг катта қисми чўл ва қумлик ўлуб, қирғиз аширотларининг жавлонгоҳидир. Қисми жанубийсинда Жайхун ва Сайхун ирмоқлари жарён эруб, Орол кўлина, яъни Баҳри Хоразма дўкилур ва курак кендилари курак Зарафшон каби бунлара мансуб ўлан баъзи наҳрлар мажроларина тасолиф эдан ерлари ихё эдурлар. Мазкур Орол кўлидан бошқа Туркистоннинг қисми шарқисинда Иссиғқўл ва Балхаш исмлари ила буюк икки кўл бўлинуб, Сари су, Чу ва Тўрғай каби бир қоч (қанча)

наҳр дахи васат ва шимол жиҳатларинда жараёнла, кумларда нобдид ўлурлар. Ҳавоси қишин одатдан ташқари совуқ ўлмағла баробар, ёзин пек (жуда) сижок (иссик) ва ҳар мавсумда ёбасдир [Қомус ал – аълам III: 1639 ].

Юқорида келтирилган манбаларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, Туркистон деб асосан кўчманчи туркий қабилалар истиқомат қиладиган ерларга айтилган. Қорахонийлар давлати ҳам айнан Туркистонда ташкил топади. X аср охирларида Туркистондан уюштирилган қорахонийлар ҳужуми натижасида Мовароуннаҳрдаги сомонийлар бошқарувига барҳам берилади.

Хоразм – Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган вилоятдир. Дельтадаги унумдор ерда жойлашганлиги туфайли Хоразм қадимги даврларданок Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган. Геродотнинг фикрича, Ак дарёси бўйида юзага келган воҳа форслар ҳукумронлиги ўрнатилгунга қадар хоразмийларга тегишли бўлган. Бундан хулоса чиқаришимиз мумкинки, Хоразм ўлкаси Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихида муҳим роль ўйнаган. Гекатейнинг фикрига кўра, хоразмийларнинг юрти Парфиядан шарқ томонда жойлашган бўлган; пойтахти Хорасмия шаҳри бўлган. Геродот берган маълумотларга кўра, хоразмийлар ва парфияликлар Ксеркс қўшини таркибида алоҳида қўмондон бошчилиги остида алоҳида бир гуруҳни ташкил қилганлар.

Македониялик Александр даврига келиб, хоразмийлар бу вақтда форсларга тобе эмас эдилар. Форс истибдоди қачон ва қай тариқа ағдарилгани маълум эмас. Арриан берган маълумотларга кўра, 328 йил баҳорида Александр Бақтра шаҳрида 1.500 суворий билан келган Хоразм ҳукмдори Фарасманни қабул қилган. Фарасман гўёки унинг давлати чегаралари Ғарбда Қора денгиз бўйидаги Колҳида давлатигача чўзилганлигини таъкидлаган экан. Курий эса ўз асарида фақатгина хоразмийлар ҳукмдори юборган элчилик ҳақида гапиради. У Хоразм ҳукмдорини Фратаферн деб атайд.

Шундан сўнг VIII асргача Хоразмда содир бўлган сиёсий ўзгаришлар ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. Унинг ўша даврлардаги географик ҳолати ҳақида ҳам етарли малумотлар йўқ.

Беруний хабар қилган салавкийлар эрасидан 980 йил аввал (милоддан аввалги 1292 йил) Хоразм маданиятининг бошланиши ва 92 йил ўтиб (милоддан аввалги 1200 йил) Сиёвушнинг келиши ва унинг ўғли Кайхисравнинг ҳокимиятни эгаллаши ҳақидаги маълумотлар ва шу маҳаллий қаҳрамон орқали маҳаллий сулоланинг пайдо бўлиши афсонадан бошқа нарса эмас. Берунийнинг бу сулола ҳақида берган маълумотлари 304 ва 905 йиллар оралиғидаги даврни қамраб олади.

Берунийнинг хоразмийлар тақвими ва байрамлари ҳақида берган маълумотлари шундан далолат берадики, Хоразмда VIII асргача, Зардуштийларда эса XI асргача архаик

эроний маданият сақланиб қолган. Зардуштийлардан ташқари Хоразмда ўша пайтда несториан мазҳабидаги христианлар ҳам мавжуд бўлган [Бартольд 1966 : 544 – 545].

Маҳмуд ибн Вали эса Хоразмни қуйдагича тасвирлайди: Хоразм бешинчи иқлимга мансуб йирик мамлакат бўлиб, иқлими совуқдир. Унинг пойтахти қадимги Эрон шоҳлари давридан бери то шу кунгача қадар Урганч шаҳри бўлиб келди. Йигирма йил аввал Жайхун дарёси сувининг ўзанини ўзгартириши оқибатида пойтахт Хива шаҳрига кўчирилди. Хива шаҳри анча кенг ва ҳавоси яхши шаҳардир [Маҳмуд ибн Вали: 43].

«Қомус ал – аълом» асарида эса Хоразм, унинг тарихи, табиати ва бошқа хусусиятлари анча кенг ёритилган: Хоразм Баҳри Хазарнинг жиҳати шарқиясинда ва баҳри мазкур ила Орол кўли ва Жайхун ирмоғи орасинда бир хитто (жой) восеъа ўлуб, ... бу жой қадим замонлардан бери бу исмла маъруф ўлуб, ҳатто Ҳеридутнинг «Тарих» инда дахи (шунингдек) бу важҳла махкур ўлдиғи каби, ўрта асрларда ва таворихи исломияда дахи Хоразм исми буэк бир аҳамиятла ёд ўлинур. Хоразм хиттоси ғарбон Баҳри Хазар – ла, жанубон дахи Хуросон ери ила муҳот ва маҳдуд эди.

Жайхун ирмоғининг мажроси Хоразми Мовароуннаҳрдан ойирур эса – да, Орол кўлига қариб (яқин) ўлан қисми шимолийсинда Жайхуннинг соҳил яқининда, яъни шарқ жиҳатиндаги ерлар дахи Хоразмдан иддао қилинур. Орол кўли дахи бу хитто (ер) йа мансуб ўлуб, ахсар жўғрофийлар Ислоом осоринда Баҳри Хоразм исми ила мазкурдир. Хоразм ери баъзи маъмуралара ва бир чўқ чўллара ҳовии (эга) ўлуб, маркази Журжония ва номи дигари у Гурганч шаҳри эди.

Чўл ўлмаён ерлари хийла маъмур ва ободон ўлуб, улум ва маориф дахи лойиқи ила тараққий этмиш ўлдиғиндан, маданият замонларинда Хоразмдан бир чўқ уламо ва адиббо ва соир машоҳир зуҳур этмишдир.

Ёкут Ҳамавийнинг ва соир мусулмон муаллифларнинг ривоятина кўра, Хоразм аҳолиси турк жориялари истифрош этмак сабаби ила сиймоча (кўриниш жиҳатидан) туркларга мушобих (ўхшаш) эсалар – да, кендилари турк ўлмаюб, эронийлардан маъдуд ва шу билан бирга кендиларина махсус бир лисон – ла мутакаллим эдурлар. Лисони форсийнинг шўъбалариндан ўлмаси малҳуз ўлан (гумон қилинган) бу лисон адабиётдан махрум ўлмағ – ла, мурури замон – ла, унудилиб, лисони адабий маҳали ҳукмина кечмиш ўлан форсий дахи турк ўланароқ, Чингиз ва Темурнинг ғалабасиндан сўнгра уролара (у ерларга) турк ва туркман ақвоми келмиш ўлдиғиндан, бугунги кунда лисони маҳаллий шарқ туркчасидир. Ёлғиз шаҳар ва қасабаларда лисони форсий ила мутакаллим тожик таъбир ўланур бир синф аҳоли қолмишдир.

Хоразм ери исломий китобларда мавсуми қишдаги бурудат (совуқ) ҳавоси ила дахи машҳурдир. Бу ер ҳазрат Усмон розияллоҳи анхунинг замони хилофатинда фатҳ

ўлинароқ, хилофати аббосия замонинда сомонийлар ва салжуқийлар идораси остинда бўлиндиқдан сўнгра, 440 тарихинда давлати силжуқия умаросиндан Қутбиддин Муҳаммад Хоразмда касби истиқлол этмак – ла, ойрича бир давлат таъсис этмиш [Қомус ал – аълом III: 544]

Хоразм сомонийларга номигагина тобеъ бўлган ва сомонийлар давлати заифлаша бошлагач, мустақил бўлиб олади, бироқ 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий томонидан эгалланиб олади.

Вақфномада булардан ташқари яна бошқа жойлар номлари ҳам келган бўлиб, биз фақат энг асосий деб топганларимизнигина кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Умуман олганда, ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва вилоятнинг сомонийлар бошқаруви даврини ўрганишда ўз ўрни бор.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр Шарқнинг энг илғор мамлакатлари қаторига кирди. Айниқса, Исмоил Сомоний даврида Мовароуннаҳр ўлкаси гуллаб – яшнади, ҳар тарафлама ривож топди. Исмоил Сомоний Мовароуннаҳрни алоҳида мустақил давлат даражасига олиб чиқа олди.

900 йилда Балх яқинида бўлиб ўтган жангда Амир Лайс устидан зафар қозонганидан сўнг, Исмоил Сомоний Хуросон вилоятини ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олади. Шундан кейинги асрларда ҳам Хуросон Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутди.

Балх шаҳри ҳам сомонийлар тарихида катта ўрин тутди. Бунинг боиси, сомонийларнинг бобокалони Сомон – худотнинг Балх яқинида ўзининг номи билан аталувчи қишлоғи бўлган. Балх шаҳри ҳам ўзининг уламолари, олимлари ва уста хунарамдлари билан машҳур бўлган.

Исмоил Сомоний ўз акаси томонидан Бухорога ҳоким қилиб юборилгач, бу шаҳар мисли кўрилмаган ўзгаришларни бошдан кечирди. Бухоро шундан сўнг буюк сулола ва улкан давлатнинг пойтахтига айланади.

Сейистон вилояти сомонийлар давлати таркибига Исмоил ибн Аҳмад ва Амр Лайс ўртасида бўлиб ўтган жангда Исмоил Сомоний ғалаба қозонганидан сўнг қўшиб олинади. Аммо сўнгги сомоний ҳукмдорлар вақтида Сейистон ноиблари уларга қарши исён қилдилар.

Сомонийлар даврида пойтахт Бухоро шаҳрига кўчирилган бўлишига қарамай, Самарқанд ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ҳатто Бухоро пойтахт шаҳар бўлишига қарамасдан Самарқанд ўша даврларда ҳам Мовароуннаҳрнинг энг катта шаҳри бўлиб қолаверди ва сомонийлар даврида гуллаб – яшнади.

Сағониён, Туркистон, Хоразм, шунингдек бошқа шаҳар вилоятлар бу сулола даврида Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим роль ўйнадилар. Жумладан, Сағониён

Мовароуннахрнинг йирик вилоятлари қаторига киритилади. Тоғларида одамлар ва хайвонлар учун фойдали бўлган шифобахш гиёҳлар кўплиги маълум бўлди.

Айнан турклар мамлакати, яъни Туркистондан ғарб томон ҳаракат қилган қорахонийлар бу ўлкада тобора заифлашиб бораётган сомонийлар давлатини тугатдилар ва янги сулола бошқарувини бошлаб бердилар.

### ХУЛОСА

Шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу ҳужжат нафақат Исмоил Сомоний вақф ерларини ўрганишда, балки, шунингдек, сомонийлар тарихини ҳам ўрганишда манбаа бўлиб хизмат қилади, чунки унинг асосий қисми сомонийлар сулоласи тарихидан иборат.

IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ҳужжат бир мунча тарихий воқеаларни ўз ичига олиши билан бирга баъзи масалалар бўйича янгича фикр юритиш, талқин қилиш учун асос бўлади.

Мавжуд маълумотлар асосидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Баҳром Чубин қадимги кушан ёки массагет Аршакийлари конфедератсияси таркибига кирган қадимги туркий қабила ёки уруғга мансуб бўлиши мумкин. Эроний бўлмаган бошқа қўшни халқларнинг вакиллари сингари у ҳам Сосонийларнинг ҳарбий хизматида бўлган.

Баҳром Чубин Хуросон марзбони лавозимида бўлган вақтда Балх ва унинг атрофларида унга тегишли ерлар бўлган. Бу ерлари араблар босқинига қадар мавжуд бўлиб унинг авлоддарига қарашли бўлган ва Чубин ёки Чубинобод деб аталган.

590 йилда Баҳром Чубин турклар билан битим тузиб, Балхда Сосонийларга қарши кўзғолон кутарган ва пойтахт шаҳар Ктесифонни эгаллаган. У ҳокимиятни бир йил ушлаб турган, кейин эса Византия қўшинларидан мағлубиятга учраб, турклар олдиға қочишга мажбур бўлган. У Тўхористоннинг биринчи турк йабоғуси, кейин эса Кук турк ҳокони Элтегин (Пармуда) нинг дуста ва маслахатчисига айланиб, унинг кизига уйланган. Унинг охирги яшаган жойи Фарғонадаги Кубо шаҳри бўлиб, унинг турк маликасидан бўлган авлодлари, яъни Сомонийларнинг аجدодлари ҳам ўша ерда яшаганлар. Турклар 618 йилда эфталитларни узил кесил енгиб, Тўхористонни эгаллагандан кейин улардан баъзилари Балхга қайтадилар ва Баҳром Чубинга қарашли бўлган ерларни қайтариб оладилар. Жаббохон ва Сомон-худот Баҳром Чубиннинг тўртинчи ва бешинчи поғонадаги авлодлари бўлган.

Манбаларда Сомон-худотнинг келиб чиқиши турклардан бўлганига ишора қилувчи бир неча маълумотлар мавжуд. Улардан фақат баъзилари ишончли деб қабул қилиниши мумкин - ал-Мукаддасий (X аср) нинг Сомой қишлоғи турклари ҳақидаги маълумот, ас-Самъоний (XII аср) нинг Балх яқинидаги Жаббохон қишлоғи ҳақидаги маълумот ва шу исмли шахснинг X - XII аср манбаъларида Сомонийларнинг аждоди сифатида қайд этилиши, «Фазоил-и Балх» (XII аср) да Сомонийлар ва Бармакийларнинг Жаббохон

қишлоғидан келиб чиққанлиги ҳақидаги маълумот ва уни тасдиқловчи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) нинг «Бахр ал-асрор» асаридаги маълумотлар. Сўнгги ўрта асрлар манбалари (Рашид ад-дин, ал-Лорий, Муставфий-и Казвиний, Мирхонд, ал-Устурлобий, «Саъдия», Исмоил Сомоний вақфномаси) да келтирилган Сомон-худотнинг отаси, Сомон-ябғу, Арқуқ ва Кокулдор ҳақидаги маълумотлар ривоят бўлса ҳам ҳақиқатда юз берган воқеалар ҳақида ахборот беради. Мансур ибн Нух чиқарган медалъонда Тун ябғу-хоқон ёки Жаббохоннинг сурати тасвирланганлиги эса бу маълумотларни тасдиқлайди.

Демак, мавжуд маълумотларга асосланиб, айтиш мумкинки, Сомон-худот Сосонийлар сулоласига тегишли бўлган форс оиласига мансуб [Гафуров 1958: 51 - 55; Негматов 1977: 18; Mercil 1994: 253] бўлмаган, балки ўз бобокалони Баҳром Чубин сингари ўғуз туркларидан келиб чиққан. Баҳром Чубин Хуросоннинг эронийлашган қадимги ўғуз турклари ичидан етишиб чиққан бўлса, Сомон-худот унинг Кўк турк хоқонлари оиласининг маликаси билан тузган никоҳидан туғилган авлоди бўлган. Унинг она тарафидаги қариндошлари Фарғонадаги Қубо шаҳрида истиқомат қилган. Шунинг учун манбаларда Баҳром Чубин авлодлари исломгача Мовароуннаҳр подшоҳлари бўлган деб кўрсатилган. Чунки фақат олий турк хоқонлари оиласига мансуб подшоҳлар бутун Мовароуннаҳрда ҳукм сурган. Унинг отаси Жаббохон исломгача Балх ҳокими бўлиб, унвони ябғу (жабғу), исми эса Туғрул бўлган. У Балхнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Жаббохон номли қалъада истиқомат қилиб, унинг ичида уғли Сомон учун ҳам алоҳида маҳалла ҳуриб берган.

Жаббохон Навбаҳор номли буддавий ибодатхона ва монастирнинг асосчиси бўлиб, шу ибодатхонанинг қўҳинлари Бармакийлар унинг авлодлари бўлган. Араблар 90/709 йилда Балх шаҳрини ишғол қилиб, Навбаҳор ибодатхонасини вайрон қилгандан кейин Жаббохон Туркистонга кетиб, хали туркларга қарашли бўлган аш-Шош шаҳрида ҳокимиятни қулга олади, лекин 134/751-52 йилдаги Талос жангидан кейин бу шаҳар ҳам арабларга тобеъ бўлади.

Сомон-худот Марвга Фарғонадан келиб, Тохир ибн ал-Ҳусайн ёрдамида ислом динини қабул қилади. Ислом динини қабул қилгунга қадар у отаси Жаббохон ва Бармакийлар сингари буддавий динига эътиқод қилган. Унинг туркча исми Арқуқ, буддавий исми эса Сомон бўлган. Туркларнинг одатига кўра, у сочини қокил қилиб ўраб юрган, шунинг учун Ҳуросонликлар унга Кокулдор деб лақаб қўйганлар. Отаси Жаббохон сингари у ҳам ябғу (жабғу) деб аталган бўлиб, бу унвон Тўхористон туркий ҳукмдорларининг сулолавий унвони бўлган. Сомон-худот (Сомон-ябғу) Тўхористоннинг турли вилоятлари (Термиз, Хутталон, Самангон) да бир нечта қишлоқларга асос солиб, бу қишлоқлар унинг исми билан Сомон деб аталган. Эҳтимол у оддий қишлоқларга эмас,

балки бобокалони Эл-тегин (Пармуда) ва отаси Жаббохон сингари буддавий ибодатхона ва монастирларга асос солган.

Сомон-худот ўзининг аجدодлари сингари Ўрта Осиёнинг шаҳар туркларига мансуб бўлган. Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ ва шаҳар туркларининг авлодлари XX аср бошларида «сарт» деб аталган. Ўзларининг маданиятига кўра, улар кўчманчи туркий халқлардан ҳам, ўтроқ эроний халқлардан ҳам кескин фарқ қилганлар [Камолиддин 2004: 63 - 64]. 1924 йилда болшевиклар томонидан амалга оширилган маъмурий бўлинишдан кейин улар ҳозирги ўзбек халқининг этномаданий асосини ташкил этдилар [Камолиддин 2004 а: 34 - 41 ]. Демак, Сомонийлар сулоласининг Ўрта Осиёда ҳукм сурган даври ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида баҳоланиши лозим.

Наршахий, Табарий, Самъоний, Балъамий, Ибн ал-Асир, Мирхонд ва Низом ул-мулк асарларини ўқиш орқали биз вақфномада келтирилган сомонийлар сулоласи тарихини янада аниқроқ тушуниш имкониятига эга бўламиз.

IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрда Сомонийлар давлати Марказий Осиё минтақаларининг катта қисмида ҳукмронлик қилдилар. 875 йилда аббосий халифа Муътамид Наср ибн Аҳмадни Мовароуннаҳр ҳокими қилиб тайинлагач, бу ўлкада иқтисодий ва маданий ривожланиш бир мунча авж олган эди. Исмоил ибн Аҳмад даврида (892-907) сомонийлар давлати марказлашган кучли давлатга айланиб, унда иқтисод, маданият яна ҳам тараққий этган. Исмоил Сомоний Бухоро шаҳрини пойтахтга айлантиради. У Мовароуннаҳр ҳокими бўлиб олгач, аввалги сомоний ҳукмдорлар каби Самарқандда эмас, Бухорода яшай бошлади. Аммо X асрнинг иккинчи ярмида ички зиддиятлар кўпайиб сомонийлар ҳукмронлигини кучсизлантирди. Нух ибн Наср ҳукмронлиги даври (943-954) да сулоланинг тушкунлик ва инқирозга юз тутишининг очик-ойдин белгилари намоён бўла бошлади. Сомонийларга қарам бўлиб келган вилоятларда, хусусан Хуросонда кўтарилган исёнлар, ворислар ўртасида тахт учун олиб борилган бетиним курашлар сомонийлар давлатининг заифланишига олиб келди. Бундан эса Қорахонийлар устунлик билан фойдаландилар. X аср охири – XI аср бошларида қорахонийлар Мовароуннаҳрни сомонийлардан тўлиқ тортиб олдилар ва ўлкадаги бу сулола ҳукмронлигига барҳам бердилар.

X аср – Сомонийлар асри араб географик адабиётининг энг гуллаган даври ҳисобланади. Бу даврнинг энг сара асарлари голланд шарқшуноси Гуге томонидан *Bibliotheca geographorum arabicorum* (BGA) номли 8 жилдлик тўпلامга киритилди. Бу тўпلامда мусулмон дунёсининг барча вилоятларининг батафсил ёритилганлигини, шаҳарлар, дарёлар, сунъий суғориш иншоотлари, савдо-сотик, урф-одатлар, диний эътиқодлар ва ҳатто диалектик хусусиятлар ҳақида кўплаб маълумотларни топишимиз мумкин. Сомонийлар давридаги Туркистон ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимиз ундан

аввалги ва кейинги даврлар билан қиёслаган ҳолда анча бойийди. Араб географларининг маълумотларига кўрагина Ўрта Осиё иқлимнинг қуриб бориши ҳақидаги баъзи назарияларни инкор қилиш имкониятига эга бўлдик. X асрдаги Туркистон ҳаёти борасидаги маълумотлар маданий ва чўл минтақаси вилоятларининг тақсимланиши худди ҳозиргидек бўлганлигини кўрсатмоқдаки, қуриш жараёни, агар у содир бўлаётган бўлса ҳам, шунчалик секин содир бўлмоқдаки, минг йиллар давомида бу минтақага ҳеч қандай таъсирга эга эмас.

Ислом динининг илк асарлари Туркистон учун юқори ривожланиш даври ҳисобланади.

Араблар Форсда (Шероз, Қум) ва Кавказ бўйида (Гянжа) амалга оширганларидек Туркистонда янги шаҳарлар барпо қилмадилар. Мавжуд бўлган шаҳарларнинг майдони кенгайиб борди. Ўтган давр ёзма манбаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Марв, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларнинг майдони анча кенгайиб борган.

X асрнинг биринчи ярмида яшаган географларнинг тасаввурларига кўра, Ислом динининг ёйилиши чегаралари шимоли-шарқда сомонийлар давлати чегаралари билан мос туташ эди. Турклар Сирдарё атрофида яшайдиган ва Ислом динини қабул қилиб, сомонийларга тобеликка ўтган турклардан ташқари барча ерларда мусулмонларга қарама-қарши қўйилади. Шимоли-шарқда жойлашган Талос шаҳри чегара олди савдо-сотик пункти ҳисобланар эди. 893 йилда Талос дарёси бўйидаги жангда ғалабадан сўнг ўша ердаги черков масжидга айлантирилган эди. Бундан хулоса чиқаришимиз мумкинки, бу ерларда Ислом дини тарғиб-ташвиқотидан аввал христианлик дини кенг тарғиб қилинган. Ибн Ҳавқал сўзларига кўра, мусулмонлардан биронтаси Талосдан уёғига ўта олмаган, боиси бу шаҳардан сўнг туркий қарлуқ қабилалари ерлари бошланар эди. X асрнинг иккинчи ярмида яшаган географ Мақдисийнинг сўзларига кўра эса ўша пайтлардаёқ Талосдан шарқда жойлашган ҳудудларда масжидлар бўлган. Марки шаҳрида аввалроқ Талосда бўлгани каби черков масжидга айлантирилган. Ўша аҳоли манзили яқинида, шунингдек, бир сомоний амалдори тарафидан работ қурилган. Тарихчилар 960 йилда туркий халқларнинг оммавий бўлиб, (200 минг чодир) исломга ўтганлигини ва бунда ҳеч қандай диний урушлар бўлмаганлигини ёзадилар.

Вақфномада келтирилган сомонийлар давлати тарихи, асосан, ушбу сулола ҳукмдорлари даврида рўй берган асосий воқеа-ҳодисаларни камраб олади, ва албатта, уларни ўрганиш чоғида юқорида зикр қилинган муаллифлар асарларини ҳам ўқиш талаб этилади.

Умуман олганда, Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Марказий Осиё минтақалари юқори иқтисодий ва маданий тараққиётга эришган ҳудуд



эди. Шу даврларда аҳоли сони кўпайиб, янги қурилишлар ҳисобига шаҳарлар кенгайиб, ҳашаматли иморатлар қад кўтариб, салобатли масканларга айланган эди.

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёда илм-фан ниҳоятда тараққий этиб, бутун дунёга машҳур олимлар етишиб чиқдилар. Ўрта Осиё янги бир ривожланиш даври босқичига қадам қўйди. Сомонийлар ҳукмронлиги даври Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим бир даври ҳисобланади. Сомонийлар сулоласи Марказий Осиё халқларининг миллий давлатчилиги шаклланишига муҳим ҳисса қўшдилар.

Юқорида вақфномаларда баён этилган вақф ерларини таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, Исмоил Сомоний асосан Бухоро вилоятида жойлашган қишлоқларни ўз авлодларига вақф сифатида таъсис этган. Исмоил Самоний юқорида санаб ўтилган ерларни нафақат ўз авлодларига балки, шу жумладан, мавлолари, камбағал мусулмонлар, уламо ва фуқаролар учун ҳам вақфга айлантирган.

Авлодлари учун вақф қилинган ерлар фақат ўша сулола вакиллари тасарруфи остида бўлган ва бу ерлардан бошқа мақсадлар учун солиқ олиш мутлоқ таъқиқланганини кўриш мумкин. Вақфномада қишлоқларнинг аниқ чегаралари аниқ кўрсатиб ўтилган. Вақф мулклари Бухоро шаҳри яқинида, Сомжан, Хутфар ва Пойи Руд туманларда жойлашган.

Вақфноманинг қонуний иш жараёни кўрилган қисмида биз Бухоро қозиси ҳар иккала вазиятда ҳам сомонийлар сулоласи вакили фойдасига ҳукм чиқарганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, вақфномалар атамаларга бой бўлиб, улар ўша даврдаги ижтимоий иқтисодий, солиқ усули, ҳунармандчилик, сомонийлар давридаги урф – одат, маданият, уларнинг маъмурий тузуми ва бошқа мааслаларини ёритишда катта аҳамиятга эга. Ҳужжатлар Бухоро ва унинг атрофидекаги катта вва кичик қишлоқларнинг тарихий топонемикасини ўрганишда ҳам қўшимча маълумотлар беради.

Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т. 1998.

Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т. 2008.

Ал-Балхи, Абу Бакр ‘Абд Аллах ибн ‘Умар ибн Мухаммад ибн Давуд Ва’из. Фаза’или Балх, изд. ‘Абд ал-Хайй Хабиби, Техран, 1350/1971.

Бируни, Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А.Салье // Избранные произведения. Т. 1. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957.

Бухарский вакф XIII в. Факсимиле, издание текста, перевод с арабского и персидского, введение и комментарий А.К.Арендса, А.Б.Халидова, О.Д.Чехович. М., 1979 (ППВ – 52).

Гардизи, Абу Са‘ид. Зайн ал-ахбар. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана / Перевод с персидского языка А.К.Арендса. Введение, комментарии и указатели Л.М.Епифановой. Ташкент, Фан, 1991.

Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006.

Исмоил Сомоний вакфномаси, ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №527 “а”.

Исмоил Сомоний мозори вакф хужжати, ММОМҚУФББ, №3499-3510.

Кошгарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-лугот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. 3 томлик. Тошкент: Фан, 1960 – 1963.

Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География) / Введение, перевод, примечания, указатели Б.А.Ахмедова. Ташкент: Фан, 1977.

Махмуд ибн Мир Вали. Бахр ал-асрар фи манакиб ал-ахйар, Рук. библиотеки India Office, инв. № 575.

Наршахий, Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулев таржимаси, мухаррир А.Уринбоев. Тошкент: Шарк баёзи, 1993.

Подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вакфномаси, ЎРМДА, қўлёзма, 323 фонд, № 758/6-7.

Рашид ад-дин, Фазлаллах. Огуз-наме / Перевод с персидского, предисловие, комментарии, примечания и указатели Р.М.Шукюровой. Баку: Элм, 1987.

Ас-Сам‘ани, Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Мухаммад. Ал-Ансаб // Изд. ‘Абд ар-Рахмана ибн Йахйа ал-Му‘аллими ал-Йамани. В 10 томах. Байрут: Мухаммад Амин Дамадж, 1980 – 1981.

Симокатта, Феофилакт. История / / Перевод с греческого С.П.Кондратьева. М.: Наука, 1957.

---

Та'рих-и Систан (История Систана) / Перевод, введение и комментарий Л.П.Смирновой. М.: Наука, 1974.

Фирдоуси. Шах-наме / Критический текст. В 9 тт. М., 1966 – 1971.

Фирдоуси. Шахнаме. Т. 1. От начала поэмы до сказания о Сохрабе / Перевод с персидского, изд. Ц.Б.Бану, А.Лахути, А.А.Старикова. М.: Наука, 1957.

Фирдоуси. Шахнаме. Т. 3. От сказания о битве Ростема с хаканом Чина до царствования Лохраспа / Перевод с персидского Ц.Б.Бану-Лахути. М.: Наука, 1965.

Фирдоуси, Абу-л-Касим. Шах-наме. Сказание о Бахrame Чубине. Перевод с персидского. Сталинабад, 1952.

Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. Ташкент: Наука, 1965.

Dadastan i Denig, Part 1, Transcription, translation and commentary M.Jaafari-Dehaghi, Paris, 1998 (SI, Cahier 20).

Dencard, Le cinquieme livre, transcription, traduction et commentaire par Jaleh Amouzgar et Ahmad Tafazzoli, Paris, 2000 (SI, Cahier 23).

ad-Dinawari, Abu Hanifa, Kitab ahbar at-tiwal, publie par V. Guirgass, Leide: E.J.Brill, 1888.

Frye R.N. The History of Bukhara, translated from a Persian abridgement of the Arabic original by Narshakhi, Cambridge, 1954.

Ibn Haukal, Abu-l-Kasim an-Nasibi, Opus geographicum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967.

Jacut's geographisches Worterbuch aus den Handschriften zu Berlin, St.-Petersburg, Paris, London und Oxford . . . hrsg. von F.Wustenfild, Bd I – VI, Leipzig, 1866 – 1873.

Macoudi, Les prairies d'or, text et traduction C.Barbier de Meynard, t. I – IX, t.2, Paris: Societe Asiatique, 1861 – 1877.

Mustawfi-i Qazwini, Hamdallah The Tarikh-I Guzida or Select History, compiled in A.H. 730 (A.D. 1453) by E.G.Browne with indices of the fac-simile text by R.A. Nicholson, vol. 1, Text ("E.J.W.Gibb Memorial" Series, vol. XIV), Leiden – London: E.J.Brill, 1910.

at-Tabari, Abu Djafar Mohammed ibn Djarir, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1964.

Togan A.Z. Velidi. Oguz destani. Reşideddin Oguznamesi, Terçume ve Tahlili, Istanbul, 1972.

### Илмий адабиётлар

Абдурасул ўгли, Абдухолик. Туркий халклар тарихига оид бир тибетча хужжат // ОНУ, 1997, № 6. 72 – 77 бетлар.

Алиев К. К вопросу о номадах Средней Азии и древнего Азербайджана (Атропатены и Кавказской Албании) // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Труды международной

- конференции по истории, археологии и культуре Центральной Азии в кушанскую эпоху (Душанбе, 1968). В 2-х томах. М., 1974 – 1975. Т. 2. С. 176 – 179.
- Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Т.: Фан, 1975.
- Ал-Мунжид фи-л-луғот ва-л-аълам, Байрут, 1992, 32-нашр (араб тилида).
- Ан-На’им (арабча-ўзбекча луғат), Тошкент, 2003.
- Атаходжаев А. Х. К нумизматической истории Бухары X века // ОНУ, 1997, № 9-10-11, С. 34-39.
- Бартольд В.В. Восточноиранский вопрос // Сочинения в 9 томах. Т. 7. М., 1971. С. 417 – 437.
- Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана / Сочинения в 9 томах. Т. 7. М., 1971. С. 31 – 225.
- Бартольд В.В. К истории персидского эпоса // Сочинения в 9 томах. Т. 7. М., 1971. С. 383 – 408.
- Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Сочинения в 9 томах. Т. 1. М.: Наука, 1963.
- Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л.: Наука ЛО, 1973.
- Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы // Избранные труды. Т. 1. М.: Наука, 1960.
- Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии / Перевод с английского и примечания П.А.Грязневича. М.: Наука, 1971.
- Булатова-Левина В.А. Буддийский храм в Куве // СА, 1961, 3. С. 241 – 250.
- Бўстоний, ал-Муаллим Бутрос. Мухит ул-Мухит, Байрут, 1870 (2 томлик).
- Воҳидов Ш Қодиров А Хронология ва метрология (қисқача қўлланма) Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
- Гумилев Л.Н. Бахрам Чубин (опыт критики источников) // ПВ, 1960, № 3. С. 228 – 241.
- Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Л.: Наука ЛО, 1967.
- Древнетюркский словарь. Л.: Наука ЛО, 1969.
- Идаров С. Поземельное право и податная система по магометанскому законодательству. // Туркестанские ведомости, 1872, №40-41, С.159-166.
- Ибн ал-Мунзир. Лисон ал-Араб. (14 томлик), Байрут, 2005.
- Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. Ташкент: Ўзбекистон, 1996.
-

Камалиддинов Ш. С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Саъда Абд ал-Карима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993.

Камолиддин Ш. С. К вопросу о происхождении Саманидов // *Archivum Eurasiae Media Aevi*, Wiesbaden; 2008. p. 43-70.

Камолиддин Ш.С. Медальон Мансура ибн Нуха, in: АЕМА, 16 (2008/2009), Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2009, p. 113 – 119.

Камолиддин Ш. С. О религиозной принадлежности предков Саманидов // *Культурные ценности* Спб; 2008. С. 13-22.

Камолиддин Ш. С. Образ Бахрама Чубина в фольклоре тюркских народов // *Мозийдан садо* (Echo of History, Эхо истории), Ташкентб 2008, № 4 (40). С. 37-41.

Камолиддин Ш. С. Происхождение Саманидов. Ташкент: IFEAC, 2008.

Камолиддин Ш.С. О религиозной принадлежности предков Саманидов // *Культурные ценности*. 2004 – 2006. Центральная Азия в прошлом и настоящем. Санкт-Петербург, 2008. С. 13 – 21.

Кораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.

Кочнев Б. Д. Борьба Саманидов и Караханидов за Бухару на рубеже X-XI веков // *ОНУ*, 1997, № 9-10-11, С. 31-34.

Кругликова И.Т. Буллы из Джига-тепе // *Древняя Бактрия*. Вып. 3. Материалы Советско-Афганской археологической экспедиции. М., 1984. С. 141 – 151.

Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки. В 2-х книгах. М., 1991.

Кун А. Л. Вакуфы // *Туркестанские ведомости*, 1872, №21, С.85.

Мухамедова З.Б. Несколько слов об антропонимах в «Огуз-наме» из сочинения Салар Баба // *ОСА*. М., 1978. С. 169 – 171.

Охунов Н. Жой номлари таъбири. Тошкент, 1994.

Памятники культуры и искусства Киргизии (древность и средневековье). Каталог выставки. Л.: Искусство, 1983.

Персидско-русский словарь, в 2-х томах (свыше 60 тыс. слов). М., 1970; Персидско-русский словарь, в 2-х томах. М., 1985.

Ростиславов М. Н. Несколько слов о важности вакуфных документов в историческом отношении // *Туркестанские ведомости*, 1873, №42, С. 166.

Ртвеладзе Э.В. Погребальные сооружения и обряд в Северном Тохаристане // *Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана*. В свете новых открытий Узбекстанской искусствоведческой экспедиции. Ташкент: Фан, 1989. С. 53 – 72.

---

Рудакий : Т. Узадабийнашр. 1957 . М. Муинзода таржимаси

Русско-персидский словарь (11 тыс. слов). М., 1982.

Саиджон М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Ма‘ārif wa o’qitghūwčī, 1927, № 9-10. С. 52 – 56.

Семенов А.А. К вопросу о происхождении Саманидов // Труды ИИАЭ АН ТаджССР. Т. 27. Сборник статей, посвященных истории и культуре периода формирования таджикского народа и его государственности (IX – X вв. н.э.). Сталинабад, 1955. С. 3 – 11.

Семенов А.А. Происхождение Термезских сейидов и их древняя усыпальница «Султан-Саодат» // ПТКЛА (11 декабря 1913 г. – 1 апреля 1914 г.). Год 18 (19). Ташкент, 1914. С. 3 – 20.

Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент (материалы 1949 – 1956 гг.). М., 1963.

Усанова М. Исмоил Сомоний вақфномаси // Шаркшунослик, № 6. Тошкент, 1995. 24 – 31-бетлар.

Чехович О.Д. Крестьянские обязательства 1914 г. на основании мнимой грамоты Исмаила Самани // ИЗ, т. 33. М., 1950. С. 260 – 270.

Чехович О.Д., Новая коллекция документов по истории Узбекистана // ИЗ, т. 36, М.: Изд-во АН СССР, 1951. С. 266 – 268.

Чехович О.Д. Обзор археографии Средней Азии // Средневековый Восток. История, культура, источниковедение. М., 1980. С. 267 – 280. (б).

Шониёзов К. Ш. Бухоро ғарбий Қорахонийлар ҳукмронлигида // ОНУ, 1997, № 9-10-11, С. 39-45.

«Қомус ал-Аълум», 6 жилдлик универсал энциклопедия, муҳаррир ва ношир Ш. Сомий, Истанбул, Мухрон, 1888-1899.

Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари, Тошкент, 2005

Browne E.G. A Literary History of Persia, I – IV volumes, vol. 1, From the Earliest Times until Firdawsī (to 1000 AD), Bethesda, Maryland: Iranbooks, 1997.

Dehkhoda A. (1878 – 1955) Loghatnāme (Encyclopedic Dictionary), ed. Mohammad Mo‘in and Ja‘far Shahidi, in 14 volumes, Tehran: Tehran University Publications, 1993 – 1994.

Dictionnaire géographique, historique et littéraire de la Perse et des contrées adjacentes par C. Barbier de Meynard, Paris, 1861.

Encyclopaedia Iranica, ed. By Ehsan Yashater, 10 volumes, London – New-York, 1989.

The Encyclopaedia of Islam. New edition, prepared by a number of leading orientalists, vol. I – XI, Leiden: E.J.Brill, 1960 – 2005.

Frye R.N. The Samanids, in: CHI, in 7 volumes, vol. 4. The period from the Arab invasion to the Saljuqs. Cambridge, 1993, p. 136 – 161.

Frye R.N., Sayili A.M. The Turks in Khorasan and Transoxania at the time of the Arab conquest, in: *The Moslem World XXXV*, Hartford, 1945, p. 308 – 315, reprinted in: *Islamic Iran and Central Asia (7<sup>th</sup> – 12<sup>th</sup> centuries)*, London: Variorum Reprints, 1979, XIII.

Harmatta J., Litvinsky B.A. Tokharistan and Gandhara under Western Turk rule (650 – 750), part 1, History of the regions, in: *HCCA*, vol. 3, Paris, 1996, p. 367 – 401.

Nöldeke Th. *Geschichte der Perser und Araber Zeit der Sasaniden*. Leyden, 1879.

Shahbazi A.Sh. Bahram VI Chobin, in: *Bahram: VII*, *Encyclopaedia Iranica*, ed. by Ehsan Yarshater, vol. III (Ataş – Bayhaqi), London – New York, 1989, p. 514 – 522.

Togan, A.Z. Velidi. The Topography of Balkh down to the middle of the seventeenth century, in: *CAJ*, vol. 13, 1969, p. 277 – 288.

---